

80,05  
3,74

15

# ИЖТИМОЙ СТАТИСТИКА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Б.Б. УСМОНОВ**

# **ИЖТИМОЙ СТАТИСТИКА**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар**  
**фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан**  
**олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари**  
**талабалари учун ўқув қўлланма**  
**сифатида тавсия этилган**

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY**

**B.B.USMONOV**

## **SOCIAL STATISTICS**

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жа- раёнларни ўрганиш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан биридир. Ушбу муаммоларни изчил ўрганиш учун иқтисодиёт- да статистика фанига, шу жумладан Ижтимоий статистикага катта масъулият юкланади.

Кейинги вақтларда жамият иқтисодий ҳаёти ва узоқ муд- датли ижтимоий-иқтисодий режалаштиришда демографик, иж- тимой омиллар ролининг янада ортиши бу масалага бўлган қизиқишни кучайтирди.

Демографик омил ва унинг асосида юзага келаётган иж- тимой ва иқтисодий омиллар билан биргаликда ижтимоий ри- вожланишнинг асоси ҳисобланади. Уларни чуқур ва ҳар томон- лама ўрганмасдан туриб мустақил Ўзбекистон ва унинг айрим ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг реал равишда режалаштириб бўлмайди. Бу йшларни амалга оши- риш учун давлатимиз, шу жумладан статистика идораларига Ижтимоий статистика муаммолари билан шуғулланувчи мута- хассислар керак бўлади.

Ижтимоий ривожланиш, иқтисодиётнинг барча тармоқла- ри: саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ривожини — аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳти- ёжларини қондириш, инсон омили ролини кучайтиришни, аҳоли турмуш даражасини кўтариш муаммоларини ечишни тақозо эта- ди. Шунинг учун ҳам Ижтимоий статистиканинг назарий ва амал- лий томонларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув қўлланма бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар, про- фессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Холмўминов Ш.Р.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Тошматов З.;

и.ф.н., доц. Аюбжонов А.Х.;

и.ф.н., доц. Набиҳўжаев А.А.;

доц. Хайтов А.Б.

Usmonov B.B. "Social statistics" (manual) – T.: TSEU, 2004 – 112 pages. (under the publication of prof. Nabiev H.N.)

The study of social-economical process is one of the main issues in our country. During the study of that process statistics plays an important role, and "social statistics" course will be much helpful.

Last years more attention was paid to demographic and social factors for social economic planning. Demographic factors and other social and economic factors plays an important role in social development of the country. Without deep studying of them it is difficult to forecast future economic growth of the Republic of Uzbekistan. To do this process our country needs statistical organizations, especially specialists researching in "social statistics" area.

Social and economic development industrial and agricultural development needs to study the population, problems of increasing living conditions of the population. This is the reason it is important to study theoretical and practical sides of "social statistics".

The manual is designed for the students of bachelor, masters, researchers, professor lecturers and scientific members of that area.

Responsible editor: doctor of economic science,  
professor Kholmuminov Sh.R.

References: candidate of economic science,  
senior lecturer, Ayubjono A.Kh.;  
candidate of economic science,  
senior lecturer, Nabihoev A.A.;  
candidate of economic science,  
professor Toshmatov Z.;  
candidate of economic science senior lecturer,  
Hayitov A.B.

## КИРИШ

Статистика амалиётида жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларни тавсифловчи кўрсаткичларнинг муайян рўйхати мавжуд. Давлат статистикаси аҳоли турмуш тарзининг турли жиҳатлари ҳақидаги ахборотга эга. Мамлакатимизда бу борада ҳисоботлар билан бир қаторда катта ҳажмда тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Чунончи, 1985 йилнинг январида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш учун муҳим бўлган йўналишларни билиб олишга имкон берувчи танланма ижтимоий-демографик кузатиш ўтказилган. Аммо мамлакатда рўй бераётган ижтимоий жараён ва ҳодисалар статистикага оид ўқув ва илмий адабиётларда ҳар томонлама ва яхлит ёритилмаган. Ижтимоий статистика бўйича адабиётлар жуда кам. Қолаверса, Ижтимоий статистиканинг ўзи ҳам ҳали фан сифатида тўлиқ шаклланмаган. Бу тайёрланаётган мутахассисларнинг малакаси даражасига салбий таъсир этиши табиий. Шундай экан, «Ижтимоий статистика»нинг предметини аниқлаш, услуби ва кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш, жамият ривожланишининг муайян шароитларида аҳоли турмуш тарзини ҳамда ижтимоий жараён ва ҳодисаларни ўрганишга тизимли комплекс ёндашишни ташкил қилиш, унинг «Ижтимоий-иқтисодий статистика», тармоқ статистика бўлимларидаги турли кўрсаткичларни битта тизимга бирлаштириш керак.

«Ижтимоий статистика» «Ижтимоий-иқтисодий статистика»нинг узвий қисми бўлиб, жамиятда рўй бераётган ижтимоий жараён ва ҳодисаларни статистик ёритиш ва таҳлил қилишга қатъий равишда янгича ёндашишни кўзда тутади.

Уни мукамал фан сифатида ташкил қилиш ва олий ўқув юртларида таълим бериш иқтисодчи ва статистика мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширишга кўмаклашади.

## «ИЖТИМОЙ СТАТИСТИКА»НИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

### I.1. Ижтимоий статистиканинг предмети

«Ижтимоий статистика» ижтимоий аҳамиятга молик бўлиб, «Ижтимоий-иқтисодий статистика»нинг бир бўлими ҳисобланади. «Ижтимоий статистика» ижтимоий жараён ва ҳодисаларнинг юзга келаётган хусусиятлар, тенденция ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида уларнинг миқдор даражасини сифат даражасидан ажралмаган ҳолда ўрганади. У давлат тизими, иқтисодий тизим, сиёсий тизим, жамиятнинг ижтимоий тузилмасининг таркиби, меҳнат жамоаси, оила ва шахс муаммолари, аҳолининг бўш вақти ва дам олиш жараёнини тадқиқ этади. Унинг тадқиқотлари аҳолининг турмуш тарзи, даромади, моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиши, меҳнат характери ва ижтимоий шароитлари муаммолари, савдо, маиший, уй-жой-коммунал ҳамда транспорт хизмати, аҳолининг саломатлиги, жисмоний тарбия ва спорт, халқ таълими, маданият ва санъатни ўрганишга асосланади.

«Ижтимоий статистика»нинг хусусияти шундаки, у ижтимоий ҳаётни бу жараёнлардаги барча ўзаро алоқалар асосида яхлит ўрганади. «Ижтимоий статистика»да ҳар бир ижтимоий жараён унинг ҳолати, тузилмаси ва динамикасини характерловчи барча омиллар билан биргаликда кўриб чиқилади. «Ижтимоий статистика» ўрганилаётган ҳолатларнинг қонуниятларини аниқлайди. «Ижтимоий статистика» соғлиқни сақлаш, маданият ва маориф статистикасидан фарқли равишда, тармоқ статистикасига мансуб бўлмай, ижтимоий муаммоларни ҳам тармоқлар бўйича, ҳам умумжамият кўламида ўрганувчи фан ҳисобланади.

«Ижтимоий статистика»нинг тадқиқотлар предмети, Социологиянинг тадқиқотлар предметидан фарқланади: у ижтимоий жараён ва ҳодисаларнинг миқдорий жиҳатини сифат жиҳатидан ажратмаган ҳолда, яъни сифати, белгиланган миқдори ҳамда уларнинг қонуниятини ўрганади. Сифат ва миқдор мезонлари ўртасида узлуксиз алоқа мавжуд. Ҳар бир алоҳида олинган тарихий давр мобайнида ижтимоий ҳодисалар маълум бир ҳажм, даражага эга бўлиб, улар ўртасида маълум бир миқдорий муносабатлар амал қилади. Бунга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: маълум бир даврдаги аҳоли сони, аёллар ва эркеклар сонига фарқ, аҳоли жон бошига реал даромад ҳажми, моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиш даражаси,

жамоатчилик истеъмол фондлари тўловининг ўсиш суръати ва ҳоказолар. Бу борадаги кўрсаткич ва даражалар миқдор жиҳатидан доимо ҳаракатда бўлиб, ўзгариб туради ва «Ижтимоий статистика»нинг тадқиқотлари предметини ташкил қилади. «Ижтимоий статистика» булардан ташқари у ёки бу ҳолатнинг сифат даражасини ҳам ўрганади.

Аҳолининг турмуш тарзи, жон бошига реал даромад ҳажми, саноат моллари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасининг ўзгариши тўғрисида тўғри ва аниқ хулосаларга эга бўлиш учун бу ҳолатларнинг мазмуни ҳамда кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиятини билиш зарур. Аҳоли жон бошига маҳсулот истеъмол қилиш ҳажми ҳар бир маҳсулот турининг ўртача аҳоли сонига нисбатидан келиб чиқади. Бу ҳолда бир томондан, ушбу кўрсаткични ҳисоблаш услубияти, иккинчи томондан эса, ижтимоий ҳодисанинг сифат даражаси очилади. Базис ҳамда ҳисобот давридаги даражаларни солиштириб кўриш туфайли аҳоли жон бошига маҳсулот истеъмол қилиш даражасининг ўзгариши, бунинг натижасида эса турмуш даражаси динамикасини тавсифлаб бериш мумкин.

## 1.2. Ижтимоий статистиканинг услублари

Ижтимоий жараёнлар ва ҳодисалар доимий ўзгариш ва ривожланишда кўриб чиқилиши керак. Шу муносабат билан Ижтимоий статистика ўрганилаётган ижтимоий жараён ва ҳодисалар динамикасига катта эътибор қаратади. У ижтимоий муаммоларни муайян шароитларда, вақт ва жой ҳамда жамиятнинг ривожланиш босқичини ҳисобга олган ҳолда ўрганади. Ижтимоий ривожланиш соҳасидаги миқдорий ўзгаришларни сифат ўзгаришларига ўтишига статистик тасвир беради, ўзгаришларнинг ҳисоблайди ва омилларини белгилайди. Юқоридаги барча ўзгаришларни «Ижтимоий статистика» қарама-қаршиликлар ўртасидаги кураш қонунларига асосан, янги ва прогрессив жараёнлар билан эски ва қолоқ жараёнлар ўртасидаги кураш давомида ўрганади.

Статистик тадқиқотларнинг биринчи босқичида ҳар бир алоҳида далил ва унга хос бўлган индивидуал белгиларни ҳисобга олиш ҳамда ижтимоий ривожланиш соҳасидаги бирламчи статистик материалларни йиғишга имкон берувчи статистик кузатувлардан фойдаланилади. Бу босқич учун оммавий кузатувлар характерлидир. Бу эса, «Ижтимоий статистика» оммавий жараён ва ҳодисаларда юзага келадиган қонуниятларни ўрганиши билан изоҳланади.



Статистик тадқиқотларнинг иккинчи босқичида статистик сводкада - кузатувлар натижасида йиғилган маълумотлар умумлаштирилиб, тавсифланган ҳолда бир тизимга келтирилади. Бу босқичда энг муҳим услублардан бири бўлиши гуруҳлаш услуби қўлланилади. Бу услуб турли ижтимоий ҳодисалардан ҳар бири уларнинг ўзига хос белгилари бўйича катта ва кичик гуруҳларга бўлиш йўли билан алоҳида ҳисоблаш имконини беради.

Статистик тадқиқотларнинг учинчи босқичида умумлаштирилган материал таҳлил қилиниб, ўрганилаётган ҳодисаларнинг қонуниятлари ва тенденциялари аниқланади ҳамда уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларига тавсиф берилади. Бунинг учун умумлаштирувчи кўрсаткичлар қўлланилади. Ижтимоий жараён ва ҳодисаларни ўрганишда ҳодисаларнинг динамика ва вариация кўрсаткичларини баҳолаш услуби, дисперсион, корреляцион ва регрессион таҳлил услублари ҳам қўлланилади. «Ижтимоий статистика»да аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши, моддий неъматларни истеъмол қилиш ва хизматлардан фойдаланиш, аҳоли пул даромадлари ва харажатларининг ўзгариш жараёнини очиб беришга имкон яратувчи баланс услубидан кенг фойдаланилади.

Ижтимоий статистикада юқорида кўрсатиб ўтилган услублардан ўрганилаётган ҳодисаларни, жой ва вақтнинг муайян хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади. Бунда ўрганилаётган жараён ва ҳодисалар доимий равишда ҳаракатда бўлиб, миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариб туради. Ҳолатларнинг шакли, моҳияти, хусусияти, тизими ва ҳажми ҳамда қонуниятларнинг ривожланиши ўзгариб туради. Ижтимоий статистика буларнинг барчасига бефарқ бўла олмайди. У ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларда юзага келаётган ўзгаришларни тадқиқ қилувчи усул ва услубларни ҳам ўзгартириб бориши керак.

### 1.3. Ижтимоий статистиканинг вазифалари

Ижтимоий статистика жамият тизими, унинг турмуш тарзини мустаҳкамлашга таъсири, мулкчилик муаммоларини жамият тизимининг асоси сифатида ҳар томонлама ўрганишга қаратилган.

Ижтимоий статистика жамиятнинг сиёсий тизимини ўрганишга катта эътибор қаратиши керак. Ҳозирги пайтда сиёсий тизимнинг стратегик ривожланиши демократияни мукамаллаштириб, меҳнаткашлар ва уларнинг жамоалари ҳамда ташкилотларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги масалаларни ечишда фаол, амалий ва доимий иштироки асосида халқнинг ўзини-ўзи бошқаришини янада тўлиқроқ амалга оширишга йўналтирилган.

Ижтимоий статистикадан барча кўрсатилган жараёнларни

тўлиқ ва объектив акс эттиришдан ташқари, бу жараёнларни чуқур тадқиқ қилиш, сиёсий тизим ривожланишини характерловчи статистик кўрсаткичлар тизimini ишлаб чиқиш ҳам талаб қилинади.

Жамиятнинг сиёсий тизими, ушбу тизимнинг барча бўғинларини мамлакатдаги барча миллат ва элатлар, аҳоли барча қатламлари бирлиги ва манфаатларининг ўзига хослигини акс эттирувчи касаба уюшмалари, ширкат ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотларини статистик ўрганиш муносабати билан Ижтимоий статистиканинг олдига жуда муҳим вазифалар қўйилган. Ҳозирги пайтда жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, бир жинслилигини (мамлакатдаги барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларни яхшилаш, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги сезиларли фарқни йўқотиш, ижтимоий гуруҳ ва қатламларни яқинлатиришни) характерловчи жараёнларни статистик таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ижтимоий статистика олдида жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида ҳам катта вазифалар турибди. У бутун статистик аппаратдан фойдаланган ҳолда жамоатчилик фикрини изчил ўрганиб бориши, материалларни йиғиш ва қайта ишлаш услубиятини мукаммаллаштириши, жамоатчилик фикрининг мамлакат ижтимоий ривожланишига кўрсатадиган таъсирини ўрганиши зарур.

Ҳозирги пайтда «Ижтимоий статистика» демографик жараёнларнинг яхшиланиши, жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлаш ҳамда ўсиб бораётган янги авлод тарбияси ва соғлиғини мустаҳкамлашда тобора муҳим роль ўйновчи оила ва шахсни статистик ўрганишга катта эътибор қаратиши керак.

Инсон характерининг асослари, унинг меҳнатга, маърифий, маънавий ва маданий қадриятларга муносабати оилада шаклланади. Бу жараёнларнинг барчаси ҳар томонлама ўрганилиши, таҳлил қилиниши ва шу асосда керакли хулосалар чиқарилиши керак. Меҳнат жамоаларига оид масалалар доимо «Ижтимоий статистика»нинг кўз олдида бўлиши керак, чунки бу жамоаларнинг роли сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Турмуш тарзи ҳамда жамотчилик алоқалари тизimini ўрганишда аҳолининг маънавий ҳолати, жамият қатламлари ва ижтимоий гуруҳлар тўғрисида фикр юритиш имконини берувчи жараён ва ҳодисаларни тадқиқ қилувчи маънавий статистика муҳим ўринга эга. У биринчидан, эгоизм, ўзинигина севиш, ғаразгўйлик билан чиқишмайдиган ҳамда умумхалқ, жамоа ва шахсий манфаатларнинг уйғунлигини ўз ичига олувчи ахлоқ, иккинчидан, меҳнаткаш инсонни юқорига кўтарувчи, инсонлар орасидаги чин инсоний алоқалар — дўстона ҳамкорлик ва ўзаро

ёрдам, очиқ кўнгиллилик, ҳақгўйлик, шахсий ҳамда жамият ҳаётида оддийлик ва камтарликни белгиловчи инсонпарварлик ахлоқи, учинчидан, одамларни янги ижодкорликка ва меҳнатга чорловчи, жамоа ва бутун мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишга қизиқтирувчи фаол, амалий ахлоқни характерловчи жараёнларни ҳар томонлама акс эттиришга қаратилган.

«Ижтимоий статистика» ўз ичига комплекс масалаларни қамраб олган аҳолининг турмуш тарзини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган. Бу, аввало аҳолининг маданияти даражаси, ижтимоий таъминоти, номинал ва реал иш ҳақи ҳамда жон бошига реал даромад ҳажмини, меҳнат характери ва ижтимоий шароитларни характерловчи статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради. Аҳолининг моддий неъмат ва хизматлардан жон бошига ва ҳар бир оила ҳисобига фойдаланиш ҳажми, таркиби ва динамикасини статистик ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу ҳолда қайси маҳкамага бўйсунishiдан қатъиназар барча саноат корхоналарида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг янги имкониятларини аниқлаш муҳимдир.

«Ижтимоий статистика»нинг муҳим йўналиши бўлмиш аҳолига хизмат кўрсатиш статистикасининг олдида масъулиятли вазифалар турибди. Бу гап, аввало, аҳолига кўрсатиладиган транспорт, уй-жой-коммунал, маиший ҳамда савдо хизмати тўғрисида боради. Бу биринчи навбатда талаб жуда тез ўсаётган туризм, автохизмат, уйларни таъмирлаш ва ободонлатириш, уй меҳнатини енгиллаштириш билан боғлиқ бўлган хизмат турларига тегишлидир. Уй-жой муаммоларига катта эътибор қаратиш керак, чунки унинг аҳамияти ва муҳимлик даражаси юқори бўлиб, уй-жой қуриш ва фойдаланишга топшириш устидан назоратни кучайтиришни талаб қилади.

Одамлар соғлиғи ва уларнинг дам олишини статистик ўрганишни такомиллаштириш бўйича ҳам кўп иш қилиш керак. Ижтимоий статистика ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш услубиятини яхшилаши лозим. Айни пайтда жисмоний тарбия ва спорт статистикаси муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, чунки бу тармоқнинг ривожланиши аҳоли соғлиғининг мустаҳкамланиши, шахснинг уйғунлик билан ривожланиши, соғлом турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ.

#### 1.4. Ижтимоий статистиканинг замонавий ташкил этилиши

Ижтимоий статистиканинг ташкил этилиши давлат статистикасининг ташкил топишидаги ташкилий-услубий тамойиллар билан белгилаб берилган. Бу тамойиллар давлат стати-

стикасининг давлатнинг бошқарув идораларидаги ўрни ва хусусиятларидан келиб чиқади. Статистика давлатни бошқариш ҳамда мамлакат, шу жумладан, унинг алоҳида ҳудудлари ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини бошқаришнинг муҳим воситаларидан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат статистика идоралари ўз ишини умумий тамойиллар, ягона услуб асосида олиб борди. Давлат статистикаси статистика идораларининг кенг тарқалган тармоғидан ташкил топган.

Давлат ижтимоий статистикаси марказий статистика идораларининг қуйидаги қатор бўлимлари ва бошқармаларидан ташкил топган эди: аҳоли бюджети, уй-жой-коммунал хўжалиги, маданият, соғлиқни сақлаш ва аҳоли статистикаси ҳамда халқ хўжалиги баланси ва ҳоказолар.

Ижтимоий статистиканинг ҳозирги пайтдаги ривожланиш даври учун жамиятда рўй бераётган жараёнлар ва ижтимоий шароитларни ўрганишнинг тизимли услуби характерлидир. Жамиятда одамларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий шароитларда юз бераётган жараён ва ҳодисаларга таъсир ўтказувчи сабабларни ўрганиш мақсадида махсус танланма кузатувлар олиб борилмоқда. Ижтимоий статистиканинг асосий ахборот манбаларидан бири аҳоли сони ҳамда уй-жой фондини ҳисобга олишдир. Бундай статистик кузатувлар асосан 10 йилда бир марта ўтказилади. Давлат статистика хизмати томонидан амалга ошириладиган ижтимоий тадқиқотлар дастури аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари бўйича маълумотларни йиғишни кўзда тутаяди. Хорижий мамлакатларда аҳоли сони ҳисобга олинганда уй хўжалиги кузатув бирлиги сифатида қаралади. Статистика идоралари аҳоли сонини ҳисобга олиш билан уй-жой фондини ҳам ҳисобга олиб боради. Бундай тадқиқотлар жараёнида аҳолининг уй-жой шароити ҳақидаги, шунингдек, аҳолининг ишдан бўш пайтдаги машғулотлари ва дам олиш учун шахсий моддий базаси (дала ҳовли, томорқа участкаси, автомашина ва ҳоказо) ҳақидаги маълумотлар йиғилади.

Кенг қамровли статистик тадқиқотлар билан бир қаторда танланма социологик кузатувлар ҳам доимий равишда олиб борилади. Бунда оила бюджетининг социологик тадқиқотлари айниқса катта амалий аҳамиятга эга. Давлат статистика идоралари томонидан оила бюджети ҳақида танланма усул билан йиғиладиган маълумотлар аҳоли ижтимоий гуруҳларининг ҳар бири: ишчилар, хизматчилар, деҳқонларнинг даромад ва харажатлари миқдорини деталли равишда таснифлаб бериш имконини беради.

Оилавий бюджетдан ташқари аҳолининг турмуш тарзи, иш билан банд ва ишдан бўш вақти баланси, дам олиш, маиший хиз-

мат ва шу кабилар билан ҳам доимий равишда танланма статистик тадқиқот ишлари олиб борилади. Аҳолининг турмуш даражаси, унинг саломатлиги, дам олиш шароитлари ва ҳоказоларнинг танланма статистик тадқиқоти амалга оширилади. «Ижтимоий статистика» томонидан йиғиладиган маълумотлар меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилаш дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва реализация қилишнинг боришини кузатиш, миллий режаларни тузишда муҳим аҳамиятга эга.

### 1.5. «Ижтимоий статистика»да статистик кузатувнинг таснифи ва хусусиятлари

Ҳозирги пайтда ижтимоий ахборотларга эҳтиёж биринчидан, кўлаб ижтимоий ҳодисалар давлат статистика идоралари томонидан ўрганилмаётганлиги ва натижада бу жараён ва ҳодисаларнинг аҳволи ва ривожланиши ҳақидаги маълумотлар йўқлиги, иккинчидан, давлат статистика идораларига тақдим этилаётган ижтимоий ахборотларда жамиятнинг аҳволини таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичлар камлиги, учинчидан, ижтимоий ва иқтисодий ахборотларни тақдим қилиш муддатлари бир-бирига тўғри келмаслиги ва натижада бир-бири билан боғлиқ эмаслиги билан изоҳланади.

Социологик тадқиқотлар олинadиган ахборот манбаларига қараб, қуйидаги ташкилий шаклларга тақсимланиши мумкин: тўғридан-тўғри кузатув; лаборатория шароитидаги, дала шароитидаги, фикрий тадқиқот; ҳужжатлар таҳлили; рўйхатга олиш; архив; интервью; суҳбат; йиғилиш; анкета сўрови. Давлат статистика идоралари томонидан ўтказиладиган статистик тадқиқотлар амалиётида статистик кузатувнинг фақат сўнгги шакли - анкета сўрovidан (бир марта ўтказиладиган махсус сўровлар) кенг фойдаланилади. Ижтимоий статистика ўрганиётган жараён ва ҳодисаларнинг алоҳида хусусиятлари бевосита ҳисобланмай, балки жамият ҳаётининг турли томонларини баҳолаш, мулоҳаза, субъектларини рангларга бўлиш йўли билан ҳисобланади. Ишчи ва хизматчиларнинг касблари, муҳандислик, агрономлик, шифокор мутахассисликлари ва шу каби атрибутив (сифат) белгилари доимо ижтимоий-иқтисодий статистиканинг тадқиқотлари объекти бўлиб келган. Демак, бирламчи маълумотларни атрибутив (сифат) категорияга киритиш ижтимоий ҳолатларнинг табиати билан изоҳланади.

Бироқ, ижтимоий статистикада жамоатчилик ҳодисаларини тадқиқ қилишда ахборот манбаи одамлар бўлиб, ишдан қониқиш, жамоа аъзоларига бўлган муносабат, ижтимоий фаоллик

каби кўрсаткичларга тез-тез дуч келинади. Сифатли ахборотларни ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш ижтимоий статистиканинг муҳим вазифаларидан биридир. Ижтимоий ҳодисаларнинг белгилари ва хусусиятларини ҳисоблаш, уларнинг белгиланган тартибдаги рақамлар тизимида акс эттирилиши билан боғлиқдир.

Кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш учун қабул қилинган рақамлар тизими шкала деб аталади. Статистика амалиётида ахборот кўрсаткичларини ҳисоблаш учун бир нечта ўлчов шкаласини: номланиш, тартиб, оралиқ ва нисбат шкалалари ишлаб чиқилган.

Номланиш шкаласи бир хил сифатли белги (хусусият)лар ўртасида тенглик ўрнатади. Ишчилар касбларининг бир жинслилигини таснифлаб (классификациялаб), уларни бир қаторга қўйиш мумкин. Масалан:

I	II
Токарлар	матбаачилар
Фрезерлар	электромонтерлар
Слесарлар	фрезерлар
Электромонтерлар	
⋮	⋮
⋮	⋮
⋮	⋮
Матбаачи	токарлар
(полиграфист)	

Ўтказилган таснифда фақат тартибга солиш мақсад қилиб қўйилган. Бироқ, бундай таснифда ҳам частота, мода, турли хил нопараметр мезонларнинг статистик таснифини аниқлаш мумкин.

Тартиб шкаласи белгилари бир-бирига нисбатан маълум бир тартиб бўйича белгиланишини кўзда тутлади. Ишчиларни малака (квалификация) даражаси бўйича жойлаштириш йўли билан уларнинг биринчи, иккинчи, учинчи ва ҳоказо разрядга эга эканлигини белгилаш мумкин. Разряд юқори бўлгани сари ишчининг малакаси ҳам юқори бўлади. Шу тариқа, тартиб шкаласи тадқиқ қилинаётган ижтимоий белгиларнинг бир-бирига белгиланган тарзда иерархик бўйсунлигини аниқлашга имкон беради. Кўрсаткичларни баҳолаш учун ранг, балл ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин. Тартиб шкаласи алоқанинг баъзи

кўрсаткичлари, децил, квантил, медиана каби ўзига хос белгиларни аниқлаш имконини беради.

Оралиқ шкаласи тартиб шкаласига ўлчов бирлиги киритиш йўли билан ҳосил қилинади. Оралиқ шкаласи тартибга солинган ижтимоий белгиларнинг иккита аъзоси ўртасидаги кўрсаткичлар фарқини ҳисоблаш ва шу туфайли корреляцион-регрессион таҳлил кўрсаткичлари, дисперсия ҳамда ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаш имконини беради.

Нисбат шкаласи ҳисоботнинг ихтиёрий бўлмаган санок боши кўшилган оралиқ шкаласидир. Нисбат шкаласи битта қатордаги аъзолар ўртасида пропорция ўрнатиш имконини беради, масалан, агар бир ишчининг ойлик маоши 2000 сўм, иккинчисиники эса 3000 сўм бўлса, 3000:2000 нисбати аниқ бир мазмунга эга бўлади. Иккинчи ишчининг ойлик маоши биринчи ишчиникига қараганда 1,5 барабар юқори. Нисбат шкаласи исталган статистик кўрсаткични ҳисоблаш имконини беради.

Юқорида баён қилинган барчаси битта жадвалда (1-жадвал) акс эттирилиб, унда ўлчов шкалаларининг имкониятлари келтирилган.

*1-жадвал*

### Ўлчов шкаласи ва унинг тавсифи

Шкала	Шкаланинг мазмуни	Шкалада берилувчи муносабат	Ҳисобланувчи статистик тавсиф	Мисоллар
Ном-ланиш	Ихтиёрий тасниф (тартибга солиш)	Эквивалентлик (тенглик)	Мода, Пирсон, Чупров коэффициентлари	Ишчи, хизматчи ва ҳоказолар касби таснифи
Тартиб	Бир жинсли кўрсаткичларнинг иерархик бўйсунуши	1. Эквивалентлик (тенглик) 1. Таққослаш "дан кўп"	Децил, квантил, медиана ўзаро боғланиши кўрсаткичлари	Ишчиларнинг тариф разряди бўйича таснифи
Оралиқ	Бир қатордаги аъзолар кўрсаткичлари орасидаги фарқ	1. Эквивалентлик (тенглик) 2. Таққослаш "дан кўп" Бир қатордаги аъзолар кўрсаткичлари орасидаги фарқни аниқлаш	Натурал рақамлар билан операциялар, ўзаро боғланиш кўрсаткичлари вариация кўрсаткичлари	Ранг ва балл баҳолари
Нисбат (пропорционал)	Оралиқ шкаласи ва санок боши	Худди шу	Худди шу	Ранг ва балл баҳолари, натурал бирликлар ҳисоби

Ижтимоий ҳодисаларни ҳисоблаш учун ижтимоий-иқтисодий статистикага хос бўлган бирликлар: натурал (1000 та оилага телевизорлар сони); қиймат (товар айланиши ҳажми) ва ҳоказолардан фойдаланилади. Ижтимоий ҳодисаларни ҳисоблашда балл ва ранг баҳолари қўлланилади. Балл баҳолари 10 дан 100 гача (10,20,30,40,50), ранг баҳолари эса 1 дан  $n$  гача (1,2,3, ...,  $n$ ) белгилашади. Баҳолашнинг бу усуллари билан бир қаторда жуфтлаб таққослаш ҳамда босқичма-босқич афзаллик усуллари билан ҳам фойдаланилади.

Ранг ва балл билан баҳолаш миқдор билан белгиланмайдиган ижтимоий ҳодисаларга баҳо берилган ҳолларда қўлланилади. Ҳодисалар уларга берилган баҳолар бўйича ўсиш ёки камайиш тартибда жойлаштирилади. Жуфтлаб таққослашда  $n$  та турли хил ижтимоий ҳодисаларни жуфтлаб таққослаш йўлидан фойдаланилади. Ҳар бир таққосланаётган жуфт учун фақат иккита вариант мавжуд: " $a > b$ " ёки " $a < b$ ". Босқичма-босқич афзаллик усулидан тадқиқ қилинаётган ҳодисалар рангларга бўлинган ёки уларга балл баҳолари берилган ҳамда ҳар бир ҳолатни бошқа ҳолатлар гуруҳи билан солиштириш имкони бўлган ҳолда фойдаланилади.

## 1.6. Ижтимоий статистикада гуруҳлаш

Статистик кузатув маълумотларини бир тизимга солиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш гуруҳларга бўлиш асосида амалга оширилади. Ижтимоий статистикада статистик гуруҳларнинг типологик, тузилмавий, таҳлилий каби турларининг ҳар биридан фойдаланилади. Қуйида келтирилган мамлакатнинг ижтимоий ривожланишини характерловчи гуруҳлар (аҳолининг ижтимоий таркиби, аҳоли реал даромадининг ўсиши, чакана товар айланишининг ўсиши, соғлиқни сақлашнинг ривожланиши, маиший хизмат ва ҳоказолар кўрсаткичлари) муҳим ўринга эга.

Ижтимоий статистикада гуруҳлар халқнинг турмуш фаровонлиги ўсишини, жамиятдаги демократияни ҳамда аҳолининг турмуш тарзини характерлайди.

Ижтимоий ҳодисаларнинг тузилишини ўрганар экан, ижтимоий статистика уни битта кўрсаткич бўйича бир ўлчамли гуруҳларгагина бўлмай кўп ўлчамли гуруҳлардан ҳам фойдаланади. Кўп ўлчамли гуруҳлар ижтимоий ҳодисаларнинг бир жиқлигини сифат жиқатидан бир хил бўлган гуруҳларга бир пайтнинг ўзида бир неча кўрсаткичлар бўйича бўлиши мумкин. Кўп ўлчамли гуруҳлар асосида маълум бир турдаги кўрсаткичлардан ўлчовсиз катталикларга ўтиш ғояси ётади. Натижавий



ва омил белгиларнинг натурал кўрсаткичлари бирламчи матрицаси индивидуал кўрсаткичларнинг ўртача арифметиги ёки максимал кўрсаткичига нисбати матрицаси билан алмаштирилади ёки барча маълумотлар стандартлаштирилади. Бирламчи маълумотларни уларнинг ўртача арифметигига алмаштиришда янги матрица ҳосил бўлиши қуйидаги босқичлардан иборат:

1) натижавий ва омил белгиларнинг ўртача арифметигини ҳисоблаш:

$$\bar{y}_i = \frac{\sum y_i}{n}; \quad \bar{x}_j = \frac{\sum x_j}{\sum n}$$

2) бирламчи маълумотлар асосида ўлчовсиз катталикларни ҳисоблаш:

$$Q_i = \frac{y_i}{y}; \quad P_j = \frac{x_j}{\bar{x}_j}$$

3) нисбатлар матрицасини ҳосил қилиш:

Кузатув бирлиги рақами	Натижавий ҳолат	Омил ҳолатлари индивидуал кўрсаткичларининг ўртача арифметигига нисбати				
		$X_1/\bar{x}_1$	$X_2/\bar{x}_2$	$X_3/\bar{x}_3$	---	$X_R/\bar{x}_R$
1	Q	P	P	P		P
2	Q	P	P	P		P
3	Q	P	P	P		P
.	.					
.	.					
.	.					
n	Qn	P <sub>n1</sub>	P <sub>n2</sub>	P <sub>n3</sub>	---	P <sub>nR</sub>

Исталган ҳолатлар мажмуасидаги ҳар бир кўрсаткичнинг ўртача арифметигига бўлган нисбати шу бирликнинг кўп ўлчамли гуруҳда эгаллайдиган жойини аниқлайди. Демак, бирламчи бир жинслиликни сифат жиҳатидан бир турдаги гуруҳларга бўлиш усули пировард натижада ўртача кўп ўлчам бўйича бир ўлчамли гуруҳлар тузилишига олиб келади. Кўп ўлчамли гуруҳлар билан бир қаторда ижтимоий статистикада бир пайтнинг ўзида катта миқдордаги ҳолатларга асосан бир турдаги гуруҳлар тузишда кластер таҳлили усули қўлланилади.

Кластер таҳлили асосида ижтимоий ҳолатларнинг бирламчи бир жинслилиги бир турдаги гуруҳларга шу тариқа бўлинадики, натижада бир гуруҳга тушган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ

бошқа гуруҳдагиларникидан камроқ фарқланади. Сифат жиҳатидан бир турдаги гуруҳларни ташкил қилиш ўлчов birlikлари (метрика) асосида амалга оширилади, бунда кўпинча Евклид ҳамда Хемминг масофасидан фойдаланилади.

Евклид масофаси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$P_E = \sqrt{(x_i^{(1)} - x_j^{(1)})^2 + (x_i^{(2)} - x_j^{(2)})^2 + \dots + (x_i^{(n)} - x_j^{(n)})^2}$$

Бу ерда:  $x_1^{(1)}, x_1^{(2)} \dots x_1^{(n)}$  - кузатув бирлигининг ижтимоий ҳолатлари ҳисобланган кўрсаткичи;

$X_1^{(1)}, X_1^{(2)} \dots X_1^{(n)}$  - бошқа кузатув бирлигининг худди шу ижтимоий ҳолатлари ҳисобланган кўрсаткичи.

Ижтимоий ҳолатларнинг бир хилда эмаслигини ҳисобга олиш учун Евклид масофасидан фойдаланилади.

$$P_E = \sqrt{\omega_1(x_i^{(1)} - x_j^{(1)})^2 + \omega_2(x_i^{(2)} - x_j^{(2)})^2 + \dots + \omega_n(x_i^{(n)} - x_j^{(n)})^2}$$

$$(0 \leq \omega \leq 1)$$

Хемминг масофасидан Евклид масофасига қараганда камроқ фойдаланилиб, у асосан кузатув birlikлари орасидаги фарқни кўрсатади:

$$P_x(x_i, x_j) = \sum_{S=1}^p |x_i^{(S)} - x_j^{(S)}|$$

Бирламчи маълумотларнинг бир жинслигини тақсимлаш бошқа формулалар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, агар

$a_{ij} = x_{ij} / \bar{x}_i$  бўлса, у ҳолда қуйидаги амалдан фойдаланиш мумкин:

$$P_i = \sqrt{(1 - a'_{i1})^2 + (1 - a'_{i2})^2 + \dots + (1 - a'_{in})^2} \text{ ёки ўлчанган}$$

$$P_{ib} = \sqrt{\omega_1(1 - a'_{i1})^2 + \omega_2(1 - a'_{i2})^2 + \dots + \omega_n(1 - a'_{in})^2}$$

Кластер (гуруҳ)ларни белгилаш учун иерархик алгоритмдан фойдаланилган. Кластер таҳлили амалга оширилганда ҳар бир birlik алоҳида кластер сифатида қабул қилинган. Яқинлик белгиси сифатида корреляция коэффициентини қўлланилган:

$$R_j = \sum_{i=1}^n r_{ij} - \frac{1}{n} \left( \sum_{i=1}^n r_{ij} \right)^2$$

Бу ерда:  $r_{jj}$  - жуфт корреляция коэффиценти;  $n$  - кластердаги бирликлар сони;  $j=1,2,3\dots n$  - кластер рақами.

Кластерларга бирлаштириш жараёни энг кам квадрат оғишларига эга бўлган жуфтликларни бирлаштиришдан бошланади.

### 1.7. Ижтимоий статистиканинг кўрсаткичлар тизими

Статистика кўрсаткичлари шундай тушунчаки, улар жамиятдаги аниқ бир жараён ва ҳодисаларнинг ҳажми ва миқдорини акс эттиради, масалан, миллий даромад; аҳоли сони; аҳоли жон бошига маҳсулотлар истеъмол қилиниши; ҳар бир ишловчига тўғри келувчи реал даромад; маиший хизмат ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келиши ва ҳоказолар.

Статистика кўрсаткичлари жамиятда юз бераётган у ёки бу жараёнларнинг миқдор жиҳатини акс эттирувчи катталиклар, тарқалиш даражаси ва бошқа шакъларни ҳисоблаб беради.

Урганилаётган ҳодисаларнинг турли-туманлиги статистик кўрсаткичлар хилма-хил бўлишини таъминлайди. Аввало ҳажм ва миқдор кўрсаткичлари фарқланади. Миқдор кўрсаткичлари ўрганилаётган мажмуанинг бирликлар миқдори ёки ўзгарувчан белгиларнинг суммар кўрсаткичлари кўринишидаги ҳажмини характерлайди. Бунга мисол қилиб жамиятнинг истеъмол фондлари ҳажми, аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматнинг жами миқдори ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Сифат кўрсаткичлари жараён ва ҳодисаларнинг миқдорий нисбати ва даражасини бир ёки бир нечта ҳолатларнинг суммар кўрсаткичлари кўринишида, шаҳар, туман, вилоятлар ижтимоий ривожланиш режаларининг бажарилиш даражаси кўринишида характерлайди.

Кўрсаткичлар, шунингдек, индивидуал, умумий, синтетик ва гуруҳий турларига бўлинади. Агар статистик кўрсаткич алоҳида объектга ёки алоҳида ташкилотга тегишли бўлса, бундай кўрсаткич, индивидуал кўрсаткич, деб аталади. Агар у бир турдаги объектлар гуруҳига мансуб бўлса (масалан, маълум бир тармоқ ташкилотлари), бундай кўрсаткич, гуруҳ кўрсаткичи, деб аталади. Умумий ва синтетик кўрсаткичлар умумлашган кўрсаткич ҳисобланади.

Тармоқларга тегишли бўлган кўрсаткичлар тармоқ кўрсаткичлари, мамлакатнинг ҳудудий қисмига тегишли бўлган кўрсаткичлар ҳудудий, халқ хўжалигига тегишли кўрсаткичлар эса, халқ хўжалиги кўрсаткичлари, деб аталади.

## Қисқача хулосалар

Ижтимоий статистикани ўрганиш талабаларга қуйидаги ижтимоий муаммоларни ечишда кўникмалар ҳосил қилиш имконини яратади:

- долзарб ижтимоий муаммолар тўғрисида аҳоли фикрини ўрганиш бўйича махсус танланма ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- “камбағаллик чизиги”, “истеъмол саватчаси”ни аниқлаш, турмуш кечириш учун энг кам эҳтиёжларни аниқлаш бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- аҳолининг турмуш тарзи кўрсаткичлари таҳлили.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ижтимоий статистиканинг предмети нима?
2. Қайси фанлар «Ижтимоий статистика»нинг назарий асослари ҳисобланади?
3. «Ижтимоий статистика» қандай усуллардан фойдаланади?
4. Замонавий ижтимоий статистика қандай ташкил этилган?
5. Ижтимоий статистикада қандай гуруҳлар қўлланилади?

## Асосий адабиётлар

1. М.Қосимова. Ижтимоий соҳа: назария ва услубият саволлари. Тошкент, 1994.
2. В. Гурьев. Наш образ жизни. Москва, 1990.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИ

### 2.1. Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий тизимини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти

Турмуш тарзи статистикаси иқтисодий тизим статистикаси билан чамбарчас боғлиқдир. Гап шундаки, одамлар ҳаёти ижтимоий шароитларининг моддий асоси моддий неъматлар ишлаб чиқаришдадир. Инсон фаолиятининг ҳал қилувчи соҳаси - иқтисодиётда жуда сифатли ўзгаришлар қилмай туриб, халқ фаровонлигини ошириш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш мумкин эмас, иқтисодиётнинг жадал суръатда ўсишисиз ижтимоий дастурлар яхши ниятлигича қолиб кетаверади.

Ижтимоий ривожланиш дастурини амалга оширишга ҳамда турмуш тарзини ташкил қилиш ва ривожлантиришга ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиш иқтисодий асос бўлиб хизмат қилади.

Статистика ишлаб чиқаришнинг ички захиралари ҳамда фан-техника тараққиёти, моддий, меҳнат ва молиявий захиралар, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш, тежамкорлик ва маҳсулот сифатини ошириш режими кучайтириш, ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқарув механизмларини ташкил қилиш захираларини аниқлаб бериши керак. Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ечиш учун статистика кўрсаткичлари тизимини янада мукамаллаштириш, барча муҳим ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни қамраб олиш, иқтисодиётнинг ривожланиши ҳамда халқ фаровонлигини оширишнинг барча имкониятларини аниқлаш талаб қилинади.

### 2.2. Жамоатчилик ташкилотлари мулки, фуқароларнинг шахсий мулки, мулк тузилиши статистикаси кўрсаткичлари

Мулк шаклининг асосини давлат мулки ташкил қилади. Табиий захираларнинг барчаси умумхалқ мулки ҳисобланади.

Жамоа, ширкат ҳамда бошқа турдаги хўжаликлар тасаруфидоғи мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситалари ҳам мулкни ташкил қилади. Касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг низомида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган мол-мулк ҳам мулк ҳисобланади. Ўзбе-

кистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг шахсий мулки ҳам кўзда тутилган бўлиб, унинг асосини меҳнат даромадлари ташкил этади. Меҳнат жамғармалари, тураржой, ёрдамчи хўжалик юритиш учун зарур бўлган воситалар ва шахсий истеъмол моллари шахсий мулкни ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликни таснифлаш учун статистика бир қатор кўрсаткичларга асосланади. Бунда, мисол учун, хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари, миллий даромад, саноат маҳсулотлари, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда чакана товар айланишидаги салмоғи ҳисобга олинади. Шунингдек, халқ хўжалигида машғул бўлганларнинг умумий сонига нисбатан мулк шаклига кўра, халқ хўжалигида машғул бўлганларнинг улуши, уй-жой фондининг умумий майдонининг мулк шаклларига қараб тақсимланиши кўрсаткичлари ҳам аниқлаб берилади.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятини кўриб чиқамиз. Хўжаликнинг:

- ишлаб чиқариш асосий фондларидаги улуши давлат корхоналари, фермер ва ширкат хўжаликлари, жумладан ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг томорқа хўжаликлари ишлаб чиқариш асосий фондларининг жами ишлаб чиқариш асосий фондларига нисбатидан;

- мамлакат миллий даромадидаги улуши давлат корхоналари, ширкатлар, жамоа хўжаликларининг, шахсий томорқа хўжаликларида ишлаб чиқарилган миллий даромад қийматининг жами ишлаб чиқарилган амалдаги нархлардаги миллий даромадга нисбатидан;

- саноат маҳсулотларидаги улуши давлат корхоналари, ширкат ва жамоа хўжаликлари саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматининг ялпи саноат маҳсулотлари ҳажмига нисбатидан;

- ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши фермер хўжаликлари ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг шахсий томорқа хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмига нисбатидан;

- чакана товар айланиши (шу жумладан, умумий овқатланиш) даги улуши давлат корхоналари, ширкат ҳамда жамоа хўжаликларидаги чакана товар айланиши ҳажмининг жами чакана товар айланиш ҳажмига нисбатидан;

- уй-жой фондининг мулк шаклларига қараб тақсимланишидаги салмоғи эса давлат корхоналари, ширкат ва жамоа хўжаликлари тасарруфидаги ҳамда аҳолининг шахсий мулки

ҳисобланган уй-жой фонди миқдорининг жами уй-жой фонди майдонига нисбатидан;

- иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар улуши мулк шакли бўйича банд бўлганлар сонининг умуман халқ хўжалигида банд бўлганлар сонига нисбатидан келиб чиқади. Ишчи ва хизматчилар, қишлоқ хўжалиги жамоа корхоналарида банд бўлганлар, шахсий томорқа хўжалигида банд бўлган деҳқонлар; аҳолининг бошқа қисми (хунармандлар ва ҳоказо) шу аснода ҳисобга олиб борилади.

Мулк тузилмасини тавсифловчи юқорида кўрсатилган ҳамда бошқа кўрсаткичлар давлат (умумхалқ), ширкат ва бошқа мулк шаклларига асосан алоҳида ҳисобга олиниши мумкин. Ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган жамоатчилик мулкнинг ривожланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки у ишлаб чиқариш ва жамоатчилик фаолиятидаги шахслар ўртасида сифат жиҳатидан янги алоқаларни юзага келтиради ва уларни ижтимоий қарамликнинг барча турларидан озод қилади.

### 2.3. Иқтисодиёт ривожланиши статистикаси кўрсаткичлари

Миллий бойликни яратиш ва мукаммаллаштириш ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартларидан биридир. Унинг ҳажми моддий-техника базаси ривожланишининг даражасини белгилаб беради. Бунда меҳнат воситалари, биринчи ўринда уларнинг энг асосий, фаол қисми - меҳнат қуролилари жамият моддий-техника базасини шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни тавсифлаш учун ижтимоий статистика миллий бойликдан ташқари қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам фойдаланади: ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, истеъмол қилиш ва жамғариш учун ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган миллий даромад, истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлинган саноат маҳсулотлари; деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари; асосий воситаларни ишга тушириш; саноат, қишлоқ хўжалиги, темир йўл транспорти ва қурилишдаги меҳнат унумдорлиги, ишчи ва хизматчиларнинг сони; халқ хўжалиги бўйича фойда; аҳоли жон бошига реал даромад, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши, деҳқонлар меҳнатига ҳақ тўлаш, жамотчилик истеъмол фондларидан аҳолига тўланадиган тўлов ва имтиёзлар; алкогольли маҳсулотларни истисно қилган ҳолда давлат ва кооператив савдонинг чакана товар айланиши; аҳолига кўрсатиладиган маиший ҳамда пуллик хизмат турларининг ҳажми; тураржой

бинолари, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналарни ишга тушириш; умумтаълим мактабларида ўқиётган ўқувчилар сони; олий ўқув юртлари ва коллежларда таълим олаётган талабалар сони.

Иқтисодий тизимни тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: истеъмолат қилиш ва жамғариш учун мўлжалланган миллий даромад - жами ва аҳоли жон бошига; истеъмолат буюмларини ишлаб чиқариш - жами ўсиш суръати ва аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш; товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида истеъмолат моллари ишлаб чиқаришнинг салмоғи; асосий истеъмолат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилиши; ноишлаб чиқариш тармоғига киритилган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми; ижтимоий-маданий чоратадбирлар учун барча манбалардан қиланадиган харажатлар - жами ва аҳоли жон бошига; болалар боғчалари ва яслиларда битта бола учун қиланадиган харажатлар; умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида бир йилда битта таълим олувчига қиланадиган харажатлар ва бошқалар.

Истеъмолат қилиш ва жамғариш учун фойдаланилган миллий даромад аҳоли жон бошига ҳисоблаганда бир йилда истеъмолат қилиш ва жамғариш учун фойдаланилган миллий даромад ҳажмининг ўртача йиллик мавжуд аҳоли сонига нисбати олинади.

Миллий даромаднинг истеъмолат қилиш ҳамда ноишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилган ресурслари аҳоли жон бошига қуйидаги тартиб асосида ҳисобланади: суратда миллий даромаднинг бир йилда истеъмолат қилиш ҳамда ноишлаб чиқариш қурилишига кетган ресурслари, маҳражда эса - ўртача йиллик мавжуд аҳоли сони. Бу ҳолатда шуни эътиборга олиш керакки, миллий даромадни истеъмолат қилиш ҳамда ноишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилган ресурслари бу истеъмолат фонди ва асосий ноишлаб чиқариш фондларининг ўсиш йиғиндисидир.

Истеъмолат молларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришни ҳисоблаш корхонанинг улгуржи нархларда ишлаб чиқарилган истеъмолат моллари ҳажмини ўртача йиллик мавжуд аҳоли сонига бўлиш асосида амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш ҳажми товар маҳсулоти ҳажмига бўлинса, ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги истеъмолат молларининг салмоғи келиб чиқади. Аҳоли жон бошига асосий истеъмолат молларини ишлаб чиқариш қуйидагича ҳисобланади: алоҳида турдаги истеъмолат моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўртача йиллик мавжуд аҳоли сонига бўлинади.

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми маориф, соғлиқни сақлаш, жисоний



тарбия ва шу кабиларни ривожлантиришга йўналтирилган капитал қўйилмалар қиймати сифатида аниқланади.

Ижтимоий-маданий чора-тадбирлар (маориф, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот) учун барча манбалардан олинadиган харажатларни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда барча ижтимоий-маданий чора-тадбирлар (маориф, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот) учун бир йилда қилинган харажатнинг жами миқдорини доимий аҳолининг ўртача йиллик сонига нисбати инобатга олинади.

## 2.4. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш статистикаси кўрсаткичлари

Статистика амалиётида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ўрганиш бўйича маълум бир миқдорда тажриба тўпланган. Атроф-муҳит ҳолатини тавсифлаш учун статистика аҳоли ёки ҳудудлар муҳитнинг алоҳида элементлари билан таъминланганлиги, ер, сув, ўрмон ресурслари, ҳаво бассейнининг таркиби ва сифати кўрсаткичларини ҳисоблайди.

Статистика натурал кўринишда маълум бир ҳудуддаги атроф-муҳит табиий компонентларидан ҳар бирининг умумий ҳажми, шунингдек, тури, фойдаланиш йўналиши ва имкониятлари бўйича тавсифловчи атроф-муҳит компонентлари таркиби кўрсаткичларини ишлаб чиқади. Мисол учун, ер ресурслари бўйича ер фондининг умумий миқдори ҳисоблаб чиқилади (минг гектарда) ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, тураржой пунктлари, табиий-нопродуктив ерлар, ўрмон фонди, сувдаги объектлар, қўриқланадиган ерлар ва шу кабилар алоҳида кўрсатилади. Сув ресурслари бўйича белгиланган ҳудуддаги сув захиралари ҳажми минг куб метрда ҳисобланади. Бунда ер ости сувлари, музликлар, қўллар, сув омборлари ва дарёларнинг устки қисми алоҳида кўрсатилади.

Илмий-техника тараққиёти шароитида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларида кўзда тутилувчи ҳамда статистика амалиётида акс эттирилувчи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўрсаткичларини аниқлаб олиш муҳимдир. Масалан, уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: сув билан таъминлашни чегараловчи чора-тадбирлар; ифлосланган оқава сув ҳажмини камайтириш, атмосферани ифлослантирувчи стационар ўчоқлардан чиқувчи заҳарли моддаларни ушлаб қолиш, уларни зарарсизлантириш масалалари; ҳимоя қилувчи ихота ўрмонлар барпо этиш, ерни рекультивация қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўрмонларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш, қўриқхо-

налар барпо этиш; табиий объектларни ишга тушириш вазифалари. Статистика режаларнинг бажарилишини назорат қилиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш имкониятларини аниқлаб бериши керак.

Микдор характеристикаси билан бир қаторда атроф-муҳит компонентларининг сифат белгилари, уларга инсон фаолиятининг таъсир этиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳам аҳамиятлидир. Биринчи ўринда бу инсон фаолиятининг негатив (ифлосланиш, шовқин, вибрация, ландшафтнинг ўзгариши, иссиқлик режимининг ўзгариши, радиоактив нурланиш ва ҳоказо) асоратларидир. Қўлланилаётган технологияларнинг мукамаллик даражаси (чиқитсиз ва кам чиқитли ишлаб чиқаришни ривожлантириш) ни, фойдаланилаётган хомашё ва ёқилгининг сифати, ерга ишлов беришнинг прогрессив усулларидан фойдаланиш каби кўрсаткичлар катта аҳамиятга эга. Буларга ерга атроф-муҳит компонентларининг табиий сифатларини қайта тиклаш (ўрмон ресурсларини қайта тиклаш, ерни рекултивация қилиш, сув ҳавзаларини тозалаш, қўриқхоналар барпо қилиш ва ҳоказо) ишларини киритиш зарур.

Атроф-муҳит сифатини тавсифлаш учун ифлосланиш манбаларининг сони ва тарқалганлик кўрсаткичлари қўлланилади. Масалан, 1000 та одамга ёки шаҳар худудининг ҳар бир квадрат километрга тўғри келадиган автомобиллар сони, ҳаво ва сувга чиқарилган заҳарловчи моддалар ҳажми, ҳаво, тупроқ ва ўсимликларда заҳарли модда ва бактериялар учрашининг ўртача ва нисбий кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади. Заҳарли модда ва аралашмаларнинг атроф-муҳит элементлари ҳажми ёки масса бирлигига ўртача суткалик концентрацияси ҳисобланади. Амалдаги заҳарли моддаларнинг концентрациясини ҳаво, сув ва ўсимликларда мавжуд бўлган концентрацияси билан солиштириш уларнинг мамлакатимизда белгиланган кўрсаткичларга мослигини, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш чоратадбирларини ишлаб чиқишда йўл қўйилган хатоликлар ва четта оғишларни аниқлаш имконини беради.

Табиатни ҳимоя қилишга сарфланган харажатлар кўрсаткичлари атроф-муҳитни муҳофаза қилишга умумий тавсиф беради. Бу харажатлар капитал ҳамда жорий харажатларга бўлинади. Капитал харажатлар (қўйилмалар) тозалаш қурилмалари, сув билан таъминлаш айланма тизимлари, ахлатни қайта ишловчи корхоналар, автомобиллардан чиқадиган газларнинг заҳарлилик даражасини текшириш пунктлари, балиқчилик хўжаликлари, далаларни ҳимоя қилиш полосалари, эрозия ва шўрлашга қарши объектлар қуришга йўналтирилади. Жорий

харажатлар кўриқхоналарни таъмирлаш, ерларни рекультивация қилиш, табиатни ҳимоя қилувчи қурилма ва мосламаларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлади.

## 2.5. Жамиятнинг сиёсий тизими статистикаси

Сиёсий тизим статистикаси кенг қамровли муаммоларни ўрганади.

Сиёсий тизимни статистик ўрганишнинг ижтимоий аҳамияти жуда ҳам юқоридир.

Сиёсий тизим статистикаси сиёсат асослари, халқнинг ўзини-ўзи бошқаришини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган. Олий Мажлис депутатлари сонини аниқлашдан ташқари, уларнинг иш фаолияти, маълумоти, ёши, партиявийлиги бўйича таркибларига тавсиф берилади. Статистика, шунингдек, депутатларнинг ижтимоий ва миллий таркибини ўрганади, сайловчилар талабларининг бажарилишини, кўриб чиқилган масалалар сонини ҳисобга олиб боради ҳамда қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши устидан назорат юритади. Статистика давлат идоралари бошқарув аппарати таркибининг сифат ва сон жиҳатидан ўзгаришини кузатиб боради.

Сиёсий тизим статистикаси давлатни бошқаришда ва жамият ҳаётида касаба уюшмалари - энг кўч сонли жамоатчилик ташкилотининг иштирокини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Статистика кооперациялар - жамоа ҳўжаликлари, истеъмолчилик, уй-жой-қурилиш кооперативлари, кооператив ташкилотлар ва бирлашмалар, шунингдек, ижодий уюшмалар, илмий, илмий-техник, маданий-маърифий, спорт, мудофаа ва бошқа кўнгилли жамиятлар, аҳолининг жамоатчилик фаолияти идораларига тавсиф беради.

Одил суд, прокурор назорати, адлия ва ички ишлар идораларининг миқдорий тавсифи ҳам доимо ижтимоий статистиканинг кўз олдига бўлади.

## 2.6. Аҳолининг давлатни бошқаришдаги иштироки статистикаси кўрсаткичлари ва сайлов тизими статистикаси

Миллионлаб одамлар сиёсий ҳаётда иштирок этган тақдирдагина давлат муваффақият билан ривожланади.

Халқнинг давлат ва жамоатчилик ишларини бошқаришдаги ўрни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган.

Олий Мажлис фаолияти тобора фаоллашиб бормоқда. Статистика ўз сессияларида ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш режаларининг бажарилиши, ижтимоий-маданий қурилиш

масалаларини доимий равишда муҳокама қилувчи Олий Мажлис ишини акс эттиради. Ушбу масалаларнинг кўп қисми сессиялар оралиғида доимий фаолият кўсатувчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини таснифловчи кўрсаткичлар статистикаси, сайловчилар талабларининг бажарилишини таснифловчи статистика кўрсаткичлари ҳам ҳисобланади.

Маҳаллий Кенгашлар қошидаги аҳолининг мустақил жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини таснифловчи кўрсаткичлар статистикаси биринчи ўринда ушбу ташкилотлар фаолиятининг миқдори кўрсаткичларида акс эттирилади: жамоатчилик ташкилотларининг миқдори ва уларда фаолият кўрсатувчи ходимларнинг сони.

Статистика, шунингдек, аҳолининг мустақил жамоатчилик ташкилотларида кўриб чиқиладиган масалаларни ҳам акс эттиради. Буларга у ёки бу ҳудудга тегишли бўлган масалалар комплекси мансубдир. Бу савдо корхоналари, маиший хизмат, уй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа, халқ таълими ва маданият, шунингдек, фуқароларнинг жамоат жойларида ўзларини тутиши, тартиб-интизомга риоя қилиши ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган масалалардир.

Сайловчилар, мамлакатдаги барча фуқароларнинг жамият ҳаёти муҳим масалалари бўйича умумхалқ муҳокамасида қатнашишини таснифловчи кўрсаткичлар статистикаси ҳам бу борада ўзига хос ўрин тутди.

## 2.7. Партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар статистикаси кўрсаткичлари

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган стратегик курсни амалга оширишда жамоатчилик ташкилотларининг ўрни беқиёсдир. Ижтимоий статистика уларнинг фаолиятини бир қатор махсус кўрсаткичлар ёрдамида ўрганади.

### Партиялар статистикаси кўрсаткичлари

Статистика партия идоралари ва ташкилотларининг таркиби ва ҳаракати, уларнинг сонини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилотчилик ишларини ўрганади. Статистика биринчи ўринда партия аъзолари ва аъзоликка номзодларнинг сонини аниқлайди. Шунингдек, статистика уларнинг турли белгилари: жинси, ёши, партиядоги стажи, ижтимоий ҳолати ва миллати, маълумоти, иш фаолияти ва халқ хўжалигида қатнашиши бўйича таркибини ўрганади.

Статистика партия аъзоларининг маълумот бўйича тарки-

бини ўрганишга катта аҳамият қаратади, чунки сиёсий обрў-этибор, малакали (квалификацион) қарор қабул қилишда кўп нарса, айниқса, илмий-техника тараққиётининг жадаллик билан ривожланиш шароитида шунга боғлиқ бўлади. Меҳнат фаолиятининг тақсимлаш тавсифи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Партия ташкилотлари ҳам статистиканинг ўрганиш объектлари қаторига кирди. Статистика уларнинг сонини тавсифлайди. Статистика цехлардаги партия гуруҳлари ва ташкилотларини ажратган ҳолда бошланғич ташкилотлар тузилмасини ўрганади.

**Касаба уюшмалари статистикаси кўрсаткичлари**

Статистика касаба уюшмаларининг марказий кўмитасига, вилоят, туман, шаҳар касаба уюшмалари — кўмиталарига сайланган шахслар сонини аниқлайди. У касаба уюшмаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсишини, уларнинг ишлаб чиқариш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларнинг дам олиши, ижтимоий суғурта, мусобақалар ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлашни меъёрлаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги иштирокини ҳамда маданият соҳасидаги ишларни кучайтиришни тавсифлайди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг статистика кўрсаткичлари

Статистика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзоларининг сонини аниқлайди. “Камолот” аъзоларининг хўжалик ва ижтимоий-маданий ишлардаги иштироки тўғрисидаги статистик ахборотлар ҳам йиғилиб, қайта ишланмоқда.

## **2.8. Ҳуқуқ-тартибот ҳамда назорат идоралари кўрсаткичлари статистикаси**

**Прокуратура идоралари статистикаси.** Прокуратуранинг статистика бўлими турли ҳудудлар прокуратураларидан келган ҳисоботларни умумлаштиради ва улар асосида ҳулоса ва тавсияномалар чиқаради. Прокуратура идораларининг статистик ҳисоботлари турли соҳаларда қонунийлик устидан назорат олиб бориш фаолияти тўғрисидаги зарур ахборотлардан иборат бўлади ҳамда жинойтчилик ҳолатини таҳлил қилиш учун муҳим бўлган маълумотларни тақдим этади.

**Суд идораларининг статистикаси.** Айбланувчиларнинг карточкаларини статистик ишлаб чиқиш натижасида содир этилган жинойт турлари, жазо чоралари, судланганларнинг жинси, ёши, фаолият тури ва ижтимоий фойдали меҳнат билан машғуллик даражаси, маълумоти, судланганлиги бўйича таркиби ҳақидаги маълумотлар аниқланади. Шунингдек, жинойт содир этилган жой, ҳолат каби бошқа кўрсаткичлар ҳам аниқланади.

Бу ишни Олий суднинг суд статистика бўлими олиб боради. Статистик ҳисоботлар суд турлари ва жинойий ҳамда фуқаролик ишлари бўйича олиб борилади.

Адвокатура статистикаси қонунчилик билан белгилаб берилган адвокатура фаолиятини тавсифлаб беради. Зарур бўлган кўрсаткичлар адвокатлар ҳайъат президиумлари томонидан тузилиб, Олий судга тақдим этилувчи статистик ҳисоботларда келтирилади.

Давлат хўжалик суди идоралари статистикаси корхона, ташкилот ва муассасаларда юзага келадиган хўжалик муаммоларини ҳал қилувчи хўжалик суди фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғади ва таҳлил қилади.

## 2.9. Жамият ижтимоий тузилмаси статистикаси кўрсаткичлари

Ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқларни йўқотишни тавсифловчи статистика кўрсаткичлари. Ушбу муаммони ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ижтимоий статистиканинг бир қатор кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва қўллаш заруратини келтириб чиқаради. Асосан жисмоний меҳнат ва асосан ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ходимлар (шу жумладан, ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ва бошқалар), шунингдек, ўрта ва олий маълумотли мутахассислар сони ҳамда уларнинг халқ хўжалиги тармоқлари, иқтисодий, маъмурий ҳудудлар бўйича тақсимланиш салмоғи ва сонининг ўзгаришини юқоридагиларга мансуб қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Фан-техника тараққиётининг жадал суръатларда ривожланиши одамлар меҳнат фаолияти характерига ўзгартиришлар киритади, инсоннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва ролини ўзгартиради. Фан-техника тараққиёти натижасида ақлий меҳнат билан машғул бўлганлар салмоғи охири боришидан тапқари, ҳар бир ходимнинг меҳнатта ижодий жиҳатдан ёндашиши даражаси ҳам ўсиб бормоқда.

Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқларни таснифловчи статистика кўрсаткичлари. Бунинг учун ижтимоий статистика санат ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнати мазмуни ва характери ўзгаришини, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари турмуш тарзи ва шароитларининг яқинлашуви, ишчи ва деҳқонларга тўланадиган ҳақнинг нисбати, ҳаёт кечириш учун керакли манбаларнинг ўзгариши, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси маълумотининг даражаси ва ҳоказоларни акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланади.

Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқларнинг камайишини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари, ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг турмуш тарзи ва даражаси босқичма-босқич равишда яқинлашиб келиши ҳам хизмат қилади.

## Қисқача хулосалар

Ушбу мавзунини ўрганиш талабаларга республикамизнинг иқтисодий ва сиёсий тизимлари билан танишиш, бу тизимларни тавсифловчи кўрсаткичлар, мулк кўрсаткичлари, иқтисодиётнинг ривожланиш кўрсаткичлари, аҳолининг сайлов тизимида қатнашиши ҳамда давлатни бошқаришда қатнашиш кўрсаткичлари тизимини ҳисоблаш имконини беради.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Республика иқтисодий тизими нимани англатади?
2. Республика сиёсий тизими нимани англатади?
3. Қандай кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиёти ривожланишини тавсифлаб беради?
4. Қандай кўрсаткичлар аҳолининг сиёсий фаоллигини тавсифлаб беради?
5. Партия ташкилотлари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг тавсифлаб берувчи кўрсаткичлар қандай?

### Асосий адабиётлар

1. Рабинович П.М. История статистики. Москва, 1981.
2. Современные проблемы воспроизводства населения. Москва, 1980.
3. Шмелёв В. Экономические группировки развивающихся стран. Москва, 1984.

## ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СТАТИСТИКАСИ

## 3.1. Жамоатчилик фикрини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти

Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаёт ҳолатлари ва муаммоларига жамоатчиликнинг анкета шаклида билдириладиган муносабатларидир. Жамоатчилик фикри-аҳолининг ҳаётга маълум бир ечимни талаб қилувчи ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳақидаги аҳолининг дунёқараши. Ечимини топмаган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар бўйича мулоҳаза ва фикрларда қарама-қаршилиқлар юзага келиши, ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар қўллаб-қувватланиши ёки инкор қилиниши мумкин. Жамоатчилик фикри стихияли равишда, ҳаётий тажриба асосида ёки ташкилот ва муассасаларнинг кенг халқ оммасига таъсир кўрсатиши натижасида юзага келиши мумкин.

Жамоатчилик фикри кенг халқ оммасининг жамият ҳаётидаги муҳим масалалар бўйича фикри ва уларга муносабатини билдирувчи муҳим ва ишончли восита бўлиб, ижтимоий сиёсат юритишда самарали восита бўлиб хизматини ўтайди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ижтимоий статистиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, унинг ечимини топиш жуда кўп меҳнат талаб қилади. Жамоатчилик фикри — меҳнаткашлар фаоллигини акс эттиради ва партияларнинг кенг халқ оммаси билан алоқаларини ифодалайди. Жамоатчилик фикрини ўрганишда халқ ҳаётида ёки алоҳида олинган катта ижтимоий гуруҳлар ҳаётида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммоларни ажратиб кўрсатиш муҳимдир. Жамоатчилик фикри йирик хўжалик ёки ижтимоий муаммолар, бошқарув муаммолари ва ҳоказоларни ечишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу хусусиятларига кўра, шунингдек, ахборот олиш ва қайта ишлаш усулларининг турли-туманлиги сабабли жамоатчилик фикрини фақат статистик усуллар ёрдамида ўрганиб бўлмайди, бироқ шундай бўлса-да, статистик усулларнинг аҳамияти жуда катта.

Жамоатчилик фикри шаклланиши жараёнида жамоатчилик фикри субъектлари ўртасида ўзаро алоқалар, иерархик бўйсунлишларни кўрсатиб ўтиш зарур. Турли синф вакиллари, ижтимоий-демографик гуруҳлар, алоҳида меҳнат жамоалари аъзоларининг манфаатлари жамият манфаатларида ўз аксини топади. Бироқ бу, алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг ўз манфаатлари йўқ,



дегани эмас. Жамоатчилик фикрининг шаклланишида ишлаб чиқариш усули асосий ролни ўйнаса-да, бу ҳолатни мутлақлаштириш керак эмас, чунки жамоатчилик фикрининг шаклланишига бошқа бир қатор омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Партия ва ҳўжалик ташкилотларига, шунингдек, газета, журнал, радио, телевидение каби оммавий ахборот воситаларига келаётган хатлар жамоатчилик фикрини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу хатларда кўпинча нафақат алоҳида фуқаролар, балки жамоалар, маҳаллаларга ва ҳоказоларга тегишли долзарб ижтимоий муаммолар ёритилган бўлади. Жамоатчилик фикрини ҳужжатлар асосида ўрганишда ахборотнинг сифати катта роль ўйнайди, чунки ҳужжатларнинг аксарияти бошқа нарсага мўлжалланган бўлади, меҳнаткашларнинг хатларида билдирилган фикрлар эса кўпинча субъективдир.

### 3.2. Жамоатчилик фикри статистикаси кўрсаткичлари

Жамоатчилик фикри статистикаси кўрсаткичлари жамият ҳаётидаги далил ва ҳодисаларнинг аҳоли томонидан баҳоланишининг миқдорий жиҳатини акс эттиради. Жамоатчилик фикри статистикаси кўрсаткичлари тизими доимий белгиланган бўлмай, махсус ташкил қилинган статистик кузатув жараёнида шаклланади ва аҳолининг бутун жамият, алоҳида ижтимоий гуруҳлар, ҳудудлар, меҳнат жамоалари ва ҳоказоларга оид долзарб сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий муаммолар бўйича кўнгилли равишдаги ўз қарашларини ифодалайди. Жамоатчилик фикри статистикаси кўрсаткичлари кенг омма, меҳнат жамоалари фикрини умумлаштирувчи кўрсаткичлар бўлиб, доимо маълум бир жой ва вақтга тегишли ҳамда умумлаштирилган кўринишда бўлади, муайянлиги ва динамикаси билан ажралиб туради. Статистик кўрсаткичлар тизими жамоатчилик фикрини турли иерархик даражада: умумхалқ; ҳудудий; ижтимоий гуруҳ; меҳнат жамоаси; касб ва манфаатлар даражасида акс эттиради.

Кўрсаткичларнинг ҳар бир иерархик тизимида аҳоли жамият ҳаётининг турли ҳолатлари ҳақидаги фикри, ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий чора-тадбирларга муносабатини тавсифловчи қуйидаги кичик тизимларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- сиёсий ва ижтимоий фаоллик;
- меҳнатга муносабат ва меҳнат фаоллиги;
- уй-жой ва маиший хизмат;
- аҳоли саломатлиги, соғлиқни сақлаш ва спортни ташкил этиш;
- халқ таълими ҳамда аҳолига илмий муассасалар томонидан хизмат кўрсатилиши;

- маданият даражаси ҳамда маданий-маърифий муассасалар иши;

- фан, санъат, кино, телевидение, спортга муносабат;

- шахсий ҳамда оилавий муносабатлар;

- меҳнат жамоаларидаги коммуникация.

Жамоатчилик фикри кўрсаткичларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларни давлатнинг жорий статистик ҳисоботлари маълумотлари бўйича олиш мумкин эмас, бу кўрсаткичлар махсус ташкил қилинган сўровлар ёки ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида олинади.

### 3.3. Танланма кузатув (сўров) ларни ташкил қилиш

Жамоатчилик фикри тўғрисидаги маълумотларни олишда танланма кузатувлар (сўровлар) асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир тадқиқот учун танлаш усули ва тасодифий олинган маълумотлар тўплами ҳажми алоҳида белгиланади. Танланма тўпламнинг шаклланишида бош тўпламнинг асосий ижтимоий-демографик, ишлаб чиқариш, ҳудудий ва бошқа белгилари сақлаб қолиниши керак.

Жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- кузатишнинг ташкилий режасини тузиш;

- кузатув дастурини ишлаб чиқиш ва маълумотларга қайта ишлов бериш усулларини танлаш;

- бевосита кузатувни ўтказиш;

- кузатув материалларига қайта ишлов бериш;

- маълумотларни таҳлил қилиш.

Кузатувга тайёрланиш жараёнида қуйидаги саволларга катта эътибор қаратилади: кузатув вазифалари ва мақсади, маълум бир объект ҳамда кузатиш бирлигининг шаклланиши; тадқиқот анкетасини тузиш, ишчи гипотезаларни ишлаб чиқиш; синов тадқиқотларини ўтказиш; тадқиқот кадрларини тайёрлаш. Тадқиқ қилинаётган ижтимоий муаммонинг муҳимлиги ва аҳамияти, амалиётнинг жамият ҳаётидаги ҳолатлар ҳақидаги маълумотларга эҳтиёжи, аҳолининг (ёки алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳлар, меҳнат жамоалари ва ҳоказо) ўтказилаётган ижтимоий чора-тадбирларга муносабати асосида объект аниқланади.

Жамоатчилик фикрини статистик тадқиқ қилишда алоҳида ҳудудларнинг аҳолиси, ижтимоий гуруҳлар, меҳнат жамоалари ва ҳоказолар кузатиш объектлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жамоатчилик фикрини тадқиқ қилиш объекти тадқиқот ўтказиш даврида мазкур муаммо бўйича жамоатчилик фикри

мавжуд бўлган тақдирдагина аниқланиши, шахс ҳамда унинг жамият ҳаётидаги ҳодисалар ҳақидаги фикри кузатиш бирлиги бўлиши мумкин. Кузатиш бирликлари жуда синчковлик билан аниқланиши керак. Масалан, нафақахўрларни текширганда ҳаёт кечириш манбаи нафақа бўлган, ишламайдиган фуқаролар; ёшларнинг ўз ишларидан қониқишлари текширилганда эса 18-30 ёшдаги ишлаётган йигит ва қизлар кузатувга олинислари керак. Танланма кузатувларни тайёрлаш давомида ишчи гипотезалари олдинга сурилади.

Гипотеза далил ва ҳолатларни изоҳлаш учун тақдим этиладиган тахмин бўлиб, у тадқиқот олиб бориш даврида тасдиқланади ёки инкор этилади. Ишчи гипотезасининг ифодаси тадқиқот бошлангунча мавжуд бўлган ахборот асосида ноаниқ белгиланган тахминларни олдинга суришдир. Ишчи гипотезаси ҳеч қандай ахборот бўлмаган тақдирда фақат назарий таҳлил асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

Шакллантирилган ишчи гипотезаси асосида тадқиқот дастури (анкетаси) ишлаб чиқилади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш анкетаси кузатув бирликлари ва объектларининг хусусияти билан белгиланувчи ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга.

Анкета тузишда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур: анкетани респондентга қисқача мурожаатдан бошлаш керак. Мурожаатда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари анкетани тўлдириш ва топшириш қоидалари тушунтирилади. Мурожаатнинг асосий вазифаси респондентни маълум бир муаммони муҳокама қилишга қизиқтириш, унинг ишончини, ҳамкорликка тайёрлигини қозониш, жавобларда самимийликка эришишдadir. Анкета тузишда шуни эътиборга олиш зарурки, уни тўлдириш учун 30-40 дақиқадан ортиқ вақт сарфланмаслиги, респондентни толиқтириб, эътиборини пасайтириб қўймаслиги ва бунинг натижасида жавобларнинг тўлиқ ва аниқлигини камайтирмаслиги керак. Мулоҳаза юритишга, хотирага мурожаат қилишга мажбур қилувчи мураккаб саволларни анкетанинг ўртасига жойлаштириш керак, анкетанинг охирида эса одатий саволлар бўлиши шарт.

Саволлар қоидага асосан мавзулари ёки муаммолари бўйича блокларга бўлинган бўлади. Бундай блоклар анкетада бир нечта бўлади:

- манзилгоҳ қисми;
- сўралувчи (респондент)нинг ижтимоий-демографик тафсифи, жинси, ёши, жамоатчилик гуруҳи ва ҳоказо;
- мазкур муаммо бўйича респондентнинг фикрини очиб берувчи саволлар гуруҳи.

Манзилгоҳ қисми анкетага ишлов бериш учун зарур маъ-

лумотларнинг минимал миқдорини ўз ичига олади: вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва ҳ.к.

Респондентнинг ижтимоий-демографик ҳолатини тавсифловчи маълумотлар (паспорт маълумотлари) кўпинча анкетанинг охирига жойлаштирилади. Респондентнинг шахси тўғрисидаги саволлар анкетанинг бошида жойлашиши респондентни сергаклантириши ва жавоб беришда носамимийликка олиб келиши билан боғлиқ, шунингдек, ушбу саволлар блокани анкетанинг охирида жойлаштириш натижасида ишнинг охирида саволлар бирмунча енгиллашади. Демак, анкетанинг манзилгоҳ қисмидан сўнг дарҳол асосий саволлар блоки бошланиши керак.

Асосий блокда қўйилган муаммони тавсифловчи асосий саволнинг ифодаси ҳамда муаммога бўлган муносабат ва бериладиган жавобларнинг моҳиятини очиб берувчи муайян саволлар блокидан бошланиши мумкин. Саволларнинг бундай тартибда жойлашиши муҳокама қилинаётган муаммо респондент учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва жавобни бериш учун ўз фикрини (юқоридаги мисолда ёшларнинг ишдан қониқиши) аниқ шакллантириш зарур бўлган ҳолларда танланади. Агар кўриб чиқилаётган муаммо респондент учун муҳим аҳамият касб этмаса, асосий анкетада келтирилган муаммо бўйича респондент фикрини шакллантириш учун хизмат қилувчи муайян саволлар берилди. Кўпинча анкеталарга “фильтр-саволлар” киритилиб, уларнинг асосида респондентларнинг сўров мавзуи, мазкур муаммо бўйича фикри мотивацияси, унинг билими аниқлаб олинади. “Фильтр-саволлар” респондентларни ўрганилаётган мазкур муаммо ҳақидаги ахборотга эғалик даражасига қараб ажратиш имконини беради. Анкетанинг асосий қисмига респондентни шу соҳада етарли малакага эга эканлигига ишончини мустаҳкамловчи ва уни дарҳол “суҳбатга” чорловчи оддий ва қизиқарли саволлар жойлаштирилади.

Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг ўзига хослиги шундаки, бирламчи ахборот манбаи инсон бўлиб, унинг фикрини аниқлаш инсоннинг бир қатор психологик хусусиятлари билан боғлиқ. Инсоннинг фикри барқарор бўлмайди. У ўз фикрини доим ҳам, айниқса, фикри кўпчилик фикридан фарқ қилган ҳолларда очиқ-ойдин айтавермайди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш амалиётида жавобларнинг самимий ҳамда барқарорлигини текшириш учун махсус усуллар ишлаб чиқилган. Бу усуллардан бири анкетага назорат саволларини киритишдир.

Саволлар шаклига кўра, очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Уларга шахс анкетадаги ёрдамчи жавоб билан боғланмаган ҳолда очиқ шаклда жавоб беради. Очиқ саволларга берилган жавоб-

лар кўпроқ ҳамда хилма-хил ахборотга эга бўлади деб ҳисобланади. Бироқ агар ёпиқ савол яхши ўйланган бўлса, олинадиган жавоб вариантлари тўлиқроқ ва энг муҳими, мақсадга мувофиқ ахборотдан иборат бўлиши мумкин.

Ёпиқ баҳолаш саволини беришда олинадиган жавоб вариантлари улар бир-бирини истисно қилишини таъминлаши керак, яъни берилган саволга ёрдамчи жавобларда бир вақтнинг ўзида тўғри жавоб бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, ёрдамчи жавоблар уларга қарама-қарши ва инкор қилувчи жавобларни кириштириш йўли билан жавобларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаши зарур. Агар берилган савол келтирилган мисолдаги каби сабабларни очиб берса, бир нечта жавобдан фойдаланиш мумкин.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқотларда ҳисобчи кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилади. Аҳоли фикрининг ҳолатини аниқлашда ҳисобчи катта таъсир кўрсатади, чунки анкетадаги саволларга олинадиган жавоблардаги ахборот респондентнинг шахси ва оиласи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Буларнинг барчаси ҳисобчидан махсус тайёргарликка, суҳбатни бошлаш малакасига, респондентда қизиқиш уйғотиш, у фикрини самимий тарзда айтишига эришиш қобилиятига, сабр-тоқат ҳамда одобга эга бўлиши талаб қилади.

Жамоатчилик фикри ҳақидаги ахборотлар қуйидаги кузатув турлари асосида олиниши мумкин: кенг оммавий, стихияли, ташкилий, очиқ, бир марталик, кўп марталик кузатувлар; ҳужжатларни ўрганиш; жамоатчилик муҳокамалари, умумхалқ, ҳудудий, алоҳида ижтимоий гуруҳлар кузатуви; алоҳида шахслар кузатуви; конференциялар, илмий, назарий, услубият сўровлар (интервью, анкета ва ҳоказо). Ижтимоий статистикада жамоатчилик фикри ҳақида ахборот олиш манбаи бўлиб аҳоли ва меҳнат жамоаларини бир вақтнинг ўзида ўрганиш хизмат қилади. Бундай тадқиқотларни ўтказишда респондентлар жавоблари асосида ҳисобчилар томонидан тўлдириладиган анкеталар асосий восита ролини ўйнайди. Бир вақтда ўтказиладиган тадқиқотлар кенг қамровли ва танланма бўлиши мумкин, бироқ асосий эътибор бирликлар мажмуасини танлашни ташкил қилиш билан фарқланувчи турли усулларни ўз ичига олувчи танланма кузатув усулига қаратилади. Типик усул энг кўп қўлланиладиган усул ҳисобланади.

Сўнги йилларда бу мақсадда танланма мажмуаларни ташкил қилишнинг машина усуллари қўлланила бошлади. Бундай танлашни ташкил қилишнинг моҳияти эксперт йўли билан аниқланувчи, мажмуалар тавсифи билан чамбарчас боғлиқ “яши-

рин” омилларнинг кичик миқдори мавжуд деган тахминга асосланади. Яширин омил ҳамда мажмуаларнинг сифат жиҳатидан бир хил гуруҳларга бўлинишига сабаб бўлувчи ҳолатлар ўртасидаги статистик ҳисоботнинг асосий модели уларнинг бири-бирига нисбатида акс эттирилади.

$$x - \bar{x} = \delta_{(x)}rv$$

Бу ерда:  $r$  -  $x$  ва  $v$  ўртасидаги корреляция коэффициентини;  $\delta^2_{(x)}$  дисперсия.

Танлаб олинган маълумотлар тўпламини ҳосил қилиш учун бирламчи мажмуа  $x$  кўрсаткичи бўйича  $m$  та гуруҳ (туман, мамлакат) га бўлинади, танлаб олинган маълумотлар тўпламининг умумий ҳажми  $n = \sum_{i=1}^m n_i$  га тенг бўлади.

Стратификация қилинган танлаб олинган маълумотлар тўпламининг самарадорлиги ҳамда дисперсия билан тавсифланади.

### 3.4. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг статистик усуллари

Жамоатчилик фикри ҳақидаги маълумотлар «Статистика умумий назарияси» фанидан яхши таниш бўлган усуллар ёрдамида қайта ишланади. Бунда сводка ва гуруҳлаш, ўртача ва нисбий миқдорлар, корреляцион ва регрессион таҳлил, динамика кўрсаткичлари ва ҳоказолар кенг қўлланилади. Бироқ бундан ташқари ўзига хос усуллар ҳам ишлаб чиқилган. Анкеталарда берилган жавобларни таҳлил қилиш учун мослашув жадвали деб аталувчи жадваллардан фойдаланилади. Энг содда мослашув жадвали маълум бўлган  $2 \times 2$  частотали жадвал бўлиб, унинг асоси алоқа коэффициентлари ҳисобланади.

*Жадвал*

	$B_1$	$B_2$	Ҳаммаси
$A_1$	$f_{11}$	$f_{12}$	$f_{10}$
$A_2$	$f_{21}$	$f_{22}$	$f_{20}$
Ж а м и	$f_{01}$	$f_{02}$	$f_{00}$

Жадвални тузишда фойдаланилган жавоблар дихотомик бўлиб, икки хил  $A_1$  ва  $A_2$ ,  $B_1$  ва  $B_2$  кўрсаткичларни қабул қилиши мумкин, деган тахмин инобатга олинади. Жадвалда респондентлар 2 та А ва В саволга берган жавобларига кўра тасниф-

ланиши мумкин. Жадвал асосида контингент каби баъзи бир алоқа коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$Q_1 = \frac{f_{11} \cdot f_{22} - f_{12} \cdot f_{21}}{f_{11} \cdot f_{22} + f_{12} \cdot f_{21}} \text{ ёки } Q_2 = \frac{c-1}{c+1}$$

Бу ерда:  $c = \frac{f_{11} - f_{22}}{f_{12} - f_{21}}$

Ечимни топиш учун қуйидаги йўл билан топиладиган кўрсаткичдан фойдаланамиз:

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^c \frac{(f - f^1)^2}{f^1}$$

Бу ерда суммалашнинг икки қаррали белгиси сатр ва устунлар бўйича жамлаш заруриятига ишора қилади.

## Қисқача хулосалар

Мавзуни ўрганиш талабаларга сиёсат ва иқтисодиётнинг долзарб масалалари бўйича аҳоли фикрини аниқлаш мақсадида танланма тадқиқот ўтказиш усулини эгаллаш, у ёки бу масала бўйича аҳоли фикрини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ҳисоблаш имконини бериб, аҳоли ўртасида сўров олиб бориш кўникмаларини ривожлантиришга замин яратади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ҷамоатчилик фикри нимани англатади?
2. Ҷамоатчилик фикрини қандай аниқлаш мумкин?
3. Анкеталар қандай тарзда тайёрланади?
4. Тадқиқот натижалари қандай тарзда қайта ишланади?
5. Ҷамоатчилик фикрини қандай кўрсаткичлар тизими тавсифлаб беради?

### Асосий адабиётлар

1. Переведенцев В. Какие мы? Сколько нас? Москва, 1989.
2. Белова В. Статистика мнений в изучений рождаемости. Москва, 1982.



## ЖАМИЯТ ТАРКИБИ, ШАХС, ОИЛА ВА МЕХНАТ ЖАМОАСИ СТАТИСТИКАСИ

### 4.1. Жамият таркиби, шахс, оила ва меҳнат жамоаси статистикаси

Ижтимоий тараққиёт инсониятнинг фаол, маънавий етук шахс сифатида ҳар томонлама гармоник равишда ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шахснинг шаклланишида оила, мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқаридаги таълим-тарбия муассасалари, меҳнат жамоалари, маданият ва санъат муассасалари, оммавий ахборот воситалари, бадиий адабиёт иштирок этади. Бунда оила асосий ўринга эга, чунки шахс сифатида шаклланиш асосларининг пойдевори оилада қўйилади.

Оила жамиятнинг энг муҳим ижтимоий ва иқтисодий бўлагидир. У болаларнинг жамият аъзолари сифатида шаклланишида, меҳнатга ҳамда жамиятнинг бошқа аъзоларига муносабатини, дунёқараши шаклланишида биринчи тарбиячисидир. Шахс ҳамда фуқаро сифатида шаклланиш асосларига оилада пойдевор қўйилади. Оилада даромад ва харажат таркиби шаклланади, маданият ва ҳуққ асослари сингдирилади. Ва ниҳоят, оила авлодлар алмашинувининг асоси бўлиб, унда “инсоннинг пайдо бўлиши, наслнинг давом этиши” амалга оширилади.

Оила ва шахс статистикаси олдидаги вазифалар доираси жуда кенг. Статистика у ёки бу давр мобайнида оилалар сони ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни йиғиб, уларга қайта ишлов беради; оила таркиби ўзгаришининг қонуниятини, оиланинг вужудга келиши ва тарқаб кетишига ҳамда оиладаги болалар сонига таъсир қилувчи омилларни; оилаларнинг даромад ва харажатлари тузилмаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси ва ҳоказоларни аниқлаб беради. Шахс шаклланишининг шароитлари, ҳукумат томонидан оилани мустаҳкамлаш, шахснинг ҳар томонлама етук бўлиб ривожланиши учун керак шароитларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни ўрганиш статистиканинг муҳим вазифасидир.

### 4.2. Шахснинг ривожланишига ижтимоий шароитлар кўрсатувчи таъсирни статистик ўрганиш

Инсонни шахс сифатида ўрганиш, шунингдек, унинг ривожланишига ижтимоий шароитларнинг таъсирини ўрганиш

ижтимоий статистиканинг энг муҳим ва мураккаб вазифаларидан биридир.

Инсон статистика пайдо бўлгандан бери маълум бир демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар жараёнида аниқланган шахс сифатида статистик тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Шахс муаммолари эса асосан «Фалсафа» нуқтаи назаридан «Психология», «Маънавий асослари», «Диншунослик», «Маданиятшунослик», «Ўзбекистонда демократик жамият қурилиш амалиёти ва назарияси» каби фанлар томонидан ўрганиб келинган. Шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, жамият ва шахс муносабатларига эътибор қаратилаётган ҳозирги пайтда бу муаммога ижтимоий статистиканинг эътибор қаратишига ҳам эҳтиёж сезилмоқда.

Статистиканинг бу соҳадаги вазифалари ҳақида гапиришдан аввал “шахс” тушунчасининг моҳиятини кўриб чиқайлик. Инсон нафақат биологик, балки ижтимоий мавжудот ҳамдир. Шахс - ижтимоий тушунча, чунки у инсонга ижтимоий ҳаёт субъекти сифатида ёндашади. Инсонни шахс сифатида қабул қилишда унинг машғулоти тури, фикр доираси, маданияти, ижодий жамоадаги ўрни ва ишгиروي, жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқаси асосида мулоҳаза юритилади, яъни шахс ўзи мансуб бўлган жамият тизимининг маълум бир ижтимоий-иқтисодий белгиларини ўзида мужассамлаштирувчи инсондир.

Шу тариқа шахс жамоатчилик алоқаларининг объекти бўлиш билан бирга, шу пайтнинг ўзида субъекти ҳамдир, яъни инсон бир томондан, шахс сифатида жамоатчилик алоқаларининг натижаси бўлса, иккинчи томондан, уларнинг яратувчисидир.

Шахснинг жамоатчилик алоқалари объекти ва субъекти тарзидаги масалада шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ҳамда шахснинг нима иш қилиши, жамият ҳаёти ва муҳитига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида фикр муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳар бир тарихий давр шахснинг маънавий қиёфасида из қолдиради ва ҳар бир синф доирасида ўзи дунёқарашини яратади. Бизнинг жамиятимизда ижтимоий гуруҳларнинг ҳар бири - ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар шахс сифатида тенг ҳуқуқли бўлиб, ҳар томонлама гармоник ривожланиш учун бир хил шароитга эга.

Инсонни шахс сифатида статистик ўрганишнинг зарурлиги яққол кўзга ташланиб туради. Бироқ шуни қайд қилиб ўтиш керакки, статистиканинг бу соҳасида кўп саволлар ҳали ўз ечимини топмаган. Шахс ва унинг шаклланиш шароитларини ўрганишда махсус ташкил қилинувчи статистик ва ижтимоий тадқиқотлар, шунингдек, у ёки бу даврдаги ижтимоий шароитлар ва уларни инсоннинг шахс сифатида шаклланиши ва тарбияланишига (бевосита ёки билвосита) таъсирини тавсиф-

ловчи статистиканинг турли тармоқ ва бўлимлари (халқ таълими, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, меҳнат жамоалари ва ҳоказо)нинг бир қатор кўрсаткичларидан фойдаланиш катта ўрин эгаллайди.

Шахснинг ҳар томонлама ривожланишига оила ва жамият тарбиясининг уйғунлашуви туфайли эришилади, шу сабабли статистика бу жараённинг оиладан тортиб, то жамоатчилик институтларигача бўлган қонуниятларини ҳисобга олиб бориши зарур.

Шахс шаклланишининг асосий шарт-шароитлари оилада яратилади. Оиладаги микроқлим шахснинг маънавий шаклланишига асос солади. Жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар аксарият ҳолларда тотув бўлмаган оилаларда ўсган ўсмирлар томонидан содир этилиши бежиз эмас, албатта. Оилада тарбия сифатига кўп омиллар таъсир кўрсатади. Уларни аниқлаш учун махсус социологик тадқиқотлар ўтказилади ва оилаларнинг турли хусусиятлари - таркиби, ота-оналарнинг маълумоти, маънавий ҳолат, қадриятларни танлаш ва уларга риоя қилиш имкониятлари ўрганилади.

Инсоннинг тарбияланиши ва шахс сифатида шаклланишида давлатнинг иштироки (жамиятнинг ҳиссаси) қўйидаги кўрсаткичлар орқали кўзга ташланади: доимий фаолият кўрсатувчи мактабгача таълим-тарбия муассасалари (болалар боғчалари, яслилар) ва улардаги болалар сони; кундузги, кечки, сиртки умумтаълим мактаблари ва уларда таълим олувчилар сони; куни узайтирилган мактаблар ҳамда ушбу гуруҳларда таълим олаётган ўқувчилар сони; мактабдан ташқари муассасаларнинг мавжудлиги (ёш техниклар ва натуралистлар станциялари, муסיқий, хореографик мактаблар ва ҳоказо) ва уларда шуғулланаётган болалар сони; болалар адабиётини нашр қилиш, болалар кутубхоналари сони, уларнинг китоб фонди ҳамда ўқувчилар сони; кундузги умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия жамоалари микдори ва уларда мунтазам равишда шуғулланувчилар сони; болаларнинг маъруза, спектакль, концерт ва киносеансларга ташриф буюриши сони. Юқорида санаб ўтилган ва шу каби бошқа кўрсаткичлар шахснинг болалик ва ёшлик чоғида шаклланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий шароитларни тавсифлаб беради. Шахснинг шаклланиши эса бу ёш доирасидан ташқарида ҳам, яъни доимий равишда давом этади. Шу сабабли бу кўрсаткичлар яна қўйидаги кўрсаткичлар билан тўлдирилади: ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ва уларда таълим олаётган талабалар сони; оммавий кутубхоналар сони, уларнинг китоб фонди, ўқувчилар сони ва ҳар бир ўқувчига берилган китоблар сони; аҳолининг киносеанс, театр, концерт, музей

ва ҳоказоларга бориши; аҳолининг бадий ҳаваскорлик фаолиятига қатнашиши; спорт муассасалари ва уларда шуғулланувчилар сони; турли кўламдаги халқ университетларида шуғуллаётганлар сони.

Шахсни характерловчи бир қатор кўрсаткичлар меҳнат жамоалари статистикаси томонидан амалга оширилиши мумкин, чунки айнан жамият равнақи учун меҳнат қилиш орқали инсоннинг шахс сифатидаги асосий тавсифи юзага чиқади. Жумладан, меҳнат фаолиятини бошлаётган ёшларни касбга бошланғич тайёрлаш кўрсаткичлари, меҳнаткашларнинг рационализаторлик, шанбалик ва ҳашар каби меҳнат фаолиятида иштирок этиши кўрсаткичлари; меҳнаткашларнинг жамоатчилик ташкилотлари, сайлов идоралари ва шу кабиларда иштирок этиши кўрсаткичларни шахс тавсифини ифодаловчи кўрсаткичлар қаторига қўшишимиз мумкин. Инсонни шахс сифатида унинг даромад ва харажатлари тузилмаси, истеъмол талаби, бўш вақтидан фойдаланиши ва шу каби бошқа кўрсаткичлар ҳам характерлайди.

#### 4.3. Оила таркибини унинг катталиги, болалар сони, маълумот даражаси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича статистик ўрганиш

Статистикада оила қариндошлик ришталари ёки белгилари билан боғланган, биргаликда яшовчи ҳамда умумий бюджетга эга бўлган шахслар гуруҳи сифатида кўриб чиқилади.

Битта никоҳ жуфтлигидан иборат бўлган (болали ёки боласиз) оила оддий нуклеар оила деб аталади. Икки ёки ундан ортиқ никоҳ жуфтлигидан иборат бўлган оила мураккаб оила деб аталади. Сўнгги пайтларда яна бир тушунча - "оилавий гуруҳ" пайдо бўлди. "Муракаб оила" "оилавий гуруҳ"дан фарқланишининг моҳияти хўжаликнинг биргаликда ёки алоҳида юритилишидир. Масалан, агар ёш оила мустақил бюджетга эга бўлган ҳолда ота-онаси билан битта хонадонда яшаса, улар статистикада алоҳида оила деб, иккала оила биргаликда эса оилавий гуруҳ деб юритилади. Агар бюджет умумий бўлса, у ҳолда бундай оила мураккаб оила деб аталади. Оилавий гуруҳ ва мураккаб оиланинг ажратилиши оилаларни уй-жой билан таъминлаш, болалар муассасаларидаги жойларни прогноз қилиш ҳамда бошқа ижтимоий муаммоларни ечишни ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Оила таркибига кирмайдиган одамлар икки турга бўлинади: оиласидан алоҳида яшовчи шахслар (оиласи билан мунтазам моддий алоқа ҳолатида) ҳамда ёлғизлар - оиласи билан моддий алоқасиз ёки умуман оиласи бўлмаган шахслар.

Турли таркибдаги оилалар миқдорини аниқлаш статистиканинг вазифаларидан биридир. Оила тақсимланишини оила таркибидан фарқлаш зарур, бунда бир оила аъзоларининг турли демографик ва ижтимоий-иқтисодий белгилари бўйича тақсимланишини тушуниш керак. Алоҳида оилалар таркибини кўрсаткичларнинг кенг доираси (оила аъзоларининг сони, уларнинг ёши, миллати, жамиятдаги гуруҳи, болалар сони ва бошқалар)га асосан ўрганар экан, статистика маълумотларга қайта ишлов беришда оилаларни у ёки бу кўрсаткичлари бўйича тақсимлайди.

Статистикада биргаликда яшаётган оила аъзоларининг қариндошлик даражасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги типлари ажратиб кўрсатилади:

1) болали ёки боласиз битта никоҳ жуфтлигидан иборат оила;  
2) болали ёки боласиз битта никоҳ жуфтлиги ҳамда эр-хотиннинг ота-оналаридан бири ва бошқа қариндошларидан иборат оила;

3) болали ёки боласиз икки ёки ундан ортиқ никоҳ жуфтлиги эр-хотиннинг ота-оналаридан бири ва бошқа қариндошларидан иборат (ёки уларсиз) оила;

4) она (ота) ва боладан иборат оила - тўлиқ бўлмаган оила;

5) она (ота) ва бола ҳамда она (ота)нинг ота-оналаридан биридан иборат оила;

6) бошқа оилалар.

Ҳозирги пайтда шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам болали ёки боласиз битта никоҳ жуфтлигидан иборат бўлган нуклеар оилалар кўпчиликини ташкил этмоқда.

Оилаларни болалар сонига қараб тақсимлашда эр-хотиннинг биргаликдаги ҳаёти кўрсаткичларини ҳам инобатга олиш зарур, чунки эр-хотин биргаликда қанча кўп яшаса, болалар сонининг ортиши эҳтимоли шунчалик ортади.

Ёш оилаларни кўриб чиққанда уларнинг ота-оналари билан биргаликда ёки алоҳида яшаш масаласи энг муҳим масалалардан бирини ташкил этади. Алоҳида хонадонда яшаётган оилалар улушини аниқлаш билан бир пайтда оилалар эгаллаб турган майдоннинг ҳар бир оила аъзосига тўғри келиши, хоналар сонига қараб тақсимланишини ўрганиш ҳам катта аҳамият касб этади. Оила таркибини эр-хотиннинг маълумотига қараб ўрганиш ҳам маълум бир аҳамиятга эга.

Бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда турли миллат вакиллари тез-тез никоҳдан ўтадилар, яъни миллатлар аралашуви жараёни рўй беради. Бу ҳолатнинг ҳажмини ва статистикадаги ўзгаришлар қонуниятини ўрганиш учун турли миллат вакилларида таркиб топган оилалар улуши кўрсаткичи ҳисоб-

га олинади. Миллатлар аралашуви жараёни кўпроқ шаҳарларда фаол юзага келмоқда.

Оиланинг ижтимоий-иқтисодий тавсифида оила юкламаси - меҳнат билан машғул ёки тирикчилик учун мустақил манбага эга бўлган ҳар бир оила аъзосига тўғри келувчи боқимандалар сони жуда муҳим аҳамиятга эга. Боқимандаларнинг асосий қисми 18 ёшгача бўлган болалардир.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, статистика оилаларнинг бошқа бир қатор кўрсаткичлар бўйича тақсимланишини ҳам ўрганади. Ҳар бир муайян гуруҳ оилалар орасида ўтказилувчи тадқиқотлар дастури ва мақсадига асосан ташкил қилинади.

Ижтимоий статистикада оилаларни ўрганиш билан боғлиқ туғилиш, ўлим, никоҳ қуриш, ажралиш каби бир қанча ҳолат ва жараёнлар ҳам ўрганилади. Алоҳида омилларнинг туғилишга таъсирини чуқурроқ ўрганиш мақсадида шаҳар ва қишлоқ аёллари, турли миллат вакиллари, турли маълумот эгалари ва ҳоказоларда туғилиш кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Барча жойларда оналар маълумотининг туғилган болалар сонига таъсири қонуниятини бир хил: маълумот даражаси пасайган сари, болалар сони ортиб боради. Оилани ўрганишда турли миллатга мансуб бўлган аёлларнинг туғилган болалар сонига тақсимланиши ўзига хос қизиқиш уйғотади. Статистикада туғилишни ўрганишда туғилган болалар сонининг оналар ёши, туғилиш тартиби (биринчи, иккинчи, учинчи ... бола), туғилиш ойлари каби кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши ҳам ўрганилади.

Статистика ҳар йили қайд қилинадиган никоҳлар сонини (ойлар бўйича), шунингдек, никоҳдан ўтаётганларнинг ёши ва бошқа кўрсаткичлари бўйича тақсимланишини ўрганади. Оилани мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан қараганда ажралишлар миқдорини, уларнинг бирга турмуш кечирган даври, ажралиш сабаблари каби кўрсаткичлари бўйича тақсимланишини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Қайд қилинган никоҳ ва ажралишларнинг мутлақ миқдорини ҳисобга олиш билан бир қаторда статистикада иккала турдаги кўрсаткичлар ҳар минг кишига нисбатан ҳам ҳисобга олиб борилади.

Ажралишларнинг ижтимоий муаммоси жуда каттадир. Унинг моҳияти қисман шундаки, ажралганларнинг аксарият қисми, айниқса, болали аёллар қайта никоҳдан ўтмайди. Бундай оила ўзининг асосий вазифаси - ўсиб келаётган авлодни тарбиялашни тўлиқ амалга оширишга қодир бўлмайди. Худди шунинг учун ҳам оилани мустаҳкамлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, уни амалга ошириш учун муайян чора-тадбирлар,

шў жумладан, аёллар, оналарга меҳнат ва жамоатчилик фаолиятида фаол қатнашиш имконини берувчи шароитлар яратиш белгилаб қўйилган.

#### 4.4. Меҳнат жамоасининг давлатни бошқаришдаги ва халқ хўжалигидаги иштироки статистикаси кўрсаткичлари

Статистика аввало меҳнат жамоаларининг давлатни бошқаришдаги иштирокини ўрганади. Мамлакатимиздаги меҳнат жамоалари ва меҳнаткашлар ўзларининг давлат ҳокимиятидаги иштирокларини халқ депутатлари Кенгашлари орқали амалга оширадилар.

Меҳнат жамоалари депутатликка, халқ судига ўз номзодларини қўядилар, маҳаллий Кенгашлар ижроия комитетлари, уларнинг бўлимлари ва бошқарувларининг ҳамда депутатларнинг ҳисоботларини тинглайдилар. Улар халқ ишончини қозона олмаган депутатларни, халқ суди аъзоларини чақириб олиш масаласини кўтариб чиқишлари мумкин. Ижтимоий статистика юқорида кўрсатилган ҳодиса ва жараёнларга миқдор ва сифат жиҳатидан тавсиф беради ҳамда бунинг учун мос келувчи статистик кўрсаткичларни ишлаб чиқади.

Статистика, шунингдек, меҳнат жамоалари ва меҳнаткашларнинг корхона, муассаса ва ташкилотларни бошқаришдаги иштирокини ҳам ўрганади. Шу сабабли статистика меҳнат жамоалари ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг жорий ва келажакдаги режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш; жамоа шартномалари тузиш ва уларни бажариш; кадрлар тайёрлаш ва жойлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг барқарорлигига эришиш; моддий рағбатлантириш, маърифий-маданий чора-тадбирлар ўтказиш, уй-жой қурилиши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларидан фойдаланиш ва маблағлардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш; мулк бутунлигини сақлаш ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш; меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш, меъёрга солиш ва шу кабилардаги иштирокини тавсифловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, статистика ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турли шаклларида банд бўлган меҳнаткашларни уларнинг ижтимоий-демографик белгилари бўйича (таркиби) сони; режалар муҳокамасида илгари сурилган таклифлар миқдори ва уларнинг самарадорлиги, мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг вазирликлар, бошқармалар, маҳкамалар, тармоқлар, ҳудудлар бўйича тақ-

симланиши миқдори; ҳар бир ишчига тўғри келувчи рағбатлантириш фондларининг ўртача ҳажми ҳамда бу фондларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидаги салмоғи; ишлаб чиқариш меъёрларини бажаришнинг ўртача фоизи, давомийлик коэффициенти, ишга сабабсиз чиқмаслик, ишсиз қолиш оқибатида иш вақтининг йўқотилиши каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Меҳнат самарадорлигининг ўсиши, маҳсулот таннархининг пасайиши каби меҳнатнинг сифат кўрсаткичларига бўлган таъсирни статистика ишчиларнинг халқ хўжалигини қайта қуришдаги иштироки орқали ҳам ўрганади.

Мамалактимизда уюштириладиган умумхалқ ҳашарлари меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда меҳнат фаолиятидаги фаоллиги ортishiга ёрқин мисол бўла олади.

4.5. Статистик маълумотларни таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари ва меҳнат жамоаси ҳақидаги ахборот манбалари

Кўриб турганимиздек, меҳнат жамоасини ўрганиш учун статистика ўртача ва нисбий миқдорлар, гуруҳлар, динамика қатори кўрсаткичлари, индекслар каби бир қатор статистик усул ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиши зарур.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги меҳнат жамоалари ҳақидаги ахборотнинг асосий манбаи бўлиб статистик ҳисоботлар ҳамда статистика қўмитаси томонидан амалга ошириладиган кузатувлар, социологик тадқиқотлар хизмат қилади.

Корхона ва ташкилотларнинг статистик маълумотларидан фойдаланиш меҳнат жамоалари ва меҳнаткашларнинг давлатни бошқариш ва халқ хўжалигидаги ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий равнақидаги иштирокини чуқур таҳлил қилиш имконини беради.



## Қисқача хулосалар

Ушбу мавзуни ўзлаштириш талабаларда жамиятнинг ижтимоий таркиби, турли аҳоли гуруҳларининг яқинлашуви ҳамда дифференциацияси бўйича билим ва кўникмаларининг шаклланишига хизмат қилади, оила ва шахсни ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти сифатида ўрганиш имконини беради.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жамиятнинг ижтимоий таркиби нимани англатади?
2. Оила ва шахс қай тарзда ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти бўла олади?
3. Оилаларнинг болалар сонига қараб тақсимланиши қандай амалга оширилади?
4. Оилаларнинг даромад миқдорига қараб тақсимланиши қандай амалга оширилади?
5. Болали оилаларга ёрдам кўрсатишда давлатнинг иштироки қандай?

### Асосий адабиётлар

1. Пирожков С. Демографические процессы и возрастная тузилма населения. Москва, 1980.
2. Васильева Э.К. Социально - экономическая структура населения. Москва, 1988.

## АҲОЛИНИНГ АХЛОҚ-ОДОБИ, БЎШ ВАҚТИ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ СТАТИСТИКАСИ

### 5.1. Аҳоли ахлоқ-одобини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти

Ахлоқ ёки мораль (лат. *moralis* - маънавий) - жамият онгининг шаклларида бири бўлиб, одамларнинг бир-бирга ҳамда жамиятга бўлган муносабатларини қамраб олувчи ахлоқ меъёрлари ва тамойиллари мажмуасини аке эттиради.

Ахлоқ-одоб статистикаси ижтимоий статистиканинг энг кекса тармоқларидан биридир. Утган асрда ҳам у кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига қаратган. Олимлар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, инсон ҳаётининг ахлоқсиз томонларини ҳамда ижтимоий патологиянинг турли жиҳатларини аке эттирувчи кўрсаткичлар ахлоқий статистиканинг асосий кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади. Ахлоқ-одоб статистикаси жиноят статистикаси, суд статистикаси, ўз-ўзини ўлдириш статистикаси, ахлоқий бузуқлик статистикаси, ичкиликбозлик статистикаси каби турларга бўлинади.

Инсонларнинг ахлоқий қиёфаси жамият тизими статистикаси, оила, шахс, меҳнат жамоаси статистикаси, турмуш даражаси статистикаси каби Ижтимоий статистиканинг барча бўлимларида кўриб чиқилувчи кўрсаткичлар орқали очиб бериллади. Ижтимоий оғиш ва қонунбузарлик кўрсаткичларини ўз ичига олувчи маънавий статистика кўрсаткичлари бу қиёфани характерлашда алоҳида ўринга эга.

### 5.2. Ижтимоий оғиш ва қонунбузарликлар кўрсаткичлари

Ахлоқ-одоб статистикаси ўз кўрсаткичларида жамиятга қарши хатти-ҳаракат орқали аке эгтирилувчи маънавий меъёрларидан четта чиқишлар - ижтимоий оғишлардан ташқари ҳуқуқбузарликлар (жиноятлар) ни ҳам аке эттиради. Кўрсаткичларни белгиланган йўналишлар бўйича гуруҳларга бўлиш чоғида баъзи ҳолларда ижтимоий оғиш ва ҳуқуқбузарликлар ўртасидаги чегара шартли бўлиб, умуман кўзга кўринмаслиги мумкин. Ахлоқ меъёрларидан четта чиқишнинг энг кўп тарқалган ва зарарли кўринишларидан бири ичкиликбозлик, алкоголизм ва наркоманиядир.

Жамият учун катта ижтимоий ва иқтисодий зарар келтириб чиқарувчи алоҳида фуқароларнинг меҳнатга салбий муноса-

бати ҳам ижтимоий оғйшларга мансуб бўлади. Бундай муносабат сабабсиз ишга келмаслик, ишга кечикиш, ишсиз бекор туриш каби меҳнат интизомининг бузилишида ҳамда бекорчилик, текинхўрлик, паразитизмда кўзга ташланади. Меҳнат интизомининг бузилиши меҳнатни ташкил қилишни режалаштиришдаги хато ва камчиликлар, меҳнат жамоаси ва оилада меҳнат тарбиясига кам эътибор берилиши каби кўплаб омиллар билан изоҳланади. Меҳнат интизомини бузишни тавсифловчи бир қатор кўрсатакичлар саноат, қурилиш, савдо ва бошқа тармоқларнинг корхона ва ташкилотлари статистик ҳисоботларида келтирилади. Унда сабабсиз иш қолдириш ва меҳнат интизомини бузишнинг бошқа турлари сабабли ишдан бўшатирилганлар сони, йил бошидан сабабсиз иш қолдирган ходимлар сони, сабабсиз иш қолдириш туфайли йўқотилган ишчи кунлари сони каби кўрсаткичлар ўз аксини топади. Бу маълумотлар меҳнат интизомининг қуйидаги умумлаштирувчи баҳоларини олиш имконини беради: сабабсиз иш қолдиргани учун ишдан бўшатирилганларнинг жами ишдан бўшаганлар миқдоридagi салмоғи; ишга сабабсиз чиқмаганларнинг ходимлар умумий сонига нисбати; ишга сабабсиз чиқмасликнинг умуман ишга келмаслик миқдоридagi салмоғи ва ҳоказо. Ходимларнинг айби туфайли меҳнат сменалари ишсиз туриб қолишини ҳисобга олиш нисбатан кам ривожланган.

Интизомга риюя қиладиган ходимларни ишдан бўшатиш кадрлар оқимининг давомийлиги билан боғлиқ йўқотишларга сабаб бўлади. Бу моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимларнинг бошқа ишга чалғиши ҳамда ишга янги қабул қилинганларни ўқитиш ёки малакасини ошириш туфайли юзага келади. Меҳнат интизомининг бузилиши бундан ташқари ишлаб чиқариш жараёни узвийлигининг бузилишига ва йўқотишларга сабаб бўлади.

Ахлоқ-одоб статистикаси меҳнат интизомини бузувчиларга қўлланиладиган чораларни ҳам ҳисобга олиб боради. Бундай чоралар тизимида мукофотдан маҳрум қилиш, имтиёзли йўлланмадан маҳрум қилиш, меҳнат таътили муддатини ўзгартириш, йиғилишда муҳокама қилиш, жамоа суди, ишдан бўшатиш каби чораларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Меҳнатга салбий муносабатда бўлишнинг жамият учун энг хавфли кўринишлари қаторига бировнинг эвазига кун кўриш сифатида изоҳланувчи текинхўрлик, бекорчилик, паразитизмни киритиш мумкин. Текинхўрлик инсонлар, айниқса, ёшлар тарбиясидаги жиддий камчиликлар ва боқимандалик кайфияти оқибатида пайдо бўлади.

Ахлоқ-одоб статистикасида текинхўрлар маълумий туманларга бўлинган ҳолда ҳисобга олиб борилади. Бундай маълум

мотларни йиғишда милиция маълумотларидан фойдаланилади. Текинхўрларнинг уч асосий гуруҳи мавжуд:

1. Профилактика қилинадиган текинхўрлар - илгари текинхўрлик учун жавобгарликка тортилмаган шахслар. Уларни меҳнатга жалб қилиш тарбиявий усулдаги чора-тадбирлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин;

2. Ашаддий текинхўрлар - меҳнат қилишдан астойдил бўйин товловчи шахслар;

3. Жиноятчилар - узоқ вақт давомида бирор-бир фойдали иш билан машғул бўлмаган, муқаддам жиноят учун жавобгарликка тортилган шахслар.

Ахлоққа чайқовчилик ва талон-тарож қилиш катта зарар етказиши. Бюджет статистикасида озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларини фуқаролардан сотиб олиш кўрсаткичлари алоҳида ҳисобга олинади. Бироқ бу маълумотлар бўйича товарларнинг қандай нархларда сотиб олинганлигини аниқлаш жуда қийин. Кўпчилик товарлар (масалан, матолар, трикотаж) бўйича бюджет статистикасида қайси бир муайян маҳсулот тури қачон, кимдан, қандай нархда сотиб олинганини аниқлашнинг имкони йўқ. Фуқаролардан сотиб олинган маҳсулотлар ҳақида янада мукамал ахборот олиш учун махсус тадқиқотлар ўтказиб турилади.

Тадқиқотлар дастури фуқаролардан бензин, турли хилдаги қурилиш материалларини сотиб олиш кўрсаткичлари ёрдамида мулкни талон-тарож қилиш ҳолларини аниқлаш имконини ҳам беради. Жамият мулки ёки фуқароларнинг шахсий мулкни жиноят йўли билан ўзлаштириб олиш талон-тарож қилиш, дейилади.

Статистик ҳисоботлар маълумотлари давлат мулкига зиён етказиш, уни талон-тарож қилиш ҳолларини қайд қилиш имконини беради. Унда моддий зарар, талон-тарож қилиш ҳақидаги маълумотлар, етказилган зиён ҳамда айбдор шахслардан ундириб олинган моддий зарар миқдори ва суммаси қайд қилиб борилади. Жамият мулки ҳамда фуқароларнинг шахсий мулкни талон-тарож қилиш ҳақидаги асосий маълумотлар ИИБ идораларида сақланади.

### 5.3. Бўш вақтни ўтказишни статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти

Бўш вақт аҳоли вақт бюджетининг энг муҳим қисми бўлиб, инсоннинг турмуш тарзини, унинг ҳаёт фаолиятини кўзгу каби ўзида акс эттиради. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида статистика идоралари вақти-вақти билан аҳолининг вақт бюдже-

ти бўйича танланма тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бу эса турмуш тарзини ўрганишда, ҳаёт шароитлари яхшиланишининг вақт бюджетига, жумладан, фуқароларнинг бўш вақтларига таъсир кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлишига замин яратади.

Аҳолининг бўш вақти статистикаси аҳолининг турли ижтимоий-касбий гуруҳларида бўш вақт ҳажми, тузилмаси ва динамикасини тадқиқ этиш вазифаларини бажаради. У аҳолининг ижтимоий-демографик белгилари ҳамда моддий ва маданий савияси, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши ҳамда меҳнат фаолияти характерининг бўш вақтни ўтказишга таъсирига баҳо беради. Статистика идоралари томонидан ўтказиладиган танланма тадқиқотлар бунга катта ёрдам беради.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, ақлий ва жисмоний меҳнат вакиллари, турли миллат ва элат вакилларининг бўш вақти ўртасидаги фарқнинг йўқотилиши Ижтимоий статистиканинг асосий вазифаларидандир. Ижтимоий статистика алоҳида ижтимоий гуруҳлар: ишчи, хизматчи ва деҳқонлар бўш вақтини самарали ўтказишни таҳлил қилади, ҳуқуқий меъёрлар ҳамда мафкуравий ва тарбиявий ишлар аҳолининг бўш вақтни ўтказишга таъсир кўрсатишига баҳо беради.

Бўш вақтни ўрганишга ёндашиш кўп жиҳатдан аҳолининг вақт бюджетида вақт сарфланиши таснифга боғлиқ бўлади. Аҳоли бюджетининг турли тадқиқотларида қуйидаги таснифни яратиш учун турли мезонлардан фойдаланилган: моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга вақт ажратилиши, бўш вақт ажратилиши, дам олишга вақт ажратилиши ва ҳоказо. Ижтимоий статистикада ҳаёт тарзини комплекс равишда ўрганиш учун ишдан ташқари вақт ва унинг ичида бўш вақт ажратилиши, вақт сарфланиши умумий суммасига нисбати мезонлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу мезондан фойдаланганда асосий эътибор вақт сарфланишининг таснифида иш вақти ва иш билан боғлиқ бўлган вақт сарфланишини умумлаштирувчи кўрсаткичларни синчковлик билан деталлаштиришга қаратилади. Бундай мезонлар асосида ташкил қилинган вақт бюджети кўрсаткичлари тизими ижтимоий жараёнларни инсоннинг ноишлаб чиқариш фаолияти параметрларининг, унинг бўш вақти миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариши тарзида чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради.

#### 5.4. Суткалик вақт фонди ва ишдан ташқари вақт статистикаси

Бўш вақтни аҳоли вақт бюджетидаги бошқа гуруҳлардан ажратган ҳолда ўрганиш иложи йўқ. Бўш вақтнинг ҳар бир

ижтимоий гуруҳ учун ҳажми, салмоғи ва тузилмаси иш вақти ҳамда ишлаб чиқаришда иш билан боғлиқ бўлган вақт кўрсаткичлари, шунингдек, уй хўжалиги юритиш, маҳсулот сотиб олиш, хизматлардан фойдаланиш ва физиологик эҳтиёжларга сарфланадиган вақт билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли бутун вақт бюджети тузилмаси, айниқса, меҳнаткашларнинг ишдан ташқари вақти бўш вақтни таҳлил қилишга туртки беради.

Инсоннинг суткалик вақт фонди 24 соат ёки 1440 дақиқани ўз ичига олади. Тузилма шу куннинг иш куни ёки дам олиш куни, байрам ёки таътил куни эканлиги; инсоннинг ижтимоий-демографик параметрлари, ижтимоий-маиший инфратузилма; инсон мансуб бўлган оила тури ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ бўлади.

Иш вақти ҳамда ишлаб чиқаришдаги меҳнат билан боғлиқ бўлган вақт асосий, қўшимча иш, сменани қабул қилиш, топшириш, шунингдек, иш жойига келиб-кетиш вақтидан иборат бўлиб, унга ишга келиб-кетиш учун транспорт кутиш, йўлда транспортда ҳамда пиёда юриш вақти ҳам киради.

Ишдан ташқари вақт асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- уйдаги меҳнат учун сарфланадиган вақт;
- товар сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш учун сарфланадиган вақт;
- бошқа оилаларга ёрдам бериш учун сарфланадиган вақт;
- физиологик эҳтиёжлар учун сарфланадиган вақт;
- бўш вақт;
- бошқа нарсалар учун сарфланадиган вақт.

Ишдан ташқари вақтнинг ўз уйи, томорқаси, боғи ва дала ҳовлисидаги ҳамда ҳунармандчилик ишлари учун сарфланувчи уйдаги меҳнат каби гуруҳлари иш вақти билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу моддий неъмат ишлаб чиқариш жараёни уйдаги меҳнат фаолиятининг баъзи бир ҳолларида ҳам юзага келиши билан боғлиқ. Уйдаги ишларга сарфланадиган вақт таснифида қуйидаги шакллари кўрсатиб ўтиш мумкин: овқат тайёрлаш, кир ювиш, тикиш, хоналарни тозалаш, мебель, маиший асбоблар, кийим-кечак, пойабзални тозалаш, болаларга қараш ва бошқалар (шахсий эҳтиёж учун уй жиҳозлари тайёрлаш, маҳсулотларни қайта ишлаш).

Маҳсулот сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланишга сарфланган вақтни ҳисоблашда бозор ва дўконларда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш; кийим-кечак ва пойабзал тикиш ва таъмирлаш, уй жиҳозлари, мебель, маиший асбобларни таъмирлаш қорхоналарининг хизматларидан фойдаланиш; ҳаммом, қорхона, кимёвий тозалаш қорхоналари

хамда поликлиника, уй бошқармаси, фондлар каби бошқа ташкилотларга боришда сарфланган вақт эътиборга олинади. Сарфланадиган вақтнинг бу гуруҳини тадқиқ этиш услуби сарфланган вақтнинг умумий ҳажмидан жойларга бориш ва навбатда туриш учун кетган вақтни ажратиб ўрганишни кўзда тутати.

Бошқа оилаларга ёрдам бериш учун сарфланган вақт қариндош-уруғ ҳамда таниш-билишларга, болаларга ёки беморларга қараш, уй-жойни таъмирлаш, ўтин, сув келтириш ва шу кабилардан иборат бўлади.

Ишдан ташқари вақт тузилмасида овқатланиш, уйку (кундузги ва тунги), ўзига қараш ва бошқа физиологик эҳтиёжлар учун сарфланадиган вақт катта салмоққа эга. Бунга сарфланадиган вақт шаҳар ва қишлоқ аҳолисида суткалик вақт фондининг 36% дан 46% гача қисмини ташкил қилади.

Бошқа нарсаларга сарфланувчи ишдан ташқари вақтнинг ажратиб кўрсатилиши барча таснифлардаги вақт сарфланишларини деталли равишда ҳисобга олишнинг имкони йўқлиги билан боғлиқдир. Сарфланишига кўра, у ёки бу таснифда акс эттирилмайдиган шундай кўрсаткичлар борки, улар нотипик бўлади ёки респондентлар томонидан яширилади (вақтни тараллабедод ўтказиш, жамиятга қарши хатти-ҳаракат ва ҳоказо).

Меҳнаткашларнинг суткалик вақт фонди ва ишдан ташқари вақтини ҳисобга олиш услуби вақт сарфланишини таснифлашдан ташқари кузатувларнинг вақти ва давомийлиги (вақт бюджетини ҳафта кунларига бир хилда тақсимлаган ҳолда), ўрганилаётган оилалар мажмуасида оила турларининг намоён бўлиши (ёлғиз яшовчилар, 2,3,4 ва ундан кўп кишидан иборат оилалар), халқ хўжалигининг турли тармоқлари, турли ҳудудларни танлаш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Аҳолининг вақт бюджети ўрганилганда бир пайтнинг ўзида бир неча хилдаги иш бажариш (овқат тайёрлаш ва радио тинглаш, транспортда кетиш ва китоб ўқиш каби) имконияти ҳисобга олинади. Бу эса сўров ўтказишда алоҳида эътиборга олинади.

Тадқиқот натижалари иштирокчиларнинг ижтимоий гуруҳлари, жинси ҳамда ёши, маълумоти, тирикчилик манбаига асосан қайта ишланади. Вақт сарфланишини гуруҳларга ажратишда ажратилаётган гуруҳларнинг ўхшашлигини ҳисобга олиш зарур. Масалан, турмушга чиқмаган ишловчи аёллар уй меҳнатига сарфлайдиган вақтни кўп болали уй бекалари кўрсаткичлари билан бир гуруҳга киритиш мумкин эмас. Шунинг учун сўров натижаларини таҳлил қилишда гуруҳ белгиларининг тўғри танланишига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Вақт бюджетидан фойдаланиш тузилмаси кўрсаткичлари-

дан ташқари таҳлилда маълум бир гуруҳ аъзоларининг сўралганлар миқдоридаги салмоғи, барча сўралганларнинг маълум бир фаолият турини амалга оширишнинг ўртача давомийлик кўрсаткичлари каби ўз вақт бюджетида ушбу вақт сарфланишларига эга бўлган шахслар кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

### 5.5. Аҳолининг бўш вақти ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари

Бўш вақт унинг тузилмасида ижтимоий фойдали меҳнат, яъни инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш учун фойдаланилган вақт салмоғи катта бўлган тақдирдагина “жамият бойлиги” ҳамда “инсоннинг ривожланиш макони” ҳисобланиши мумкин. У ақлий, жисмоний, ижтимоий фаолият ҳамда дам олиш ва кўнгилочарлик элементларини ўз ичига олади. Ҳордиқ вақтидан фойдаланиш қуйидаги асосий гуруҳлар асосида таснифланади:

- таълим олиш, малака ошириш ҳамда мустақил ўқишга сарфланадиган вақт;

- жамоатчилик ишларига сарфланувчи вақт;

- болалар тарбиясига сарфланувчи вақт;

- ҳордиқ учун сарфланувчи вақт.

Бўш вақт сарфланишининг биринчи гуруҳида ақлий фаолият элементларининг салмоғи энг каттадир. Таълим олиш, малака ошириш ҳамда мустақил ўқишга сарфланувчи вақт бу жамият учун фойдали сифатларнинг яққол кўринишидир. У аҳолининг интеллектуал ривожланиши, ижодий фаолиятининг фаоллашиши, маълумотининг ўсишига хизмат қилади. Бу гуруҳда ўқув юртларидаги машғулотлар, уйда ва кутубхонада ўқув машғулотларига тайёрланиш ҳамда мустақил ўрганиш, шунингдек, машғулот ўтказиладиган жойга бориб-келишни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Жамоатчилик ишларига сарфланувчи вақт яққол кўзга ташланувчи ижтимоий белгиларга эга бўлади ҳамда жамоатчилик топшириқларини бажариш (мажлис, йиғилиш, конференция ва суҳбатларда қатнашиш, маъруза ва докладлар ўқиш)га сарфланувчи иш (ўқиш) ташқари вақтни қамраб олади.

Бўш вақт тузилмасида болалар тарбияси муҳим ўринга эга бўлиб, болаларнинг дарс тайёрлашини назорат қилиш, улар билан бирга китоб ўқиш, суҳбат ўтказиш, сайр қилиш ва ўйнаш, шунингдек, ота-оналар мажлисига қатнашиш ва шу кабиларни қамраб олади. Вақт сарфланишининг бу тури статистикада бир қатор қийинчиликлар билан боғлиқ. Бу қийинчиликлар тарбия жараёни кўпинча бўш вақт билан бевосита боғлиқ бўлмаган вақт сарфлашлар билан бирга юзага келади. Бу нар-



са, масалан, турли шаклдаги уй меҳнати, болаларга қараш жараёни, ҳордиқ вақтида кўзга кўринади. Вақт бюджетини ўрганишда тарбия жараёнининг барча қирраларини қамраб олиш мушкул, чунки катта ёшдаги оила аъзолари кўп ҳолларда ўз хулқ-атвори билан болалар тарбиясига таъсир ўтказувчи бир қатор вазифаларни ўзлари билмаган ҳолда амалга оширадilar.

Ҳордиқ театр, клуб, маданият уйларига бориш, концерт, спорт мусобақалари, кўргазмаларда қатнашиш учун сарфланган вақтни бирлаштиради.

Ижтимоий статистикада бўш вақт тузилмасини статистик ўрганиш учун бир қатор кўрсаткичлар қўлланилиб, улар аҳолининг жинси, ёши ва ижтимоий гуруҳига кўра алоҳида турларига умумлаштирувчи баҳо беради. Уларнинг энг оддийлари тузилмали фарқланишнинг чизиқли ( $d_v$ ) квадрат ( $\delta_v$ ) коэффициентларидир:

$$d_v = \frac{\sum |v_{li} - v_{0i}|}{n} \quad (1)$$

$$\delta_v = \sqrt{\frac{\sum (v_{li} - v_{0i})^2}{n}} \quad (2)$$

Бу ерда:  $v_{li}$  ва  $v_{0i}$  - вақт бюджетининг таққосланувчи тузилмалари таркибий қисмлари;  $n$  - уларнинг миқдоридир.

Бу кўрсаткичлар шаклига кўра, ўртача чизиқли ва ўртача квадрат оғишларни эслатади, лекин бу ерда вариантлар ва ўртача кўрсаткич эмас, балки иккита таққосланувчи мажмуанинг таркибий қисмлари орасидаги фарқлик жуфтлари ўртача ҳолга келтирилади. Агар таркибий қисмлар фоизларда белгиланган бўлса, у ҳолда  $\sum |v_{li} - v_{0i}| = 100\%$  ва кўрсаткичларининг устуворлиги уларни ҳисоблашнинг осонлигида, камчилиги эса муғлақ катталиклардан фойдаланганда қуйи қиймати нолга тенг бўлганда юқори қиймати ноланиқ, нисбий катталиклар билан ишлаганда эса белги градациясининг миқдорига боғлиқ бўлади. Бу камчиликни йўқотиш учун кўрсаткич шундай меъёрлаштирилиши керакки, натижада у нолдан биргача ўзгарсин. Ҳосил бўлган кўрсаткич тузилмавий фарқланишларнинг интеграл коэффициенти деб номланади -  $K_v$ :

$$K_v = \sqrt{\frac{\sum (v_{li} - v_{0i})^2}{\sum v_{li}^2 + \sum v_{0i}^2}} \quad (3)$$

Бунда:  $K_v = 0$  белгиланиши таққосланаётган тузилмаларнинг бир хиллигини,  $K_v = 1$  эса улар ўртасидаги фарқнинг энг катталлигини англатади.

Худди шундай устунликка тузилмавий фарқланишни ҳисобловчи соддароқ кўрсаткич - А.Салаи индекси ҳам эгадир:

$$I_v = \sqrt{\frac{\left( \frac{v_{li} - v_{oi}}{v_{li} + v_{oi}} \right)^2}{n}} \quad (4)$$

Кўриб чиқилган кўрсаткичлардан меъёрий ҳамда амалдаги тузилмалар ўртасидаги тузилмавий фарқларни баҳолаш учун фойдаланиш мумкин, шунингдек, улар меҳнаткашлар вақт бюджетидан самарали фойдаланишни баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Бўш вақтни тадқиқ қилишнинг муҳим йўналиши ижтимоий муомала жараёнининг таҳлили бўлиб, у бошқа шахслар (ҳамкасблар, дўстлар, оила аъзолари ва ҳоказо) иштирокида амалга оширилади. Ижтимоий муомала одамлар ҳаёт тарзини тавсифловчи муҳим бир қирралардан биридир.

Ҳордиқ фаол, оммавий ёки кўнгилочар характерда бўлиши мумкин.

Ижодий фаолият, ҳаваскорлик машғулоти, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, сайр қилиш фаол ҳордиққа мансубдир. Ҳордиқнинг оммавий турлари: телекўрсатувларни томоша қилиш, радио тинглаш, маданий муассасаларга ташриф буюриш ва шу кабилардир. Кўнгилочарлик дўстлар, қариндош-уруғлар ва танишларни зиёрат қилиш, улар билан муомалада бўлиш, суҳбатлар қуриш, кафе ва ресторанларга бориш ҳамда меҳмон кутишни қамраб олади. Шу билан бирга келтирилган чекланишларда у ёки бу турдаги ҳордиқнинг асосий характерини, аниқ белгиланишини ҳисобга олиш керак. Масалан, характерига кўра, сайрлар ё фаол ҳордиққа, ёки кўнгилочарликка, ҳордиқнинг томоша шакли оммавий тур характерига ёки кўнгилочарлик характерига эга бўлиши мумкин.

Дам олишнинг маданият муассасаларига бориш, радио тинглаш, телевизор томоша қилиш, ҳаваскорлик машғулоти, китоб ўқиш каби турлари характери ва тарқалганлигини алоҳида кўриб чиқиш керак. Бу ерда ижтимоий статистика машғулотларнинг ҳар бир турини аҳоли қизиқишига кўра гуруҳларга бўлади. Масалан, ўқувчи аудитория сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, бадиий, болалар адабиёти, махсус адабиёт, ўқув қўлланмалари, газета, журнал ва ҳоказоларнинг истеъмолчиси сифатида кўриб чиқилади. Бундан ташқари турли ёш ва типдаги оила, ижтимоий гуруҳ намояндалари орасида энг кўп ўқувчилар ўрганилади, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўқиш даражаси алоҳида кўриб чиқилади.

## Қисқача хулосалар

Ушбу мавзунинг ўрганиш талабаларда аҳолининг маънавий аҳолини статистик ўрганиш, ижтимоий оғиш кўрсаткичларини, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш, бундан ташқари аҳолининг буш вақти ҳамда ҳордиқ кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Маънавият статистикаси нимани англатади?
2. Аҳоли маънавий аҳолини қандай кўрсаткичлар тавсифлаб беради?
3. Ҳуқуқбузарлик кўрсаткичлари қандай?
4. Суткалик вақт фонди қандай ҳисобланади?
5. Аҳолининг ҳордиқ кўрсаткичлари қайсилар?

### Асосий адабиётлар

1. Клулт М. Время в жизни человека. Москва, 1985.
2. Думнов Д. Бюджет времени населения. Москва, 1994.

## МЕҲНАТ ХАРАКТЕРИ ВА ИЖТИМОЙ ШАРОИТЛАР СТАТИСТИКАСИ

### 6.1. Меҳнат характери ва ижтимоий шароитларини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти

Меҳнат шароитларини статистик ўрганишнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари бор. Уларнинг иқтисодий жиҳатлари корхоналарнинг фонд билан таъминланганлиги, қўлланилаётган меҳнат воситалари ва предметлари ҳамда технологиялар каби ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўрсаткичлари билан изоҳланади. Меҳнат шароитларини ўрганишда ижтимоий статистика меҳнат жараёнининг бевосита инсоний омиллар, одамларнинг меҳнат ва ижтимоий фаоллиги ҳамда соғлиғига таъсир этиши, бажарилаётган ишдан қониқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий жиҳатларига алоҳида эътибор беради. Шу мақсадда у ходимларнинг меҳнати муҳофазаси, техника хавфсизлигини мукаммаллаштириш чораларининг самарадорлиги, меҳнат фаолияти режими, ишлаб чиқаришдаги атроф-муҳит кўрсаткичларини ўрганади.

Шунингдек, ижтимоий статистика меҳнатнинг моддий ва маънавий рағбатлари, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишнинг турли шакллари, аҳоли турли гуруҳ ва синфлари аъзолари меҳнатга муносабатининг ўзига хослиги, меҳнатнинг машина техникаси билан бир хилда таъминланмаганлиги, ходимлар маданий-техник даражасининг турлилигига асосан ижтимоий фарқланишини ҳам ўрганади.

Меҳнат характери ва шароитларини ўрганишнинг энг муҳим йўналиши ижтимоий омилларнинг ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига, уларнинг меҳнати натижаларига таъсир ўтказишини статистик баҳолашдир. Меҳнат характери ва шароитларидан қониқмаслик кўп ҳолларда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайиши, кадрларнинг тез-тез алмашинишига сабаб бўлади; аксинча, меҳнатни ташкил этишнинг қулай шароитлари эса меҳнат фаолиятининг ошишига, ишлаб чиқариш миқдори ва сифатининг кўтарилишига таъсир этади ва меҳнат жамоаларининг барқарорлигини таъминлайди.

Ижтимоий статистика меҳнат характери ва шароитлари кўрсаткичларини ҳисоблаш, уларни турли йўналишлар бўйича тизимлаштириш услубларини ишлаб чиқиш вазифаларини бажаради.

## 6.2. Аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлиги ва меҳнатнинг жамиятдаги тақсимоти кўрсаткичлари

Бандлик ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич бўлиб, аҳолининг турли гуруҳлари вакилларининг жамиятдаги ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиниши характери ва даражасини акс эттиради. Аҳолининг бандлик характери ижтимоий-иқтисодий шаклланиш, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, меҳнатнинг жамиятдаги тақсимоти билан аниқланади ҳамда миллий анъаналар ва табиий-географик омиллар билан изоҳланади.

Ижтимоий статистика бандликни меҳнатнинг ҳаётий эҳтиёжга айланиши, меҳнат фаоллигининг ўсиши, халқ ҳаёти моддий ва маданий даражасининг доимий ўсишига хизмат қилувчи омил сифатида ўрганади.

Меҳнатга лаёқатли ёш чегарасидан чиққан шахсларни ҳисобга олмаган ҳолда потенциал бандликни тавсифлаш учун *меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг аҳоли умумий сонига салмоғи* ( $D_{т.в}$ ) кўрсаткичи аниқланади:

$$D_{т.в} = \frac{\text{Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони}}{\text{Умумий аҳоли сони}} \quad (1)$$

Бу кўрсаткич бандликни таъминлаш учун ижтимоий-демографик шароитларнинг мавжудлигини англатади.

$$Z_{т.р} = \frac{\text{Ишлаётган(банд) аҳоли сони}}{\text{Меҳнат ресурсларисони}} \quad (2)$$

Бандликнинг амалдаги даражаси *меҳнат ресурсларининг бандлик коэффиценти* ёрдамида аниқланади:

Бандликни таҳлил қилишда меҳнат ресурсларининг бандлик коэффиценти *меҳнат ёшининг бандлик коэффиценти* ни ҳисоблаш билан тўлдирилиши мумкин:

$$Z_{т.р} = \frac{\text{Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишловчи (банд) аҳоли}}{\text{Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони}} \quad (3)$$

Мазкур коэффицентнинг маҳражи ва сурати ўртасидаги фарқ “*жамият боқимандаси*” даги меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчи, талаба, соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсизлар сонини ҳисоблашга имкон яратади.

Аҳолининг умумий сонига бўлган “юклама” ни тавсифлаш учун бошқа кўрсаткичдан фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткич банд бўлмаган аҳоли сонининг банд бўлган аҳоли сонига нисбати асосида топилади ва *меҳнат билан банд аҳолининг умумий юкламаси коэффиценти* ( $K_{о.л}$ ) деб аталади:

$$K_{о.н} = \frac{\text{Мехнат билан банд аҳоли сони}}{\text{Аҳолининг умумий сони}} \quad (4)$$

Бандликни таҳлил қилишда  $K_{о.н}$  кўрсаткичидан ташқари *меҳнат билан банд аҳолининг нафақа юкламаси* ҳам қўлланилади:

$$K_{н.н} = \frac{\text{Нафақа ёшидаги аҳоли сони}}{\text{Мехнат билан банд булган аҳоли сони}} \quad (5)$$

Меҳнат билан банд аҳолининг нафақа юкламаси нагрукаси коэффициентлари булардан ташқари аҳолининг қариш жараёнини ҳам тавсифлаб беради.

Меҳнат ёшигача бўлган шахсларни халқ хўжалигига жалб қилишнинг потенциал имкониятларини статистик тавсифлаш учун *меҳнат билан банд аҳолининг потенциал ўрнини босиш коэффициенти*дан фойдаланилади:

$$K_{к.з} = \frac{\text{Мехнат ёшигача булган аҳоли сони}}{\text{Мехнат билан банд булган аҳоли сони}} \quad (6)$$

$K_{о.н}$ ,  $K_{н.н}$ ,  $K_{к.з}$  кўрсаткичлари халқ хўжалигида банд бўлганлар сонига нисбатан нафақа ёшидаги аҳоли сони қисқарган ҳолда каттароқ бўлар эди. Ижтимоий статистикада бандликни таҳлил қилиш учун асосан ақлий ва асосан жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар сони, шунингдек, уларнинг аҳоли сони умумий миқдоридаги салмоғи кўрсаткичлари ҳам кенг қўлланилади. Аҳолининг тирикчилик манбаи, моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш билан банд бўлганлар сони ҳамда машғуллот турларига қараб тақсимлашни ўрганиш орқали муҳим ижтимоий тавсифга эга бўлиш мумкин. Статистикада аҳолининг кун кечирish манбаларига кўра, қуйидаги тоифалари мавжуд:

- халқ хўжалигида банд бўлганлар;
- стипендия олувчилар;
- нафақахўрлар ва давлат қарамоғидаги бошқа шахслар;
- алоҳида шахсларнинг боқимандалари;
- тирикчилик учун бошқа манбага эга бўлганлар.

Юқорида келтирилган контингентлар орасидаги координация нисбий миқдорларини ҳисоблаш муҳим ижтимоий тавсифга эга бўлиш имконини беради. Ижтимоий тузилманинг ривожланиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши, маълумот даражасининг ўсиши натижасида ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган аҳоли салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ноишлаб чиқариш соҳасининг фан, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот каби тармоқларида банд бўлганлар сони тез ўсмоқда. Қишлоқ хўжа-

лигида банд бўлмаганлар сонининг ортиши, меҳнат билан банд бўлган аҳолининг касб маҳорати ва малакасини яхшилаш, халқ хўжалигига нафақа ёшидагиларни кенгроқ жалб қилиш, талаба отрядларидаги ишларга жалб қилинувчи ёшлар сонини ошириш ҳам юқоридаги тенденцияларни тавсифлаб беради.

### 6.3. Меҳнат шароитлари ва муҳофазаси статистикаси кўрсаткичлари

Меҳнат шароитлари ижтимоий, иқтисодий техник-ташкилий ҳамда табиий омилларнинг таъсири асосида шаклланади. Уларни статистик ўрганишнинг ижтимоий аҳамияти шу билан изоҳланадики, ходимларнинг соғлиғи, меҳнат қобилияти, меҳнат самарадорлиғи, турмуш тарзи, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши кўп жиҳатдан меҳнат шароитларига боғлиқ бўлади. Меҳнат шароитлари меҳнатдан қониқиш ҳамда меҳнат ва ижодий фаоллик даражасини ҳам белгилаб беради. Меҳнат шароитларининг қониқарсизлиғи ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайиб кетиши, меҳнат интизомининг бузилиши, толиқиш, шикастланишнинг ортиши, ходимларнинг тез-тез алмашинувига сабаб бўлувчи омилдир.

Меҳнат шароитлари кўпинча технологик жараёнларнинг, ишлатилаётган хомашё ва асбоб-ускуналарнинг ўзига хослиғи ҳамда ақлий ва жисмоний кучлар нисбати, ишлаб чиқариш жамоаси аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида белгиланади. Уларни баҳолаш учун иш жойларини ташкил қилиш, биноларнинг маиший ва санитар аҳволи, ёритилиши, вибрация ва шовқин даражаси, иссиқлик шароитлари, ҳаводаги зарарли моддалар ҳажми каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир иш жойи (ходим) учун ўзига хос бўлган “Меҳнат шароитлари паспорти” тузиб, унинг таркибига қабул қилинган меъёр ва қоидалардан четга чиқишнинг барча ҳоллари ҳақидаги маълумотлар киритилиши, бундай “паспорт”лар асосида меҳнат шароитларини комплекс равишда таснифловчи бир қатор кўрсаткичларни ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, ҳудуднинг қулайлиғи қулай ҳудуддаги меҳнат шароитларига эга бўлган иш жойлари миқдорининг иш жойларининг жами миқдорига нисбати ёрдамида аниқланади. Бундан ташқари яна бир кўрсаткич мавжуд бўлиб, у меҳнат шароитлари коэффициенти —  $K_{м.ш.}$  деб аталади:

$$K_{м.ш.} = \frac{Ш + Т + С + В + О + Б}{6} \quad (7)$$

Бу ерда: Ш - шовқин даражаси; Т - иссиқлик даражаси; С - ёритилиш даражаси; В - ҳаво ҳолатининг даражаси; О - иш жойларини ташкил қилиш даражаси; Б - биноларнинг маиший ва санитар ҳолати даражаси. Ўз навбатида юқорида санаб ўтилган барча омилларнинг даражаси ўзига мос формула асосида топилувчи коэффициентни тақдим этади. Масалан, шовқин даражаси куйидаги формула асосида топилади:

$$Ш = \frac{PM - PM_{III}}{PM} \quad (8)$$

Бу ерда: РМ — шовқин ҳисобланаётган жойдаги иш жойларининг умумий миқдори; РМ<sub>III</sub> - шовқин даражаси меъёрдан юқори бўлган иш жойлари миқдори.

Бироқ кўрсаткичларнинг бу тури фақатгина ишчиларни ўраб турувчи ишлаб чиқариш соҳасининг аҳволинигина тавсифлаб, унинг натижасида ходимга ўтказилувчи таъсирини ҳисобга олмайди. Меҳнатнинг психофизик шароитлари “толиқиш”, “ишлаш қобилияти” категориялари, жисмоний, психик ҳамда асабий-эмоционал нагрузкалар, патологик реакцияларнинг шаклланиши ёрдамида ўрганилади. Меҳнат шароитларининг инсонга кўрсатувчи таъсири характери ва даражасини баҳолаш махсус ишлаб чиқилган тасниф ёрдамида амалга оширилиб, у мураккаблигига кўра меҳнат шароитларининг олтига тоифасини қамраб олувчи гуруҳларга (I - энг яхши, VI - энг ёмон) бўлинади. Ходимларни бу тоифалар бўйича тақсимлаш уларнинг меҳнат шароитларини, толиқиши, ишлаш қобилияти, соғлигини яққол тавсифлаб беради.

Меҳнат шароитларини тавсифловчи бир қатор кўрсаткичлар махсус тадқиқотлар ёрдамида қўлга киритилиб, бу тадқиқотлар давомида ходимларнинг ўзлари ишлаётган шароитларига баҳо берадилар.

Зарарли меҳнат шароитларини компенсациялаш учун бир қатор имтиёзлар тизими белгиланиб, уларга кўра, ходимларга махсус озик-овқат берилади, иш вақти қисқартирилади, қўшимча таътил берилади, махсус кийим-бош билан таъминланади ҳамда буларнинг барчаси давлат статистикасида ўз аксини топади. Ишчиларнинг касбий таркибини ҳисобга олиш яқунларига кўра, беш йилда икки марта ишлаб чиқариш цехларида оғир, зарарли шароитлардаги меҳнат учун берилувчи имтиёзлардан фойдаланувчи ишчилар сони, смея режими, тунги пайтда ишлаётганлар сони, қўл меҳнати, механизациялаштирилган меҳнат ҳамда оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлган ишчилар ҳақидаги маълум-



мотлар таҳлил қилинади. Беш йилда бир марта ўтказилувчи жинси ва ёшига кўра ҳисоблашда халқ хўжалиги турли тармоқлари корхоналарининг ишчи ва хизматчилари учун ҳар йиллик меҳнат таътили ҳамда меҳнат ҳафтасининг узунлиги ҳақидаги маълумотлар ишлаб чиқилади. Меҳнат шароитларини таҳлил қилиш учун ишчилар меҳнати механизациялашганига қараб қуйидаги ишларни бажарувчи гуруҳларга тақсимланади:

1) автоматлар ишини кузатиб боровчилар; 2) машина ва механизм ёрдамида ишловчилар; 3) машина ва механизмлар ёнида қўл меҳнатини бажарувчилар; 4) машина ва механизмларсиз қўл меҳнатини бажарувчилар; 5) машина ва механизмларни таъмирлаш ҳамда уларга ишлов бериш билан шуғулланувчилар.

Статистик маълумотлар асосида қўл меҳнати билан шуғулланувчи (асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга ишлов беришдан ташқари) ишчиларнинг саноатда машғул бўлган барча ишчилар миқдоридаги салмоғи кўрсаткичлари ҳамда қишлоқ хўжалигидаги алоҳида меҳнат турларини механизациялаш кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади. Энг ноқулай меҳнат шароитлари натижасида ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ҳажми ортиб боради. Статистик ҳисоботда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли жабрланганлар сони кўрсаткичи (меҳнат қобилиятини бир иш куни ва ундан ортиқ йўқотганда ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолларда уларни алоҳида кўрсатиб) акс эттирилади.

Шикастланиш кўрсаткичларига қуйидагилар киради: шикастланишнинг даврийлиги ( $D_{ш}$ ), оғирлиги ( $Q_{ш}$ ) ва ҳажми ( $X_{ш}$ ):

$$(D_{ш}) = \frac{\Pi}{S} \quad (Q_{ш}) = \frac{H}{\Pi} \quad (X_{ш}) = \frac{H}{S}$$

Бу ерда:  $\Pi$  - ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли шикастланганлар сони;  $S$  - ишчиларнинг ўртача йиллик миқдори;  $H$  - ишчиларнинг ишлаб чиқаришдаги шикастланиш туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган ишчи-кунлари сони.

( $D_{ш}$ ) ( $Q_{ш}$ ) ( $X_{ш}$ ) кўрсаткичларини 1000 кишига нисбатан ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Белгиланган кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ бўлади:

$$X_{ш} = D_{ш} \times Q_{ш}$$

Меҳнатни муҳофаза қилиш кўрсаткичларига меҳнат шароитларини белгиланган меъёр ва талаблар доирасида сақлаш учун қилинадиган бир марталик ва жорий (эксплуатацион) харажатлар, кўрсаткичлари киради.

## Қисқача хулосалар

Ушбу мавзунини ўрганиш талабаларга меҳнат характери ва шaroитлари, аҳолининг бандлик кўрсаткичлари, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмаси ўзгариши, меҳнат интизоми кўрсаткичлари ва аҳолининг меҳнатдаги фаоллиги кўрсаткичларини статистик нуқтаи назардан ўрганиш имконини беради.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат характери кўрсаткичлари қандай аниқланади?
2. Меҳнат шaroитлари кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
3. Аҳолининг бандлик кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
4. Аҳолининг меҳнат фаоллиги кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
5. Меҳнат интизоми кўрсаткичлари қандай кўрсаткичлар ёрдамида акс эттирилади?

### Асосий адабиётлар

1. Боярский А.Я. Статистика. Мир профессий. Москва. 1988.
2. Трудовая активность населения. Москва. 1986.

## АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ СТАТИСТИКАСИ

### 7.1. Аҳоли даромадларини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти

Аҳолининг даромадлари аҳоли учун шахсий эҳтиёжларини қондиришда, муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли Ижтимоий статистиканинг турмуш тарзини тавсифловчи кўрсаткичлар комплексида аҳоли даромадлари кўрсаткичлари алоҳида ўринга эга. Турмуш даражаси статистикаси аҳолининг даромадлари қаторига қуйидагиларни киритади: ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошлари; қишлоқ хўжалигида деҳқонлар учун тўланадиган ҳақ (шу жумладан, натура кўринишида); ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг шахсий томорқа хўжалигидан олган даромади (шахсий томорқа хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг тоза қиймати); жамоатчилик истеъмол фондларининг тўлов ва имтиёзлари; бошқа пул даромадлари (лотереялардаги ютуқлар, омонатлар бўйича олинадиган фоизлар, пул ўтказиш ва ҳоказолар).

Аҳолининг даромадлар мажмуасини шакллантириш жараёнида ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг шахсий томорқа хўжалигидан оладиган даромадлари катта аҳамиятга эга. Бу даромадлар томорқа хўжалигида мазкур йил давомида етиштирилган маҳсулотнинг тоза қийматида ҳисобланади. Шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми оилаларда истеъмол қилинади. Бундан ташқари ортиб қолган маҳсулот бозорларда сотилади ёки тайёрлов пунктларига топширилади.

Аҳолининг даромадларини таҳлил қилиш уларнинг моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиш даражаси, пул жамғармалари кўрсаткичлари билан ўзаро алоқасини кўзда тутати. Бу таҳлилни мукаммаллаштириш вазифаси оиланинг турли мақсадда қилган харажатларини деталли равишда ўрганишни талаб қилади. Бу ерда истеъмол фонди кўрсаткичлари, аҳолининг тўлов билан таъминланган талабларини қондириш даражаси алоҳида ўринга эга.

### 7.2. Аҳолининг реал даромадлари, номинал ва реал иш ҳақи даражаси, таркиби ва динамикаси статистикаси кўрсаткичлари

Аҳоли даромадлари мажмуасининг асосий элементи ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маоши ҳамда жамоа хўжаликларида деҳқонларга тўланадиган ҳақдир. Статистикада номинал (пулли) ва реал иш ҳақи тушунчалари мавжуд. Номинал (пулли) иш

ҳақи деганда ишчи ва хизматчилар халқ хўжалигида бажарган ишининг ҳажми ва сифатига муносиб равишда оладиган пул суммаси тушунилади. Аҳолининг ҳаёт даражасини тавсифлаш учун ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (умуман, халқ хўжалиги бўйича ва халқ хўжалигининг тармоқлари бўйича) кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалигида банд бўлган деҳқонларнинг иш ҳақи, жамоа ва фермер хўжаликларида бир ишчи-кунига тўланадиган ҳақ кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Реал иш ҳақи ойлик иш ҳақининг пул миқдорига сотиб олиш мумкин бўлган моддий неъмат ва турли хизматлар миқдорини ифодаловчи кўрсаткичдир. Реал иш ҳақи даражаси маҳсулот ва хизматларнинг нархи ҳамда солиқлар ва ойлик маошдан олинадиган чегирмалар миқдоридан келиб чиқади. Бироқ бизнинг мамлакатимизда реал иш ҳақи ўсишининг ҳал қилувчи омилли бўлиб пул қийматидаги ойлик иш ҳақининг ўсиши ҳисобланади.

Реал иш ҳақининг динамикасини ўрганиш учун индекс қўлланилади:

$$I_{р.и.х} = I_{п.иш.х} \div I_{баҳо}$$

$$I_{р.и.х} = I_{п.иш.х} \div I_{п.с.к}$$

Бу ерда:  $I_{р.и.х}$  - реал иш ҳақи индекси;  $I_{п.иш.х}$  - пул қийматидаги иш ҳақи индекси;  $I_{п.с.к}$  - сўмнинг сотиб олиш қобилияти индекси. Сўмнинг сотиб олиш қобилияти индекси баҳо индексига тескари пропорционалдир:

$$I_{сўмнинг\ сотиб\ олиш\ қобилияти} = \frac{1}{I_{баҳо}}$$

Аҳолининг реал даромадлари аҳолининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун бевосита ишлатиладиган моддий неъматлар миқдорини аниқлаш, меҳнат учун ҳақ тўлаш шаклида олинадиган, жамоа истеъмоли фоизлари тўловлари ва бошқа даромадлар асосида йиғилган пул ва натурал кўринишдаги даромад манбаларидан ташкил топади.

Реал даромад кўрсаткичларини ҳисоблаш учун индивидуал ва якуний даромад кўрсаткичларидан фойдаланилади. Индивидуал даромад деганда меҳнат учун ҳақ тўлаш шаклида олинадиган, жамоа истеъмоли фоизлари тўловлари ва шахсий томорқа хўжалигидан олинган даромад тушунилади. Якуний даромадларнинг индивидуал даромадларга тенг бўлиш учун улардан бюджет тўловлари, пул жамғармалари, кўнгилли бадаллар, хизматлар учун тўланадиган ҳақ чегириб ташланиб, аҳо-

лига хизмат кўрсатувчи маданий-маиший муассаса ва ташкилотлар моддий харажатлари қиймати қўшилиши керак. Шу тариқа якуний даромадлар суммаси миллий даромаднинг аҳоли истеъмоли учун мўлжалланган қисмига тўғри келади.

Реал даромад миқдорини аниқлаш учун якуний даромадларни мос келувчи индекслар ёрдамида қайта баҳолаш керак. Бунинг учун якуний даромад элементлари куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- товар сотиб олиш учун мўлжалланган пул даромадлари;
- жамоа, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларидан олинган натурал даромадлар;
- аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлардаги жорий моддий харажатлар қиймати.

Аҳоли якуний даромадлари элементларининг биринчи гуруҳи таққосланувчи нархларга ўртача нархлар индекси бўйича қайта ҳисобланиб, бу индекслар давлат ва кооператив савдоси ҳамда бозорда сотиб олинган товарлар, электр энергияси, сув, газ ва уй-жой фонди амортизацияси учун тўланувчи суммага асосан ҳисобланади. Шунингдек, реал даромадларнинг натурал элементлари ҳам ўртача нархлар индексига кўра қайта ҳисобланади. Бу ҳолда нархлар индекси жамоа, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларида натура тўлови сифатида олинган маҳсулотларни қайта баҳолаш, шунингдек, индивидуал, кооператив ва жамоа уй-жой фондининг амортизацияси асосида ҳисобланади. Аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва муассасаларнинг моддий харажатлари таққосланувчи нархларга фойдаланилган миллий даромад истеъмом фонди маълумотлари асосида қайта ҳисобланади. Якуний даромадлар элементларининг ҳар бир гуруҳини таққосланувчи нархларга қайта ҳисоблагандан сўнг аҳолининг реал даромадлари даражаси аниқланади. Якуний даромадларни ўзгармас нархларда ҳисоблаш уларнинг ҳажмини динамикада таққослаш имконини беради.

Аҳолининг реал даромадлари динамикаси реал даромадлар индекслари асосида ҳисобланади. Реал даромадлар индекси ҳисобот давридаги индекс даражасининг базис даврдагига нисбатан ўзгаришини кўрсатади. Ҳами аҳолининг реал даромадлари кўрсаткичлари аҳоли жон бошига; ишчи ва хизматчилар даромадлари ишчи ёки хизматчи жон бошига; деҳқонлар даромадлари бир ишчи бошига ҳисобланади.

### 7.3. Ижтимоий таъминот ва суғурталаш статистикасининг асосий кўрсаткичлари

Статистиканинг ҳар бир тармоғи каби ижтимоий статистика ҳам тадқиқот объектини ҳар томонлама тавсифлашда ўзига

хос кўрсаткичларга эга. Уларнинг асосийлари бу нафақахўрлар ҳамда давлатдан турли моддий ёрдам олувчилар сони ва таркиби, шунингдек, нафақа ва моддий ёрдам (категориялар бўйича) тўловлари миқдори ва нафақаларнинг ўртача миқдоридир. Нафақаларнинг бир неча тури мавжуд: қарилик нафақаси, ногиронлик нафақаси, боқувчисини йўқотганлик учун нафақа, хизмат қилган йилларига доир нафақа, шахсий нафақа.

Қарилик нафақаси умумий меҳнат стажини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Мамлакатимизда эрақлар ёши 60 га етганда 25 йилдан кам бўлмаган меҳнат стаж билан нафақага чиқсалар, аёллар 55 ёшда 20 йиллик меҳнат стаж билан нафақага чиқишлари мумкин. Бироқ баъзи ҳолларда қарилик нафақаси имтиёзли шартларда белгилашиб, уларга кўра нафақага чиқиш ёши ёки талаб қилинувчи умумий меҳнат стаж 5 йилга камайтирилиши мумкин. Бу имтиёзлар уруш ногиронлари, 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёллар, оғир ҳамда зарарли меҳнат шароитларида (ер ости шахталари, иссиқ цехлар) ишлаганларга берилади.

Ногиронлик нафақаси меҳнат қобилиятини касбий, меҳнат ёки умумий касаллик туфайли узоқ муддатга ёки бутунлай йўқотган ҳолларда белгиланади. Касб касаллиги ёки меҳнат туфайли шикастланганда нафақалар меҳнат стаж ва ёшдан қатъиназар белгиланади. Умумий касаллик туфайли нафақа белгилашда маълум бир меҳнат стаж мавжуд бўлиши талаб қилиниб, ишчининг ёши, жинси ва меҳнат шароитлари ҳам ҳисобга олинади. Ногиронлик нафақаси ногиронлик гуруҳи (биринчи, иккинчи, учинчи), сабаби, ногиронлик бўйича иш характери ва маоши ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлик учун нафақа вафот этган шахс (ишчи, хизматчи, деҳқон) қарамоғидаги меҳнат лаёқатига эга бўлмаган оила аъзоларига белгиланади. Нафақа болалар учун улар вояга етгунча белгиланса, меҳнатга лаёқатсиз катта ёшдагилар (отаси, онаси, умр йўлдоши ва ҳоказо)лар учун умрбод белгиланади. Бир қатор касб эгаларига (балет артистлари, фуқаролик авиацияси ходимлари ва бошқалар) хизмат қилган йилларига доир нафақа белгиланади. Бу турдаги нафақа ёши ва меҳнат қобилиятидан қатъиназар қонун доирасида кўрсатилган лавозимларда белгиланган меҳнат стаж асосида белгиланади.

Оддий нафақалардан ташқари шахсий нафақалар ҳам мавжуд бўлиб, фан, техника, маданият ҳамда давлат ва жамоатчилик фаолиятида давлат олдида алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга уларнинг хизматлари учун жамоатчилик ташкилотларининг ёзма тавсияномалари асосида белгиланади. Шахсий нафақалар республика миқёсидаги ҳамда маҳаллий миқёсдаги нафақаларга бўлина-

ди. Статистика нафақахўрлар сонини аниқлаш йўли билан юқорида санаб ўтилган гуруҳларни ҳамда нафақахўрларнинг таркибини кўрсатиб беради. Барча кўрсаткичлар нафақахўрларнинг ижтимоий гуруҳлари (ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар) асосида юритилади. Ҳудди шу тариқа статистикада нафақа тўлаш суммаси ва ўртача нафақа ҳажми ҳам аниқланади.

Нафақахўрлар сони маълум бир вақт мобайнида: йил боши, ўртаси ёки охирида аниқланади. Нафақа тўловлари суммаси белгиланган вақт давомида (йил, ой) тўланган якуний кўрсаткичлар сифатида аниқланади. Ўртача нафақа миқдори маълум бир тоифадаги нафақахўрлар учун тўланган жами нафақа суммасини уларнинг ўртача йиллик сонига бўлиш асосида ҳисобланади. Бир марталик ҳамда доимий равишда турли хил моддий ёрдам олувчилар сонини статистик ўрганиш (аниқлаш) нинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан тўланувчи моддий ёрдам турлари ичида касаллик, шикастланиш ҳамда бемор оила аъзосига қараш сабабли юзага келувчи вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш учун тўланувчи моддий ёрдам турларини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Йил давомида битта шахснинг ўзи бир неча марта меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотиши ҳамда бу нарсанинг давом этиш муддати турлича бўлишини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш сабабли моддий ёрдам олувчилар сонинигина аниқлаш мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари, ушбу моддий ёрдам турлари фақат ишловчиларга, яъни халқ хўжалигида банд бўлганларга тўланиши сабабли, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотишни ҳисобга олиш халқ хўжалигида йўқотилиётган иш вақтини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотишни статистик ўрганишда вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳоллари (касаллик варақалари берилиши) сони ҳамда у ёки бу давр мобайнида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш ишчи - кунлари (вақтинчалик меҳнат қобилияти йўқотилган календарь кунлари сони), шунингдек вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш учун тўловлар суммаси аниқланади.

Ушбу маълумотлар ҳамда халқ хўжалигининг тармоқларида ва бутун халқ хўжалигида ишлаётганлар сони асосида статистикада қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади:

- вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотишнинг қанчалик тез содир бўлиши - вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳоллари сонининг ўртача рўйхатдаги ишчилар сонига нисбати сифатида;

- ҳар бир ишчига тўғри келувчи вақтинчалик меҳнат қоби-

лиятини йўқотиш кунлари сони - вақтинчалик меҳнат қобилияти йўқотилган календарь кунлари сонининг ўртача рўйхатдаги ишчилар сонига нисбати сифатида;

- вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш бир ҳолатининг ўртача давомийлигини вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатлари давомийлиги ушбу ҳолатлар сонига нисбати сифатида.

Бу кўрсаткичларни эркаклар ва аёллар, турли ёшдаги ишчилар, турли вақт ҳамда турли тармоқларга асосан ҳисоблаб чиқиш муҳимдир.

Моддий ёрдамнинг бошқа турларига келганда эса, уларнинг ҳар бири учун моддий ёрдам олганлар сони ҳамда тўловларнинг умумий суммаси аниқланади.

Қонунчиликка асосан моддий ёрдамнинг баъзи турлари доимий, баъзилари эса бир марта берилиши сабабли бу моддий ёрдамларни олувчилар сони ҳам алоҳида ҳисобга олиб борилади. Бу ерда гап кўпроқ моддий ёрдамнинг у ёки бу турини бериш тўғрисида боради. Чунки битта шахснинг ўзи маълум бир вақт мобайнида (масалан, бир йил ичида) ҳар ой бериладиган моддий ёрдам турлари (масалан, кам таъминланган оилаларда болалар учун) олиш билан бир пайтнинг ўзида бир неча мартаба бир марта бериладиган моддий ёрдам (масалан, бола туғилганда ёки дафн этиш маросимлари учун) ҳам олиши мумкин.

Шу тариқа моддий ёрдам тўловларини бажаришда статистикада қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

1) давлатдан доимий (ҳар ойлик) моддий ёрдам олувчилар сони - жами

шу жумладан:

а) кўп болали оналар;

б) ёлғиз оналар;

в) кам таъминланган оилалардаги болалар;

2) бир марта бериладиган моддий ёрдам сони — жами

шу жумладан:

а) ишлаётган ва таълим олаётган аёлларга ҳомиладорлик ва бола туғилиши бўйича;

б) бола бир ярим ёшга тўлгунча қисман тўланувчи таътил;

в) суюнчи пули;

г) дафн этиш учун бериладиган пул;

д) моддий ёрдамнинг бошқа турлари;

У ёки бу турдаги моддий ёрдам олувчилар сонини ҳисоблаш билан бир қаторда алоҳида моддий ёрдам турларини тўлаш учун ишлатилган пул суммаси, шунингдек, ногиронлар, қариялар ва болалар уйларини таъминлаш учун қилинадиган харажатлар ҳам ҳисобга олиб борилади.



## Қисқача хулосалар

Ушбу мавзунини ўрганиш талабаларга аҳолининг даромади ва харажатлари кўрсаткичларининг статистик нуқтаи назардан ўрганиш, номинал ва реал иш ҳақининг ҳажми, таркиби ва динамикасини ҳамда аҳолининг реал даромадларини кўриб чиқиш имконини беради. Бу жараёнда, шунингдек, оила бюджети, аҳолининг харажат ва даромадлари тузилмаси ўрганилади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли даромадлари қандай аниқланади?
2. Аҳоли харажатлари қандай ҳисобланади?
3. Номинал ва реал иш ҳақи кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
4. Аҳолининг реал даромадлари қандай ҳисобланади?
5. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?

### Асосий адабиётлар

1. Плошко Б. История статистики. Москва, 1990.
2. Волков А. Швеция: Социально-экономическая модель. Москва, 1991.

## АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ

### 8.1. Аҳолининг турмуш тарзи ва даражаси — статистик тадқиқот объекти сифатида

Турмуш даражаси мураккаб иқтисодий категория бўлиб, у бирор-бир алоҳида кўрсаткич билан ифодаланмайди. Шу сабабли БМТнинг Статистика комиссияси қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этади:

а) аҳолининг демографик тавсифи (туғилиш, вафот этиш, касал бўлиш, келажакда кўрадиган умрининг ўртача узунлиги);  
 б) санитария-гигиена шароитлари;  
 в) озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси;  
 г) уй-жой ҳамда узоқ муддат давомида фойдаланилувчи жиҳозлар (автомобиль, музлатгич, телевизор ва ҳоказо) билан таъминланганлик;

д) таълим ва маданият;

е) бандлик ва меҳнат шароитлари;

ж) аҳолининг даромад ва харажатлари;

з) яшаш қиймати ва истеъмол нархлари;

и) транспорт воситалари;

к) дам олиш, физкультура ва спортни ташкил қилиш;

л) ижтимоий таъминот;

м) инсоннинг эркинлиги.

Турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири сифатида аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқарилиши (АҚШ доллари ёки Еврода) қўлланилади. Бироқ фақат бу борадаги кўрсаткичларнинг ўзи турмуш тарзи ҳақида етарлича маълумот бера олмайди. Шу сабабли ундан халқаро таққослашларда жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак.

Турли мамлакатларнинг статистика амалиётида аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш учун кўпинча қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

■ номинал ва реал иш ҳақи;

■ аҳолининг номинал ва реал даромадлари;

■ аҳоли харажатлари ва жамғармалари;

■ аҳолининг уй-жой ва узоқ муддат фойдаланиладиган жиҳозлар билан таъминланганлиги;

■ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг энг зарур турларини истеъмол қилиш даражаси;

- бандлик ва ишсизлик даражаси;
- меҳнат шароитлари кўрсаткичлари;
- таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм ва дам олиш кўрсаткичлари.

Улардан энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

Ойлик иш ҳақи шартнома асосида ёлланиб ишловчи шахсларнинг даромади бўлиб, ишлаб берилган ва ишлаб берилмаган вақт учун барча пул ва натура кўринишидаги тўловларни ўз ичига олади. Ишлаб берилган вақт учун тўланадиган ҳақ қуйидагилардан иборат:

- нормал иш вақти учун тўланадиган ҳақ;
- дам олиш ва байрам кунларидаги ҳамда қўшимча иш учун тўланадиган ҳақ;
- аккорд ҳақ тўланиши;
- комиссиян тўловлар;
- турли хил қўшимча тўловлар (стаж учун, бригадани бошқаргани учун; ўқувчиларни ўргатгани учун, малакаси учун). Индексация тўловлари ва зарарли шароитлардаги меҳнат учун қўшимча тўловлар ҳам шу туркумга киради.

Ишдан ташқари вақт учун тўловлар меҳнат таътили, байрамлар, мавсумий мукофотлар ва фойдадаги улушдан иборат бўлади. Ижтимоий суғурта ва нафақа фондларига тўловлар, моддий ёрдам, иш ташлаганларнинг вақти тўлови, корхонадан кетганда (армияга, нафақага ва ҳоказо) берилувчи бир марталик тўловлар иш ҳақи таркибига кирмайди. Шу билан бирга ходимларга корхона томонидан оилаларга берилувчи моддий ёрдам ва уй-жой ижараси учун тўловлар иш ҳақи таркибига киради.

Иш ҳақи икки вариантда ҳисобланади:

1. Ялли (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангунча),
2. Соф (солиқ ва бошқа тўловлардан сўнг қўлга тегувчи).

Халқаро статистикада ўртача иш ҳақи бир ишчига эмас, балки бир одам-соатга нисбатан ҳисобланади. Бу жаҳоннинг кўп мамлакатларида ишчиларнинг катта қисми тўлиқсиз иш вақти билан банд эканлиги билан изоҳланади.

Аҳолининг даромадлари иш ҳақидан ташқари бошқа манбалардан олинган барча пул ва натурал кўринишидаги даромадларни ўз ичига олади. Уларга қуйидагилар мансуб :

1. Иш ҳақи шаклида бўлмаган машгулотлардан олинган даромадлар (чойчақа, қалам ҳақи, шахсий томорқа хўжалигидан олинган даромад, якка тарзда меҳнат фаолиятини юритиш туфайли олинган даромад).

2. Корхоналардан бериладиган иш ҳақи шаклида бўлмаган даромад (моддий ёрдам, корхонадан кетганда тўланувчи пул ва ҳоказо).

3. Нафақалар, стипендиялар, компенсация ва товон тўловлари.  
4. Хусусий мулкдан олинган даромад (фоиз, рента, дивиденд, ижарага беришдан тушган даромад ва ҳоказо).

5. Ютуқлар, мерос, совға, суғурта тўловлари.

6. Нолегал ва яширин фаолият туфайли олинган даромад; чет элдан олинувчи даромад (ойлик иш ҳақи, нафақа, стипендия, грантларни ўтказиш; инсонпарварлик ёрдами ва ҳоказо).

Иш ҳақи ҳам, аҳолининг даромадлари ҳам икки хил вариантда аниқланиши мумкин:

1. Номинал сифатида.

2. Реал тарзда.

Номинал иш ҳақи ва номинал даромадлар бу кўрсаткичларнинг жорий нархларда акс эттирилишидир. Реал иш ҳақи ва реал даромадлар ўз иш ҳақи ва даромадларига сотиб олиш мумкин бўлган моддий неъмат ва хизматлар суммасини тавсифлайди. Реал ва номинал даромад (иш ҳақи) ўтасида қуйидагича алоқалар мавжуд:

$$R_{\text{дар. иш. ҳақи}} = N_{\text{дар. иш. ҳақи}} \div J_{\text{ис. баҳо}}$$

Бу ерда:  $R_{\text{дар. иш. ҳақи}}$  - реал иш ҳақи ёки даромад;

$N_{\text{дар. иш. ҳақи}}$  - номинал иш ҳақи ёки даромад;

$J_{\text{ис. баҳо}}$  - Истеъмол нархлари индекси.

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш мураккаб ҳамда муаммоли вазифа ҳисобланади. Бироқ уни ечиш жуда катта амалий аҳамиятга эга. Маълумки, исталган мамлакатда юз минглаб ва миллионлаб истеъмол маҳсулотлари ва хизмат турлари мавжуд. Шу сабабли нархлар индексини ҳар бир хизмат ёки товар учун аниқ ҳисоблаб чиқишнинг иложи йўқ. Бундан келиб чиққан ҳолда товар-намуна усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Унинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Аввал барча маҳсулот ва хизматлар мажмуаси бир турдаги гуруҳларга бўлинади.

2. Ҳар бир гуруҳда товар-намуна белгиланади (кўпинча бу мазкур гуруҳда энг катта салмоққа эга бўлган ёки нархи гуруҳдаги ўртача нархларга энг яқин бўлган товар ва хизматлар).

3. Товар-намунага нарх индекси аниқланади ва шу асосда белгиланган гуруҳларда нархларнинг жамланма индекси ҳисобланади.

4. Истеъмол нархларининг жамланма индекси гуруҳлардаги нарх индекслари ҳар бир гуруҳнинг ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ва хизматлар қийматидаги салмоғига кўра солиштириш йўли билан аниқланади:

$$J_{\text{н. баз.}} = \frac{\sum I_0 q_0 \cdot \frac{P_1}{P_2}}{\sum P_0 q_0} = \frac{\sum P_0 q_0 \cdot i_p}{\sum P_0 q_0}$$

Аҳолининг даромадлари жорий харажатларни қоплаш ёки жамғариш мақсадида ишлатилади. Жорий харажатлар таркибига озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки сотиб олиш; кийим-кечак ва пойабзал сотиб олиш; уй-жой, иситиш ва ёритиш тизими; мебель, уй жиҳозлари; соғлиқни сақлашга қаратилган харажатлар; транспорт ва алоқа хизмати; таълим, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, дам олиш ва туризм ҳамда бошқа моддий неъмат ва хизматлар учун қилинадиган харажатлар киради.

Алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, жорий харажатларни гуруҳларга тақсимлаш ҳар бир мамлакат учун юзага келган статистика амалиётига боғлиқ ҳолда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

БМТ нинг Статистика қўмитаси томонидан тавсия этилган умумий кўрсаткичлардан бири даромадлар концентрацияси коэффициентидир. У кўпроқ “Джини индекси” номи билан танилиб, тақсимлашнинг амалдаги четга оғишлари даражасини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, агар бирор мамлакат аҳолисининг ўртача даромади маълум бўлса, аҳолининг маълум бир гуруҳи даромадларини мамлакатдаги ўртача даромадга бўлиш йўли билан даромадлар концентрацияси коэффициентининг неча фоизга ошганлигини осонгина ҳисоблаш мумкин.

Аҳолининг жамғармалари унинг даромадлари ва жорий харажатлари орасидаги фарқни англатади. Жамғармалар пул ёки натурал кўринишида бўлиши мумкин. Пул жамғармалари аҳоли қўлидаги пул маблағларининг ўсиши ёки қимматбаҳо қоғозларга (акция, облигация, сертификат ва ҳоказо) киритилган маблағларнинг ўсишини англатади. Натурал кўринишдаги жамғармалар аҳолига тегишли бўлган ер майдонлари, асосий капитал (уй-жой, хўжалик иншоотлари, транспорт ва ҳоказо) ва моддий захираларнинг ортишини англатади.

Аҳолининг уй-жой шароитларини тавсифлашда халқаро статистика биринчи ўринда уй-жой эгаларини ажратиб кўрсатади. Бу мақсадда жами уй-жой фонди хусусий (ундан ўз эгаси фойдаланган ҳолда), ижарага олинган ва давлатга тегишли турларга бўлинади. Айрим оилалар бир нечта уй-жойга эга бўлганликлари сабабли (баъзан бошқа шаҳар ва давлатларда) статистикада бирламчи резиденция (эгаси ўз вақтини кўпроқ ўтказувчи жой) ва иккиламчи резиденция ажратиб кўрсатилади.

Уй-жой сифатини ўрганишда уйнинг қаватлари, деворларнинг материали, шифтнинг баландлиги, маиший-коммунал қулайликлар (электр токи, газ, сув, ваннахона, телефон ва ҳоказо) билан таъминланганлик даражасига асосан гуруҳлашдан фойдаланилади. Хусусий уй-жой учун унга тегишли бўлган ер майдони кўрсатилади. Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлигини умумлаштириб, тавсифлаш учун белгиланган стандарт талабларига жавоб бермайдиган уй-жойларда яшовчилар сони ва уларнинг аҳоли умумий сонига салмоғи ҳамда ҳар бир уй учун тўғри келувчи хоналар сони кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Фаро мамлакатларининг уй-жой билан таъминлаш стандартида бу ҳолда ҳар бир яшовчига битта хона ва яна қўшимча равишда умумий хона тўғри келиши кўзда тутилган.

Аҳолининг узоқ муддат хизмат қилувчи турли жиҳозлар билан таъминланишига келганда эса, халқаро статистикада бундай жиҳозларнинг ҳар 100 та оилага ёки ҳар 1000 кишига тўғри келиши ҳисобга олинади. Бу автомобиль, музлатгич, совутгич, телевизор, телефон, кир ювиш машинаси, чангютгич ва ҳоказоларга тегишлидир.

Аҳоли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг энг зарур турлари истеъмол қилишни тавсифлаш жами аҳоли, шунингдек турли ижтимоий-касбий гуруҳ аъзоларининг гўшт, сут, балиқ, тухум, нон ва бошқа маҳсулотларни аҳоли жон бошига ўртача йиллик истеъмолини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда фақатгина миқдорга эмас, сифатга ҳам эътибор берилади. Бу мақсадда истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг калориялилик даражаси, шунингдек, оқсил, углевод ва витаминлар билан таъминланганлик даражаси ҳам ҳисобга олинади. Бироқ халқаро статистика амалиётида бундай кўрсаткичлар зарур ахборотларнинг етишмаслиги сабабли камдан-кам ҳоллардагина ишлатилади.

Илгари кўриб ўтилган бандлик ва ишсизлик кўрсаткичлари ҳам аҳоли турмуш тарзини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Аҳоли даромадлари тузилмаси бу кўрсаткичларга боғлиқ бўлади, чунки даромадларнинг асосий манбаи меҳнат билан шуғулланиш орқали қўлга киритилади.

Халқаро статистика амалиётида меҳнат шароитлари кўрсаткичлари аҳолининг демографик таснифи билан чамбарчас боғлиқ бўлган қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Меҳнатга лаёқатли ёш чегараси.
2. Иш хафтасининг белгиланган ҳамда амалдаги давомийлиги (иқтисодийнинг тармоқ ва секторлари бўйича).
3. Ҳақ тўланувчи меҳнат таътилининг давомийлиги.

4. Бевосита иш жойларидаги меҳнат шароитлари кўрсаткичлари (чанг, шовқин, вибрация, турли хил нувланиш, меҳнатдан толиқиш даражаси, ноқулай ҳолат, кўп ҳаракатланиш зарурияти).

Касб касалликлари, ишлаб чиқаришда олинган шикастланиш ва ишлаб чиқаришдаги ўлим ҳоллари ҳажмини акс эттирувчи кўрсаткичлар меҳнат шароитларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) бахтсиз ҳодисалар сонини ( $S_n$ ) меҳнат билан банд бўлганларнинг ўртача сонига ( $S$ ) бўлиш йўли билан топишувчи бахтсиз ҳодисалар тез-тез содир бўлиши коэффициенти ( $K_n$ )

$$K_n = \frac{S_n}{S}$$

б) меҳнат қобилияти йўқотилган жами кунларнинг ( $N$ ) бахтсиз ҳодисаларда жабрланганлар сонига ( $S$ ) нисбатини акс эттирувчи меҳнат қобилиятини йўқотишнинг ўртача кўрсаткичи

$$K_N = \frac{N}{S}$$

в) меҳнат қобилияти йўқотилган жами кунларнинг ( $N$ ) ишлаб берилган барча ишчи-кунлари сонига ( $N_{\text{ин}}$ ) нисбати асосида аниқланувчи бахтсиз ҳодисаларнинг оғирлик даражаси коэффициенти ( $K_0$ )

$$K_0 = \frac{N}{\sum N_{\text{ин}}}$$

г) ишлаб чиқаришда ўлганлар сонининг ( $S_n$ ) бахтсиз ҳодисаларда жабрланганлар сонига ( $S_6$ ) ёки шу давр мобайнида ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг умумий сонига нисбати асосида аниқланувчи бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги ўлим коэффициенти ( $K_6$ ).

$$K_6 = \frac{S_n}{S_6}$$

Аҳолининг маданияти ва маълумоти даражасини ўрганиш учун БМТ Статистика қўмитаси қуйидаги бир қатор кўрсаткичларни тавсия қилади:

а) саводсизлар сони ва уларнинг “саводлилик ёши” дағ (бу ёш ҳар бир мамлакат учун муайян шароитлар асосида алоҳида белгиланади) катта ёшдагилар сонига салмоғи;

б) мактабга бормаётган мактаб ёшидаги болалар сони;

в) бошланғич ва ўрта мактабларда ўқиётганлар сони ва таркиби;

г) ҳар 100 минг кишига олий ўқув юртлари талабалари сони;  
д) ҳар 100 минг кишига кундалик газеталар сони;  
е) ҳар 100 минг кишига китоблар тиражи сони ва шу каби бошқа кўрсаткичлар.

Соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) соғлиқни сақлаш муассасаларининг сони ва қуввати (стационардаги жойлар сони ёки бир сменада келувчилар сони билан ўлчанади);

б) аҳолининг тиббий ходимлар билан таъминланганлиги (ҳар 1000 кишига тўғри келувчи шифокорлар сони, жами ва мутахассисликлар бўйича; тиббий кадрларни тайёрлаш);

в) тиббиёт муассасалари фаолияти кўрсаткичлари (стационарлардаги беморлар сони; тузалиб кетган беморлар сони; тиббиёт муассасаларидаги ўлим ҳоллари ва ҳоказолар);

г) соғлиқни сақлашнинг барча манбалар ҳисобига молиялаштиришнинг умумий ҳажми.

Сўнги пайтларда турмуш тарзини тавсифлашда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинлигининг реал амалга оширилиши: сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, ҳаракатланиш эркинлиги ва ҳоказо; муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи, меҳнат қилиш, дам олиш, маълумот олиш, ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқларига риоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

## 8.2. Ишчи, хизматчи ва деҳқон оилалари бюджети статистикаси кўрсаткичлари

Аҳоли турмуш даражаси ҳақидаги статистик ахборотнинг муҳим манбаи бўлиб ишчи, хизматчи ва деҳқон оилалари бюджетининг танланма тадқиқотлари хизмат қилади. Бу муҳим иш мутаносиб механик танлаш асосида бюджет тадқиқотлари ўтказиш учун оилаларнинг танланма мажмуасини шакллантиришни кўзда тутади. Танлов жараёнида аввал барча туманлар бўйича корхона, муассаса, фермер ва деҳқон хўжаликлари танлаб олиниб, сўнгра оиласида бюджет кўрсаткичлари йил давомида ёки бир неча йил мобайнида ҳар ой қайд қилиб келинаётган ишчи, хизматчи ва деҳқонлар аниқланади.

Статистика идоралари томонидан тасдиқланган оила бюджети 13 бўлимдан иборат бўлиб, оиланинг пул баланси билан яқунланади. Бу бўлимлар тўлдирилгач, оиланинг жинси, ёши ва бандлигига кўра таркиби; пул даромадлари ва натурал тушумлар ҳажми ва тузилмаси; ноозик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ва уларга қилинадиган харажатлар; чорва моллари, қуш ва аса-



лари боқиш учун харажатлар; чорвачилик маҳсулотлари етиштириш; озиқ-овқат маҳсулотлари, ем-хашак ва ёқилғи айланиши; оилаларнинг пул харажатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади. Барча қиймат кўрсаткичлари 0,01 сўмгача аниқликда белгиланади. Оила бюджети ҳақидаги маълумотлар ҳар ой тўлдириб борилади, бюджет шаклида чорак (квартал) учун яқунларни аниқлаш ҳам кўзда тутилган. Шу тариқа йил давомида оилаларда 4 та бюджет бланкаси тўлдирилади. Оила бюджети бланкаси статистиканинг бюджет бўйича кўрсаткичларни мантиқий назорат қилишни амалга ошириш бўлимига ҳам эга. Бюджет тадқиқотлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бюджет статистикаси бўлимларида амалга оширилади.

Оила бюджетидо оила даромадларининг қуйидаги турлари акс эттирилади:

- пул ва натура кўринишидаги ойлик иш ҳақи (ўрганилаётган оила аъзоларининг);

- моддий рағбатлантириш фондидан берилувчи мукофот ва тақдирлашлар;

- бошқа мукофотлар;

- жамоа ҳўжалигидан меҳнат учун олинган ҳақ;

- ижтимоий суғурта бўйича тўловлар;

- кўп болали ҳамда ёлғиз оналар ва кам таъминланган оилаларга болалар учун берилувчи тўловлар, бошқа тўловлар;

- натурал тушумлар қиймати (пул тўловисиз);

- санаториялар, болалар оромгоҳлари йўлланмаларига ҳамда мактабгача болалар муассасаларини таъминлашга берилувчи дотациялар;

- нафақалар;

- стипендиялар;

- суткалик, иш жойига етиб боргунча бериладиган тўловлар;

- давлат заёмлари, давлат суғуртасидан тушувчи тушумлар;

- озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари, қуш, асалари, ем-хашак, ёқилғи ва бошқаларни сотишдан тушумлар;

- ҳунармандчилик фаолиятидан тушумлар;

- жамғарма кассасидан олинган, ссуда, кредит ва қарзга олинган сумма;

- бошқа тушумлар ва аниқланмаган даромад.

Аҳоли даромадларини тўлиқ таҳлил қилиш натижасида бу даромадларнинг келиб чиқиш манбалари, улардан энг муҳимларининг ишчи, хизматчи, деҳқон ва нафақахўрларнинг жами даромадларидаги салмоғини аниқлаш мумкин.

Оила бюджети статистикаси кўрсаткичларини аҳолининг пул даромади ва харажатлари билан параллел равишда таҳлил қилиш

зарур. Бу баланслар ҳам оила бюджети каби ижтимоий гуруҳлар (ишчи, хизматчи ва деҳқонлар) ва ҳудудлар (мамлакатнинг жами ҳамда вилоят ва туманлар аҳолиси бўйича) ишлаб чиқилади. Бироқ оила бюджети статистикасидан фарқли равишда аҳолининг пул даромади ва харажатлари баланси кўрсаткичлари таълим тадқиқотлар асосида эмас, балки давлат корхоналари, муассасалар ва деҳқон хўжаликлари ҳисоботлари асосида ҳисобланади.

Аҳолининг пул даромади ва харажатлари баланси кўрсаткичлари асосида аҳолининг истеъмол фонди кўрсаткичи (ёки пул билан таъминланган талаб) аниқланади:

$$C_{\text{у.л.и.}} = \frac{\text{Товар харажатлари суммаси}}{\text{Аҳолининг сотиб олиш фонди}} \times 100\%$$

$ПИФ = ППД - НХ$  ва жамғармалар

ПИФ-аҳолининг сотиб олиш фонди;

ППД-пировард пул даромадлари;

НХ ва жамғармалар – Нотовар харажатлар ва жамғармалар.

Ҳудуд бўйича баланс кўрсаткичларини таҳлил қилишда пул миграцияси ҳисобга олиниб, унинг яқунлари ва сабаблари акс эттирилади.

### 8.3. Жамоатчилик истеъмол фондлари статистикаси кўрсаткичлари

Одамлар турмуш тарзининг доимий ўсиши жараёнида жамоатчилик истеъмол фондларини ривожлантириш ва мукамаллаштириш катта аҳамиятга эга. Аҳолини моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминлашнинг 1/3 қисми ушбу фондлар ҳисобига амалга оширилишини айтиб ўтиш kifойадир.

Жамоатчилик истеъмол фондлари миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, давлат томонидан, шунингдек, давлат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар, жамоа хўжаликлари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари томонидан жамиятнинг барча аъзолари эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилгандир. Жамоатчилик истеъмол фондлари аҳолига пул тўловлари, имтиёзлар ёки бепул хизмат кўринишида акс эттирилади. Жамоатчилик истеъмол фондлари ҳисобига аҳоли бепул таълим, тиббий хизмат, ёрдам пуллари, нафақа, бепул ҳамда имтиёзли нархларда санатория, курорт ва дам олиш уйларига йўлланмалар билан, болаларнинг мактабача муассасаларда бўлишини қисман таъминлаш имкониятига эга бўладилар.

Жамоатчилик истеъмол фондлари тақсимлашнинг ўзига хос шакли бўлиб, меҳнат сифати ва миқдorigа кўра тақсимлаш шак-

лини органик равишда тўддиради. Бундай шаклнинг зарурлиги шу билан изоҳланадики, жамиятнинг барча аъзолари учун даволаниш, таълим олиш, ижтимоий ҳимояланиш каби эҳтиёжларини қондиришда кенг ва шу билан бирга бир хил имкониятларга эга бўлади. Бундан ташқари, жамоатчилик истеъмол фондлари ҳисобидан меҳнатга лаёқатсиз, меҳнатга тўланадиган ҳақ шаклида даромад олиш имкониятидан махрум шахслар моддий жиҳатдан таъминланади. Бироқ жамоатчилик истеъмол фондларидан тушувчи тушумлар ёрдам олувчиларнинг меҳнат ҳиссасига (яъни, меҳнат стажи, ойлик иш ҳақи миқдори ва ҳоказо) боғлиқ бўлади. Жамоатчилик истеъмол фондларидан тўланувчи бундай элементлар қаторига нафақалар, меҳнат таътилига тўланадиган ҳақ, корхоналарнинг моддий рағбатлантириш фондлари тўловларини киритиш мумкин.

Жамоатчилик истеъмол фондларидан тушувчи маблағларни аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг индивидуал ва умумий шакллари кўринишида олади. Биринчи ҳолда аҳоли хизмат шаклида олса, иккинчи ҳолда пул ва натура кўринишидаги тўлов ҳамда имтиёзлар шаклида олади. Пул тўловларига нафақалар, болалар учун тўловлар, таътил пуллари, касаллик учун тўлов ва шу кабилар киради. Натура тушумларига эса ўқувчиларнинг бепул ўқув қўлланмалари билан таъминланиши, уруш ва меҳнат ноғиронларининг транспорт воситалари билан бепул таъминланиши ва ҳоказолар киради. Бепул ёки имтиёзли ижтимоий хизматлар ҳам жамоатчилик истеъмол фондлари томонидан таъминланувчи имтиёзлар шаклини тақдим этади. Пул тўловларининг жамоатчилик фондлари умумий суммасидаги улуши тобора ошиб бормоқда ва ҳозирги пайтда тўловлар барча суммасининг 50% ини ташкил қилмоқда.

Жамоатчилик фондлари тузилмасида қуйидаги учта асосий элементни шартли равишда ажратиш мумкин: ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш қўшма фонди, меҳнатга лаёқатсизларни таъминлаш фонди, таътилга ҳақ тўлаш фонди.

Жамоатчилик истеъмол фондларини молиялаштириш марказлашган фондлар давлат бюджети, фермер хўжаликларини ижтимоий суғурталаш ва ижтимоий таъминот, касаба уюшмалари бюджети, корхона ва ташкилотлар фондлари, жамоа хўжаликлари маблағлари, жамоатчилик ташкилотлари маблағлари ҳамда асосий ноишлаб чиқариш фондлари амортизацияси ҳисобига амалга оширилади. Бу маблағларнинг 2/3 қисми давлат бюджети зиммасига тўғри келиб, у умумий таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминот ва суғурта, болаларни мактабгача муассасаларда тарбиялаш, аҳоли билан спорт-соғломлаштириш ишлари олиб боришга ишлатилади.

Моддий рағбатлантириш фонди, ижтимоий-маданий чора-тадбирлар ҳамда уй-жой қурилиши фондидан ташкил топувчи корхоналарнинг жамоатчилик фондлари, шунингдек, корхоналар асосий фондининг бир қисми ҳисобига ходимларга турли хил мукофотлар, ойлик иш ҳақидан ташқари турли тўловлар ва бир маргалик моддий ёрдам тарқатилади. Бундан ташқари ушбу маблағлар эвазига корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига тиббий ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатилади. Бу маблағлар мактабгача болалар муассасаларида болаларнинг овқатланишини яхшилаш, дам олиш уйлари ва санаторияларга йўлланма олиш ҳамда маданият уйлари ва клубларни жиҳозлашга ишлатилади.

Жамоа хўжаликларининг жамоатчилик фондлари маданий-маиший эҳтиёжлар фонди ва ижтимоий таъминот фондидан ташкил топиб, жамоа хўжалиги даромадлари эвазига шаклланади. Жамоатчилик ташкилотларининг жамоатчилик фондлари эса аъзолик бадаллари ҳамда бу ташкилотлар ўтказувчи турли чора-тадбирларда тушадиган маблағлар (масалан, газета ва журналлар чоп этишдан) эвазига шаклланади.

Жамоатчилик истеъмол фондларининг умумий ҳажми истеъмолчилар таркиби ва сони ҳақидаги маълумотлар ҳамда ушбу фондлар тушумларининг мос келувчи меъёрлари асосида ҳисобга олинади. Бу меъёрлар аҳолининг ёши, жинси ва бошқа белгиларига кўра гуруҳлари асосида ишлаб чиқилади. Пул тўловлари меъёрлари, моддий неъматлар меъёрлари ва хизматлар меъёрлари мавжуд. Жамоатчилик истеъмол фондлари ҳажми қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\text{ЖИФ} = \sum n \cdot \bar{T}_n$$

Бу ерда:  $n$  - жамоатчилик истеъмол фондларининг мазкур гуруҳдаги битта истеъмолчига тўғри келувчи ўртача харажатлар меъёри;

$\bar{T}_n$  - мазкур гуруҳдаги аҳолининг ўртача йиллик сони-жамоатчилик фондлари истеъмолчилари сони.

## Қисқача хулосалар

Ушбу мавзуни ўрганиш натижасида талабалар аҳолининг турмуш тарзи, ҳаёт шароитлари кўрсаткичларини аниқлаш кўникмаларига эга бўлиб, аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражасини аниқлай оладилар, аҳолига хизмат кўрсатиш кўрсаткичларини ҳисоблаш имкониятига эга бўладилар.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичлари қандай аниқланади?
2. Аҳолининг турмуш тарзи кўрсаткичлари қандай аниқланади?
3. Истеъмол саватчаси қандай аниқланади?
4. Қамбағаллик чизиги қандай аниқланади?
5. Аҳолига хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари қандай аниқланади?

### Асосий адабиётлар

1. Бакланов Г. Кильдишев Г. Занимательная статистика. Москва, 1980.
2. Волков А. Швеция: социально-экономическая модель. Москва, 1992.

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАМДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СТАТИСТИКАСИ

### 9.1. Аҳолига кўрсатилувчи тиббий хизмат, дам олиш ва жисмоний тарбияни статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти

Саломатлик даражаси бир қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар ёрдамида аниқланади: биринчи ўринда бу аҳолининг меҳнат ва дам олиш шароитлари ҳамда умуман, турмуш фаровонлиги даражасидир. Ижтимоий шароитлар ва турмуш тарзи мукамаллашиб борган сари одамларнинг соғлиғи мустаҳкамлашиб боради. Соғлиқни сақлаш идоралари аҳолини даволаш ва профилактика фаолиятини амалга оширадилар, касалланишни камайтириш чоратадбирларини ўтказадилар, аҳолини диспансеризация қиладилар, атроф-муҳит ва коммунал қурилмалар санитарияси ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари яроқлилигини назорат қиладилар.

Соғлиқни сақлашнинг ижтимоий аҳамияти аҳолининг барча гуруҳ ва қатламлари ундан бир хилда фойдаланишлари мумкинлигидадир. Амбулатория-поликлиника ва касалхоналарнинг кенг тармоғи тиббий ёрдамга муҳтож барча шахсларга малакали ёрдам кўрсатади. Даволаш муассасалари тармоғи ҳудудий тамойилларга асосан ташкил этилган бўлиб, тураржой бўйича врачларга мурожаат қилишда аҳолига қулайлик яратилган.

Халқ фаровонлигини ошириш ва ижтимоий ривожланиш дастурида соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаолиятини яхшилаш, профилактика йўналишини кучайтириш, тиббий хизмат сифатини ошириш кўзда тутилган. Шу билан боғлиқ ҳолда соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш; мамлакат аҳолисининг, алоҳида ҳудудлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг тиббий персонал билан таъминланганлиги; соғлиқни сақлашнинг профилактика йўналишини ривожлантирилишини тавсифлаш ижтимоий статистиканинг энг муҳим вазифаси бўлиб хизмат қилади.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, санаторий ва курортларда дам олишни кенгайтириш ҳам аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашда ўзига хос аҳамиятга эга. Жисмоний тарбия ва спортни соғлом турмуш тарзи манбаи сифатида самардорлигини ошириш мақсадида спорт ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, аҳолининг иш, ўқиш ва яшаш жойларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини кенгайтириш амалга оширилади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ривожлантириш, аҳолининг спорт қурилмалари ва жиҳозлари билан таъминланганлиги, спорт ишларининг иш ва ўқиш жойларига яқинлашувини тавсифлаш ижтимоий статистиканинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ижтимоий статистика меҳнаткашларга санатория-курорт хизматлари (жумладан, алоҳида турларни) кўрсатишни ривожлантириш ва мукаммаллаштиришни таҳлил қилиши керак. Бунда оилавий дам олиш ва ота-оналарнинг болалар билан биргаликда даволанишига катта эътибор берилади.

Хизмат кўрсатишнинг бепул шакллари билан бир қаторда пулли хизмат турлари ҳам кенг ривожланиб бормоқда. Аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда хусусий даволаш-профилактика муассасалари тармоғи ривожланмоқда. Жисмоний тарбия хизматининг соғломлаштириш мажмуалари каби янги турлари ишга туширилади.

Комплекс дастурнинг амалга оширилиши, шунингдек, давлатнинг аҳолига тиббий ҳамда санатория-курорт хизмати кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш ҳам ижтимоий статистиканинг вазифалари қаторидан ўрин олган.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг аҳолига кўрсатаётган хизмати сифатига боғлиқ. Бу жабҳада ижтимоий статистика қуйидаги бир қатор саволларни ўрганади: тиббий ёрдамнинг қулайлиги (ўз вақтида врач чақириш ёки унинг қабулига кириш), амбулатория-поликлиника муассасаларига боришга кетадиган вақт, ўз вақтида касалхонага жойлаштириш, даволаш, дам олиш уйларида соғломлаштириш ва маданий-маърифий чора-тадбирлари ҳамда спорт жиҳозларининг мавжудлиги ва ҳоказолар.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спорт, санатория-курорт хизматларининг ривожланиши аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш ҳамда инсон ҳаётининг барча жабҳаларини мукаммаллаштиришга хизмат қилиб, иқтисодиётга вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотиш сабабли ишга чиқмаслик натижасида етказиладиган зарарларни камайтиришга замин яратади.

## 9.2. Саломатлик ва соғлиқни сақлаш статистикаси кўрсаткичлари

Аҳолининг саломатлиги ижтимоий тавсифининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. У жамият учун бор кучи билан хизмат қилувчи ва бой маънавий ҳаёт кечирувчи, гармоник равишда ривожланган инсоннинг шаклланиши учун хизмат қилади.

Аҳоли саломатлигини баҳолашда кенг дастурдаги ҳар томонлама тиббий тадқиқотлар ўтказишдан фойдаланилади. Бундай баҳолашга танланма йўллар билан ҳам эришиш мумкин. Тиббий муассасалар томонидан алоҳида шаҳар ва туманлар аҳолиси ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларини локал равишда текшириш амалиёти кенг қўлланилади. Бундай тадқиқотларни, айниқса, атроф-муҳити ифлосланган шаҳар ва туманларда, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари мавжуд корхоналарда ҳамда асабга салбий таъсир қилувчи меҳнат билан боғлиқ муассасаларда ўтказиш катта аҳамиятга эга. Саломатликни ҳар томонлама текширувчи бу локал тадқиқотлар инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи ташқи омилларни камайтириш ва йўқотишга қаратилган махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Аҳоли саломатлиги ҳақидаги барча ахборотларни олиш жуда қийинлиги сабабли статистика ушбу масала бўйича ягона умумлаштирувчи кўрсаткичга эга эмас. Шундай бўлса-да, аҳоли орасидаги касалланиш ва ўлим даражасини изоҳловчи тескари кўрсаткичлар ёрдамида аҳоли саломатлиги тўғрисида етарлича тўлиқ тавсифга эга бўлиш мумкин.

Аҳолининг касалланиш даражасини объектив баҳолаш учун зарур бўлган шартлардан бири уни ўрганишга дифференция усулида ёндашиш, яъни аҳолининг турли ёшдаги контингентлари - катталар ва болалар (янги туғилган чақалоқлар алоҳида) - бўйича характеристикага эга бўлишдир. Бу инсон организмнинг турли ёшдаги физиологик хусусиятлари билан изоҳланади.

Статистика амалиётида қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: катталар ва ўсмирлар (15 ёш ва ундан катта) да касалланиш ҳоллари сони 15 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг ҳар 100 минг нафарига нисбатан; 14 ёшгача болаларда юқумли касалликларга чалиниш ҳоллари сони 14 ёшгача болаларнинг ҳар 100 минг нафарига нисбатан; янги туғилган чақалоқларнинг касалланиш ҳоллари сони стационарларда туғилган ҳар 1000 та чақалоққа нисбатан; жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар сони; доимий мактабгача тарбия муассасаларида болалар касалланиши ҳоллари сони ҳар 1000 та ўртача рўйхатдаги болаларга нисбатан.

Халқ ҳужалигида банд бўлган аҳолининг касалланишини тавсифлашда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотилган ҳолдаги касалланишлар сони ҳар 100 та ишчи ва хизматчига нисбатан; вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотилган календарь кунлари сони ҳар 100 та ишчи ва хизматчига нисбатан.



Аҳолининг касалланиши ҳақидаги маълумотлар аҳолининг ёши, жинсига кўра гуруҳлари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳамда касалликлар турларига қараб тақсимланади. Ишчи ва хизматчиларнинг касалланиши кўрсаткичлари ўзининг асосий ижтимоий маъносидан ташқари, ишлаб чиқаришда ишчи ва хизматчиларнинг бир қисми бўлмаслиги туфайли иқтисодийга етказиладиган зарарни аниқлашда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Аҳолининг моддий ва маданий фаровонлиги ўсиши, аҳоли соғлигини сақлашдаги муваффақиятлар аҳоли орасидаги ўлим ҳоллари, айниқса болалар ўлими камайишига ҳамда кўплаб касалликларни йўқотишга сабаб бўлади. Ҳозирги замон аҳолиси вабо, ўлат, қорин тифи каби оғир касалликларни билмайди. Аҳоли орасидаги ўлим ҳолларининг камайиши кўрсаткичлари жамиятнинг ижтимоий тараққиёти ҳамда аҳоли саломатлигининг яхшиланишидан дарак беради. Ижтимоий статистикада аҳоли орасидаги ўлим ҳолларини ҳисоблаш ҳар 1000 кишига нисбатан амалга оширилади.

Касб касалликлари ёки умумий касалликлар натижасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар меҳнатга лаёқатини узоқ муддатга ёки бутунлай йўқотиши мумкин. Ногиронлик кўрсаткичлари ҳам аҳоли саломатлигини тавсифловчи жиҳатлардан биридир. Ногиронлик кўрсаткичлари қуйидагича ҳисобланади: ногиронликка биринчи марта чиққанлар сони ҳар 10 мингта ишловчига нисбатан. У ногиронликка биринчи марта чиққанларнинг ҳаммасига нисбатан ёши, жинси ҳамда касаллик турига қараб юритилади.

Аҳолига амбулатория-поликлиника ва касалхона ёрдами кўрсатиш самарадорлигини оширишда тиббиёт муассасаларининг барча зарур жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси ҳал қилувчи ўринга эга. Аҳолининг тиббий ёрдам билан таъминланганлигини тавсифловчи умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида қуйидагилар хизмат қилади:

- касалхоналардаги ўрин билан таъминланганлик ҳар 10 минг кишига нисбатан;
- амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати - смена давомида врачлар қабулида бўлган шахслар сони минг кишига нисбатан.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг касалхонадаги ўринлар билан таъминланганлиги қишлоқ аҳолисининг шаҳарда жойлашган касалхоналардан фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Аҳолининг тиббий ёрдам билан таъминланганлигини тавсифлашда соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғининг ривожланиш кўрсаткичларигагина эга бўлиши етарли эмас. Янада тўлиқроқ тавсифлаш учун аҳолининг врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик кўрсаткичларидан фойда-

ланилади: аҳолининг барча мутахассисликдаги врачлар билан таъминланганлиги ҳар 10 минг кишига нисбатан; аҳолининг алоҳида мутахассисликдаги врачлар (терапевтлар, хирурглар, окулистлар, отоларингологлар, невропатологлар, офтальмологлар, гинекологлар, педиатрлар ва ҳоказо) билан таъминланганлиги ҳар 10 минг кишига нисбатан; аҳолининг ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланганлиги ҳар 10 минг кишига нисбатан.

Ижтимоий статистика ўз таҳлилида бу муносабатларни мамлакат бўйича ва ҳудудларга ажратган ҳолда ўрганади. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг кенгайишини қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам билиб олиш мумкин: ҳар бир врачга тўғри келувчи хоналар сони, ўрта тиббиёт ходимларига мурожаат сони ҳар бир одамга нисбатан. Тез ёрдам станциялари (бўлимлар, касалхоналар)нинг мавжудлигини тавсифловчи кўрсаткичлар соғлиқни сақлашнинг ривожланишини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Касалликларнинг олдини олишда соғлиқни сақлашнинг профилактика йўналишларини кенгайтириш катта аҳамиятга эга бўлиб, у ўз олдига баъзи касалликларнинг илк кўринишларини аниқлашни мақсад қилиб қўяди. Даволаш муассасалари фаолиятининг бу жиҳатлари ушбу кўрсаткич орқали акс эттирилади: профилактика текширишидан ўтаётган шахслар сони ҳар 1000 кишига нисбатан.

Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятининг юқори сифатда бўлишини таъминлашда тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда аҳоли учун қулай иш жадвали, маданият ва мукаммал ташкил этилган хизмат: рўйхатхона (регистратура) ва даволовчи врач қабулига навбат йўқлиги, керакли мутахассис қабулига аҳоли учун қулай вақтда келиш, тез ёрдамни чақириш имконияти ва ҳоказолар ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу масалаларни ўрганишда махсус таъланма тадқиқотлар ўтказишдан фойдаланилади.

### 9.3. Дам олиш ва туризм, жисмоний тарбия ва спорт статистикаси кўрсаткичлари

Дам олиш ва туризмнинг асосий статистик кўрсаткичлари қаторига бу тармоқларнинг моддий-техника базасини тавсифловчи кўрсаткичлар киради. Санаторий-курорт муассасалари тармоғини тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: даволаш муолажалари ўтказиладиган санаторий ва пансионатлар сони, улардаги ўринлар сони. Даволаш муолажалари ўтказиладиган санаторий ва пансионатлар сонидан болалар санаториялари ва улардаги ўринлар сони ҳамда ота-оналарнинг болалар билан бирга да-

воланишлари учун мўлжалланган санаторий ва пансионатлар ҳамда улардаги ўринлар сонини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Дам олиш муассасалари тармоғи қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади: дам олиш уйлари ва пансионатлари ҳамда улардаги ўринлар сони, дам олиш базалари ва улардаги ўринлар сони, сайёҳлик меҳмонхоналари ва улардаги ўринлар сони. Дам олиш муассасалари сонидан оилалар учун мўлжалланган муассасалар ва улардаги ўринлар сони ҳамда бир-икки кунлик дам олиш муассасалари ва улардаги ўринлар сонини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ташкил қилинган даволаниш ва дам олишдан фойдаланувчиларни умумий характерлаш учун санаторий ва дам олиш муассасаларида (бир-икки кунликдан ташқари) даволанган ва дам олганларнинг умумий сони кўрсаткичи қўлланилади. Санаторий ва курортларда даволанган ва дам олганларнинг умумий аҳоли сонидagi салмоғини аниқлаш учун нисбий кўрсаткичлар ҳисобланади: даволанганлар ҳар 10 минг кишига нисбатан, дам олганлар ҳар 10 минг кишига нисбатан.

Дам олиш муассасаларида узоқ муддат (12-24 кун) бўлиб, дам олган ва даволанганлар сонини дифференцияли тавсифи учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: даволаш муолажалари ўтказиладиган санаторий ва пансионатларда; санаторий-профилакторийларда; курорт поликлиникаларида; дам олиш уйлари ва пансионатларда; дам олиш базаларида; сайёҳлик меҳмонхоналари ва базаларида даволанган ва дам олганлар сони.

Аҳоли ўртасида ишдан бўш вақтда ташкил этилган дам олиш кенг тарқалган. Бу турдаги дам олишнинг миқёсини қуйидаги кўрсаткичларда кўришимиз мумкин: бир-икки кунлик дам олишдан фойдаланганлар сони; сайёҳлик маршрутларида дам олиш кунлари ҳордиқ чиқарганлар ҳамда экскурсия иштирокчилари сони.

Дала ҳовли ва боғ ҳовлилари қуришнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда шаҳар аҳолисининг катта қисми ёзги таътилни дала ва боғ ҳовлиларида ўтказишни маъқул кўрмоқда. Махсус танланма тадқиқотлар ўтказишда ёзги таътилни ўтказиш кўрсаткичлари кўзда тутилади. Масалан, ташкил этилган дам олиш турлари (даволаниш ва дам олиш муассасалари, сайёҳлик сафарлари ва ҳоказо), ташкил этилмаган дам олиш турлари (дала ва боғ ҳовлиларида дам олиш ва ҳоказо).

Ташкил этилган болалар дам олишини таҳлил қилишда ота-оналарнинг болалар билан даволаниш ва дам олишларига мўлжалланган муассасалардан ташқари қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: ёзги оромгоҳлар ва уларда дам олаётган болалар сони; ёзги пайтда шаҳардан ташқарида бўлган болалар боғчалари ва яслиларда дам олган кичик ёшдаги болалар сони.

## Қисача хулосалар

Ушбу мавзуни ўрганиш талабаларга тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш, жисмоний тарбия ва спортни статистик ўрганиш имконини; аҳолининг тиббий хизмат билан таъминланганлиги ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш даражасини аниқлаш имконини беради.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тиббий хизмат кўрсатиш даражаси қандай аниқланади?
2. Аҳолининг тиббий хизмат билан таъминланганлик кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
3. Қасалланиш кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
4. Аҳолининг дам олиш ва сайёҳлик муассасалари билан таъминланганлик кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
5. Аҳолининг жисмоний тарбия ва спортни қамраб олиш кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?

### Асосий адабиётлар

1. Будьте здоровы. Москва, 1982.
2. Наши женщины. Москва, 1994.

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

### 10.1. Халқ таълими статистикаси

Халқ таълими ноишлаб чиқариш соҳасининг энг муҳим тармоғи бўлиб, мамлакатда умумий ўрта таълимга эга бўлиш, аҳолининг таълим даражасини ошириш вазифаларини бажаради. Халқ таълими тизими кўп босқичли мураккаб тизим бўлиб, доимий равишда ривожланиб бораётган мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар мактаблари, ўрта-махсус ҳамда олий ўқув юртлари тизими, шунингдек, халқ хўжалигида зарур бўлган кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи турли хил курслар тармоғига асосланади. Ҳукумат онгли, олий маълумотли, ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнатга қодир бўлган одамларни тайёрлаш ва тарбиялаш ишларини босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Ижтимоий статистикада халқ таълими ижтимоий хизмат кўрсатишнинг энг муҳим тармоқларидан бири, жамият ижтимоий инфратузилмасининг элементи сифатида ўрганади. Унинг асосий вазифалари қаторига ўқув юртлари тармоқларининг ривожланиши, аҳолининг ўқув юртлари билан таъминланганлиги тадқиқоти, халқ таълими кадрлари таркиби, мутахассислар ва ўқувчилар тайёрлаш, аҳолининг маълумоти даражаси, аҳолининг ижтимоий-демографик гуруҳларга кўра дифференциацияси ўрганиш, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, турли миллат ва элат вакиллари маълумоти ўртасидаги фарқнинг камайиши жараёни таҳлили ҳамда жисмоний ва ақлий меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишда маълумотнинг ролини ўрганишдир.

Аҳоли маълумот даражасининг ўсиши, таълим ривожланиши аҳолининг ижтимоий-демографик жараёнлари — туғилиш ва ўлим, никоҳ ва ажралиш, миграция жараёнлари, ижтимоий кўчишлар, шунингдек, одамлар турмуш тарзининг алоҳида кўрсаткичлари - меҳнат ва ижтимоий фаоллиги, маданият даражаси, маънавий қиёфаси ва шу кабиларга таъсирини статистик ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари ижтимоий статистика халқ таълимини бошқа давлатларнинг шундай кўрсаткичлари билан солиштиришни ҳам амалга оширади.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг ечими ижтимоий статистикага халқ таълими кўрсаткичлари тизимини яратиш, унинг ижтимоий самарадорлигини ўрганиш, мамлакатда халқ

таълимини мукаммаллаштириш учун тавсияномалар танлашга тўғри ёндашиш имконини беради.

10.2. Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва коллежлар статистикаси кўрсаткичлари

Мактабгача таълим муассасалари болалар муассасалари бўлиб, мактаб ёшига етмаган болаларга жамоатчилик тарбияси беришни амалга оширади. Улар аёлларга болаларни тарбиялашни жамиятда, ишлаб чиқаришда иштирок этиш билан бирга олиб бориш имконини беради, шу тариқа болали оилаларнинг моддий таъминотини яхшилашга имкон яратади, яъни муҳим ижтимоий роль ўйнайди. Бундан ташқари мактабгача таълим муассасалари болаларда жамоа асосларини шакллантиради.

Мактабгача таълим муассасалари статистикаси бундай муассасаларнинг шаҳар ва қишлоқлардаги сони, уларни ишга тушириш, уларни таъминлаш учун давлат ва идоралар томонидан ажратиладиган маблағлар ҳажми, турли типдаги мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони, аҳолининг мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлигини акс эттиради. Ижтимоий статистиканинг бир қатор кўрсаткичлари мактабгача таълим муассасаларининг жойлашуви ва фаолиятдан қониқиб қамда болаларга қараб туриш шароитларини ўрғанувчи махсус тадқиқотлар маълумотлари асосида ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаларига қатновчи шаҳар ва қишлоқ болалари салмоғи; болаларни мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш ниятидаги шахслар сони; давлат томонидан болалар боғчалари ва яслиларга қатновчи ҳар бир бола учун ажратиладиган харажатлар ҳажми ва улуши кўрсаткичлари яққол кўзга ташланувчи ижтимоий тавсиф беради. Давлат статистика идоралари томонидан 1 ёшдан 6 ёшгача болаларни доимий мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлик кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ОДУ} = \frac{\text{Йил бошига доими мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони}}{\text{1 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг умумий сони (йил бошига)}} \\ \text{6 ёшдаги умумтаълим мактабларида ёкиётган болалар сони}$$

Умумтаълим мактаблари — болалар ва ёшларни жисмоний ҳамда эстетик тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг ҳар томонлама ривожланишини амалга оширувчи муассасалардир. Мамлакатимизда бошланғич ва ўрта мактаблар мавжуд. Уларнинг орасидан куни узайтирилган ҳамда интернат мактаблар-

ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, музиқий, бадий ва хореография мактаблари ҳамда ақлий ва жисмоний нуқсонли болалар учун мактаблар ҳам ўрта умумтаълим мактаблари қаторига киритилади.

Умумтаълим мактаблари статистикаси мактаблар тармоғининг ривожланиши, уларнинг турли ёшдаги болаларни қамраб олиши, мактабларнинг моддий базаси, педагог кадрлар, ўқувчиларни ўқитиш жараёни, меҳнатга ўргатиш ҳамда касб йўналишларини жорий қилишни ўрганеди.

Давлат статистика идоралари мактаблар ва узайтирилган гуруҳларда ўқиётган болалар сони ҳамда шаҳар ва қишлоқларда кундузги умумтаълим мактабларининг 1-9-синф ўқувчилари узайтирилган кун таълими билан қамраб олиниши кўрсаткичларини ҳисобга олиб боради. Мактабларнинг моддий базалари кўрсаткичлари сифатида уларнинг ўқув бинолари, ўқув кабинетлари ва устахоналар, ҳисоблаш техникаси, спорт заллари, ошхона ва буфетлар ҳамда ҳовлилар билан таъминланганлигини қайд қилиб ўтиш мумкин.

Ўқувчиларнинг ўқув жойлари билан таъминланганлиги, синфларнинг тўлалиги кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Синфларнинг тўлалиги амалдаги ўқувчилар сонининг рўйхатдаги ўқувчилар сонига нисбати асосида топилади. Статистика идоралари барча молиялаштириш манбалари ҳисобиға умумтаълим мактабларини ишга тушириш кўрсаткичларини мутлақ ҳамда ҳар 10 минг кишига нисбатан ҳисоблаб, давлатнинг капитал қўйилмалар, жамоатчилик ташкилотлари ҳисобиға ҳамда ҳашар йўли билан қурилган мактаблар сонини алоҳида ажратиб кўрсатади.

Мактабларнинг педагог кадрлари кўрсаткичлари уларнинг сони, лавозими, касбий ва ижтимоий-демографик таркиби ҳамда педагог кадрларни бириктириб қўйиш каби кўрсаткичлар билан тавсифланади. Мактабларнинг педагог таркиби маълумоти даражаси ва педагоглик стажига кўра гуруҳларга бўлиниб, бошқарув кадрлари ва ўқитувчилар алоҳида ҳисобга олинади.

Ўқитиш жараёни мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги, ўқувчиларнинг мактаб, синф турларига кўра тақсимланиши, мактабга қабул қилиниши ва чиқарилиши, ўқувчиларнинг ўқиш даражаси, бир синфда иккинчи йилга қолиш каби кўрсаткичлар билан тавсифланади. Давлат статистика идоралари умумтаълим мактабларини тамомлаганлар ҳисобини юритиб, кундузги ва кечки мактабларни тўлиқ ҳамда тўлиқсиз тамомлаганлар ҳисобини алоҳида олиб борадилар.

Ўқувчиларнинг яхши ўқиши юқори синфга ўтказиш коэффициенти ҳамда йил охирида бир синфда иккинчи йилга қол-

ганлар сонининг жами ўқувчилар миқдорига салмоғи ёрдамида ҳисобланади. Мажбурий ўрта умумтаълим мактаблари туғрисидаги қонуннинг бажарилишини тавсифловчи қуйидаги кўрсаткичлар ҳам муҳим аҳамиятга эга: мактаб ёшидан ўтган ёшлар орасида ўрта маълумотлилар сони ва салмоғи, шу ёшдагилар орасида ўрта маълумотга эга бўлмаган ва ўрта ўқув муассасаларида таълим олмаётганлар сони ва улуши.

### 10.3. Маданият ва санъат ҳамда оммавий ахборот воситаларини статистик ўрганишнинг ижтимоий аҳамияти

Маданият ва санъат жамиятнинг руҳий тараққиётида муҳим роль ўйнайди ҳамда ўзига хос хусусиятига эга бўлган ҳолда статистика томонидан алоҳида ўрганилади. “Маданият” тушунчаси кенг талқин қилиниб, ўз ичига санъатни ҳам қамраб олади. Масалан, энциклопедияда маданият “жамиятнинг маърифат, фан, санъат ва маънавиятнинг бошқа соҳаларидаги ютуқлари мажмуаси; бу ютуқлардан табиат кучларини жиловлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жамият тараққиётининг долзарб вазифаларини ечиш учун фойдаланиш қобилияти” сифатида талқин қилинади.

Санъат жамият маънавий ҳаётининг таркибий, шу билан бир бирга мустақил қисми бўлиб, унинг асосий турлари қуйидагилардир: адабиёт, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, музика, театр, кино ва ҳоказо. Радио, телевидение, матбуот каби оммавий ахборот воситалари ҳозирги пайтда маданият ва санъат ютуқларининг ривожланиши ва кенг халқ оммасига етказилишида катта роль ўйнамоқда.

Маданият ва санъат статистикада номоддий соҳадаги фаолиятнинг мустақил тармоғи сифатида ўрганилади. Бу тармоқ яна иккига бўлинади: маданият ва санъат. Маданият муассасалари қаторига кутубхоналар, музей ва кўргазмалар, клублар, мактабгача тарбия муассасалари, халқ университетлари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари, радио ва телевидение таҳририятлари, китоб палаталарини киритиш мумкин. Санъат муассасалари қаторига эса театр, кинотеатр, концерт жамоалари ва ташкилотлари, цирк ҳамда бадий тасвир студияларини киритиш мумкин.

### 10.4. Маданий-маърифий муассасалар статистикаси

Маданият муассасалари орасида кутубхоналар муҳим аҳамият касб этиб, улар даврий матбуот (газета, журнал ва ҳоказо) ва китоблар фондига эга бўладилар ҳамда уларни аҳолига вақтинчалик фойдаланиш учун тарқатадилар.



Кутубхоналар статистикасида биринчи ўринда барча кутубхоналар сони, шу жумладан, уларнинг турлари ва китоб фондлари ҳисобга олинади. Китоб фондлари таркиби, фаолият характери ва белгиланишига кўра, кутубхоналар оммавий, илмий, техник, ўқув қўлланмалари ҳамда бошқа ўзига хос турларга бўлинади.

Оммавий кутубхоналар кенг халқ оmmasига хизмат қилиши мўлжалланган бўлиб, уларнинг китоб фондлари жуда катта ва хилма-хиддир. Бундай кутубхоналар аҳолининг турли гуруҳларига хизмат кўрсатади. Оммавий кутубхоналардан фарқ қилган ҳолда, бошқа турдаги кутубхоналар маълум бир турдаги китобхоналарга хизмат қилиши мўлжалланган. Масалан, илмий кутубхоналар китоб фондининг характерига кўра илмий ходимлар, аспирантлар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабаларига хизмат қилиши кўзда тутилган.

Техник ва бошқа махсус кутубхоналар асосан илмий тадқиқот институтлари, корхона ва муассасаларда ташкил қилиниб, улардан ўз эҳтиёжларини қондириш учун, ушбу муассасаларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш учун керакли ахборот олиш мақсадида фойдаланилади. Бу кутубхоналарнинг китоб фондлари уларнинг ўзига хослиги ва фойдаланувчиларнинг қизиқишлари билан боғлиқ.

Статистикада барча турдаги кутубхоналарни ҳисобга олишда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: китоб ва журналлар сони (йил боши ёки охирига); бир йилда келиб тушган китоб ва журналлар сони; китобхоналар сони; тарқатилган китоблар сони; кутубхона ходимларининг сони ва таркиби (маълумоти, меҳнат стажи ва ҳоказо) ва шу кабилар.

Мамлакатдаги кутубхоначилик фаолиятини тавсифлашда умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида қуйидагилар ҳам хизмат қилади: алоҳида маъмурий-худудий бирликларда кутубхоналар мавжудлиги (ва уларнинг китоб-журнал фонди); ўртача битта кутубхонага тўғри келувчи китоб ва журналлар сони; битта кутубхонага тўғри келувчи аҳоли сони; ҳар бир китобхонага тўғри келувчи китоб ва журналлар сони (бу кўрсаткич баъзида аҳолининг китоб билан таъминланганлиги кўрсаткичи деб ҳам аталади); битта кутубхонага тўғри келувчи ўқувчилар сони; ўртача битта ўқувчига берилган китоб ва журналлар сони.

Кутубхоналар тўғрисидаги маълумотлар йиғилгандан сўнгра бу кутубхоналар китоб фондининг ҳажми, китобхоналар сони каби асосий параметрларига кўра гуруҳларга бўлинади. Худди кутубхоналар каби фильмотека ва фонотекаларда ҳам уларнинг фондлари, у ёки бу худуддаги аҳолининг таъминланганлиги ҳисобга олиб борилади.

Маданият муассасаларининг иккинчи йирик гуруҳини клуб муассасалари ташкил қилиб, уларнинг қаторига қуйидагилар киради: маданият уйлари ва саройлари, стационар ва кўчма клублар (автоклублар, вагон-клублар ва ҳоказо); меъмор уйи, актерлар уйи, врачлар уйи, журналистлар уйи, адабиётчилар уйи, композиторлар уйи, олимлар уйи, туристлар уйи, киночилар уйи, халқ ижодиёти уйи, техника уйи, ўқитувчилар уйи; экскурсия бюрolari ва планетарийлар.

Худди кутубхоналар статистикасидаги каби клуб муассасалари статистикаси ҳам юқоридаги кўрсаткичларга асосан ҳисобланади. Қайси идорага тегишлилигига кўра клуб муассасалари Маданият ишлари вазирлигига тегишли (жумладан, вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларда жойлашган), жамоа хўжаликларига тегишли, касаба уюшмалари ташкилотларига тегишли ҳамда бошқа ташкилотларга тегишли бўлган муассасаларга ажратилади. Клублар кенг халқ оммаси билан ишлаш ва аҳолининг турли қатламлари дам олишини ташкил этишга мўлжаллангани сабабли клубларнинг турли тўғарақлар орқали амалга оширувчи фаолиятини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади.

Маданият ишлари вазирлиги ва касаба уюшмалари ташкилотларининг муассасалари тизими бўйича бадий ҳаваскорлик тўғарақлари ва улардаги қатнашчилар сони ҳисобга олиб борилади. Тўғарақларнинг умумий миқдоридан мусиқий, хор, хореография ва драма тўғарақлари ажратиб кўрсатилади.

Клуб муассасалари статистикасида маъруза, суҳбат, спектакл, концерт, дам олиш кечалари, консультация каби чора-тадбирларнинг ўтказилишига катта эътибор қаратилади. Клуб муассасалари фаолияти статистикаси бу қисмнинг асосий кўрсаткичлари сифатида ўтказилган чора-тадбирлар ва уларнинг иштирокчилари сонини кўрсатиш мумкин. Бундай статистика клуб муассасаларининг аҳоли орасида олиб бораётган ишлари кўлами, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш, аҳолининг клуб фаолияти билан қамраб олиниши тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради.

Мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасалари ҳам ўз характерига кўра, клуб муассасаларига жуда яқин туради ва статистика томонидан ўрганилади. Уларнинг қаторига ижодкор ёшлар ва ўқувчилар уйлари ҳамда саройлари. Болаларни бадий тарбиялаш уйлари, ёш техниклар ва ёш табиатчилар станциялари ва болаларнинг мактабдан ташқари бошқа ўнлаб муассасалари, болалар мусиқий ва хореография мактабларини киритиш мумкин.

Аҳоли орасида маърифий ишларни амалга оширишда му-

зейлар катта роль ўйнайди. Музей аҳолини музей фондидаги турли хил экспонатлар билан таништирувчи маданият муассасасидир. Характерига кўра, музейлар меъморлик, геология, табиатшунослик, тарих, санъатшунослик (бадий, тасвирий, адабий, рассомчилик), мемориал, тармоқ, политехника музейи ва шу каби турларга (илмий муассасалар музейларидан ташқари) бўлинади. Музейларга саноат, қишлоқ хўжалиги, қурувчилик кўргазмалари каби бир қатор кўргазмалар ҳам яқин туради.

Маданият ва истироҳат боғлари ва кўчма аттракционлар ҳам аҳолининг дам олишини ташкил этишда катта роль ўйнайди. Бу гуруҳдаги муассасаларни ҳисобга олганда маданият ва истироҳат боғларининг сони (йил охирига), уларнинг майдони, ташриф буюрувчилар сони, ўтказилувчи чора-тадбирлар ва уларнинг сонига алоҳида эътибор берилади. Худди шу тарзда ботаника ва ҳайвонот боғлари ҳам статистика томонидан ҳисобга олинади.

Юқорида санаб ўтилган муассасаларга аҳолининг ташриф буюришини тавсифлашда статистикада бу муассасаларнинг ҳар 100000 (ёки 10000) кишига тўғри келиши ҳамда ҳар 100 кишига тўғри келувчи ташрифлар ҳисобга олинади.

Маданият муассасалари орасида оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение ва матбуотни алоҳида гуруҳ сифатида ажратиб кўрсатиш зарур. Бу ерда статистика объектлари сифатида телерадио компанияси; радиоэшиттиришлар таҳририяти; радио ва телемарказлар хизмат қилади. Таҳририяти ва марказлар сонидан ташқари статистикада каналлар сони ва уларнинг давом этиш вақти ҳамда кўрсатувлар характери ҳам ҳисобга олинади.

Ҳозирги пайтда радио ва телевидение газеталар билан бир қаторда тарғибот ва ташвиқот қилувчи энг кучли оммавий ахборот воситалари саналади. Матбуот оммавий ахборот воситаси сифатида биринчи ўринда таҳририят-нашриёт фаолияти орқали ўрганилади. Бу ерда статистик тадқиқотларнинг объекти бўлиб газета ва журналларнинг таҳририятлари; китоб, газета ва журнал чиқарувчи турли хил нашриёт корхоналари хизмат қилади.

Нашриётларни ўрганишда статистикада гуруҳларга бўлишдан кенг фойдаланилади. Нашриётлар аввало аҳамияти ва ҳудудий белгиларига кўра: марказий, вилоят, туман нашриётларига тақсимланади. Мансублигига кўра эса давлат, партия, касаба уюшмалари, идораларга тегишли нашриётларга бўлинади. Шунингдек, нашриётлар ишлаб чиқарувчи маҳсулотларига кўра ҳам тақсимланади: китоб, китоб-журнал, газета, газета-журнал нашриётлари ва ҳоказо.

Нашриётлар статистикасининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар: нашр қилинаётган маҳсулот номларининг сони, босма бирликларнинг сони ва тиражи, нашр қилинган босма маҳсулотлар варағининг умумий ҳажми. Босма бирлиги деганда ўзига хос матбаа талабларига жавоб берувчи ҳамда китоб, брошюра, журнал ва ҳоказо кўринишида муқоваланган босма асар тушунилади. Унда босмаҳона буюртмаси рақами ҳам кўрсатилади. Маҳсулот бир неча жилд, қисм ва ҳоказода босиб чиқарилган ҳолларда барча нашр ва таржималарнинг ҳар бир жилди ва қисми алоҳида босма бирлиги ҳисобланади.

Тираж деганда битта номдаги матбуот бирлигининг нусхаси сони тушунилади. Алоҳида газеталар учун бир марталик (чоп этилган нусха сони) тираж ва ўртача бир марталик тиражни газетанинг бир йилда чиқувчи номерлари сонига кўпайтириш орқали топиловчи йиллик тиражи ҳисобланади. Барча газеталарнинг йиллик тиражи бир йилда чиққан алоҳида газеталарнинг бир марталик тиражи йиғиндиси сифатида аниқланади.

## 10.5. Санъат статистикаси кўрсаткичлари

Санъат инсон маданиятининг муҳим элементи бўлиб, жамият онгининг бир шакли сифатида тавсифланади ҳамда воқеликни бадиий образлар орқали акс эттиради. Санъатнинг жамият ҳаётидаги, аҳолини бадиий ва эстетик руҳда тарбиялаш ҳамда дунёқарашнинг шаклланишидаги ролини баҳолаш қийин.

Санъат кўпқирралидир. Юқорида айтиб ўтилганидек у адабиёт, театр, кино санъати, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика, меъморлик, амалий санъат, мусиқа ва рақсни қамраб олади. Унинг асосий вазифаси меҳнаткашларнинг маънавияти ва эстетикасини тарбиялаш, уларни маданият ютуқларига яқинлаштириш ҳамда инсонни ҳар томонлама ривожлантириш деб белгиланади.

Санъат ҳаққоний равишда тараққиёт ғояларини илгари суриб, жамиятнинг олға интилишига хизмат қилгандагина ўзининг таълим-тарбиядаги ролини муваффақиятли амалга ошириши мумкин. Жамиятимизнинг маънавий соғлиги ва руҳий иқлимини кўп жиҳатдан адабиёт ва санъатнинг аҳволи белгилаб беради.

Кўнгилочар чора-тадбирлар орасида театр етакчи ўринни эгаллайди. Театрлар мустақил балансда бўлиб, профессионал ижодий жамоадан ҳисобланади. Театрлар стационар (асосан бино ичида фаолият кўрсатувчи, гастролни мустасно қилганда)

ва кўчма (доимий бинога эга бўлмаган) турларга бўлинади. Театр санъатининг жанри ва репертуарига кўра театрлар қуйидаги турларга бўлинади: опера ва балет театри, мусиқий комедия, болалар, ёш томошабин, кўғирчоқ театри. Халқ театри унвонига сазовор бўлган ижодий ҳаваскор жамоалар алоҳида ажралиб туради.

Статистика театрларнинг жанри, томоша залидаги ўринлар сони, бир йилдаги томошалар сони, театрларнинг тўлалиги, театр ходимларининг сони ва таркиби, театрларнинг моддий базаси, молиявий натижаларига кўра ҳисобга олиб боради.

Театрлар билан бир қаторда статистика цирклар ҳамда турли хил концерт ташкилотлари ва жамоаларининг (филармониялар, эстрада жамоалари, кўшиқ ва рақс ансамбллари, оркестрлар, хорлар ва ҳоказо) фаолияти ва сонини ҳам ҳисобга олиб боради. Статистика бу ҳолларда у ёки бу жамоанинг таркибини турли хил белгилари (жинси, ёши, меҳнат стажи, маълумоти, фаолият тури ва ҳоказо); маълум бир вақт ичида ўтказган концертлар сони; тингловчилар сони; концертларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш учун қилинган харажатлар кўрсаткичларига қараб ўрганади.

Ҳозирги пайтда санъатнинг энг оммавий тури бу кино санъати бўлиб, у аҳолига кинотеатрларда тақдим этилади. Кинотеатрлар махсус ускуналар билан жиҳозланган бинолар бўлиб, томоша залидан алоҳида ажратилган аппаратхонада стационар киноускуналар жойлаштирилган бўлади. Бундан ташқари кинотеатрлар бир аҳоли пунктдан иккинчисига ёки бир бинодан иккинчисига олиб бориб намойиш пайтида ўрнатилувчи кўчма кино ускуналар билан ҳам жиҳозланиши мумкин. Бир нечта томоша залига эга бўлган кинотеатрлар статистикада битта кинотеатр ҳисобланади.

Киноускуналар пленкаларининг ўлчамига қараб кенг пленкали (эни 35 мм ва ундан катта) ҳамда тор пленкали (эни 16 мм) ускуналарга бўлинади.

Кино санъати муассасалари статистикасида қуйидаги кўрсаткичлар асосий ҳисобланади: шаҳар поселкалари ва қишлоқ жойларда стационар ва кўчма киноускуналар сони; намойиш этилган киносенслар сони; киносенсларга ташриф буюрган томошабинлар сони.

Алоҳида ҳудудлар аҳолисининг кино санъати муассасалари билан таъминланганлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш учун юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларнинг мутлақ ҳажми мазкур ҳудуд аҳолисининг сони билан солиштирилади. Натижада қуйидаги каби кўрсаткичлар юзага келади: ҳар 1000 кишига

стационар кинотеатрлар сони; ҳар 1000 кишига стационар кинотеатрлардаги жойлар сони; ҳар 1000 кишига киносеансларга ташриф буюриш сони; ҳар бир кишининг ўртача киносеансларга ташриф буюриши ва ҳоказолар.

Кинофильмлар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисобга олинмаса, аҳолига кино санъати соҳасида кўрсатиладиган хизматни статистик ўрганиш тўлиқ бўлмайди. Шу сабабли кинофильмлар ишлаб чиқариш моддий ишлаб чиқаришга мансуб бўлса-да, киностудиялар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари санъат статистикасида ҳам кўриб чиқилади. Бу, аввало, кинофильмлар суратга олишга тегишлидир. Суратга олинган кинофильмларни ҳисобга олишда улар тўлиқ метражли ва қисқа метражли турларга бўлинади. Тўлиқ метражли фильмлар қаторига бадий, хужжатли-хроника ва илмий-оммабоп фильмларни киритиш мумкин. Уз навбатида қисқа метражли фильмлар ҳам бадий ва мультипликацион, хужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув фильмларига бўлинади. Шу билан бирга суратга олинган фильмлар қаторига телевизион фильмлар ва фильм-спектакллар ҳам киритилади.

Юқорида санъат статистикасининг санъат муассасалари ва уларнинг фаолиятига алоқаси бўлган асосий кўрсаткичларигина кўриб чиқилди. Бироқ статистиканинг бу соҳасида томошабинларнинг бадий қадриятларга, санъат асарларининг ҳаққонийлигига берган баҳоси ҳамда санъатнинг алоҳида турлари томошабин ва тингловчиларнинг маълум бир қисми томонидан қандай қабул қилинганлигини рақамлар ёрдамида акс эттириш жуда муҳимдир. Бу масалани ечишда асосан махсус тадқиқотлар ёрдамида амалга оширилувчи жамоатчилик фикрини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

## Қисқача хулосалар

Ушбу мавзунини ўрганиш узлуксиз таълим босқичларини аниқлаш, мактабгача таълим, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимини алоҳида кўриб чиқиш ҳамда узлуксиз таълим тизимини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизимини аниқлаш имконини беради.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Узлуксиз таълим тизими қайси босқичлардан иборат?
2. Маданият кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
3. Санъат кўрсаткичлари қандай аниқланади?
4. Оммавий ахборот воситалари кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
5. Аҳолининг оммавий ахборот воситалари билан қамраб олиниши қандай аниқланади?

### Асосий адабиётлар

1. Елисеева И. Моя профессия статистик. Москва, 1991.
2. Рабинович П.М. История статистики. Москва, 1990.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. — Т.: Ўзбекистон. 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон. 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон. 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон. 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон; Национальная независимость, экономика, политика, идеология 4-х томник. — Т.: Ўзбекистон. 1996.
6. Елисеева И.И. Социальная статистика. —М.: Финансы и статистика. 1997.
7. Гурьев В.И. Основы социальной статистики —М., 1991.

### Кўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» қонуни — Т.: Ўзбекистон, 1998 (янги тахрир).
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси — Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Абдурахмонов К.Х. Одегов Ю.Г. Управление трудовым потенциалом в условия регулируемой рыночной экономики. — Т. Меҳнат. 1991.
4. Никифорова А.А. Рынок труда: занятность и безработица — М.: Межд. Отношения. 1991.
5. Меҳнат биржалари ишини ташкил қилиш. О.Обидов ва Т.АП. ТПК., 1995.
6. Холмуминов Ш.Р., Балаханова Д.К., Муртазаев Б.Ч. Рынок труда: проблемы формирования и регулирования. — Т. Фан, 1994.
7. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. — Т. Фан, 1996.



# МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БОБ. ИЖТИМОЙ СТАТИСТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	6
1.1. Ижтимоий статистиканинг предмети.....	6
1.2. Ижтимоий статистиканинг услуги.....	7
1.3. Ижтимоий статистиканинг вазифалари.....	8
1.4. Ижтимоий статистиканинг замонавий ташкил этилиши... ..	10
1.5. Ижтимоий статистикада статистик кузатувнинг таснифи ва хусусиятлари.....	12
1.6. Ижтимоий статистикада гуруҳлаш.....	15
1.7. Ижтимоий статистиканинг кўрсаткичлар тизими.....	18
Қисқача хулосалар.....	19
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	19
Асосий адабиётлар.....	19
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИ.....	20
2.1. Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий тизимини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти.....	20
2.2. Жамоатчилик ташкилотлари мулки, фуқароларнинг шахсий мулки, мулк тузилмаси статистикаси кўрсаткичлари.....	20
2.3. Иқтисодиёт ривожланиши статистикаси кўрсаткичлари... ..	22
2.4. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш статистикаси кўрсаткичлари.....	24
2.5. Жамиятнинг сиёсий тизими статистикаси.....	26
2.6. Аҳолининг давлатни бошқаришдаги иштироки статистикаси кўрсаткичлари ва сайлов тизими статистикаси.....	26
2.7. Партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар статистикаси кўрсаткичлари.....	27
2.8. Ҳуқуқ-тартибот ҳамда назорат идоралари кўрсаткичлари статистикаси.....	28
2.9. Жамият ижтимоий тузилмаси статистикаси кўрсаткичлари.....	29
Қисқача хулосалар.....	30
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	30

Асосий адабиётлар..... 30

**III БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СТАТИСТИКАСИ..... 31**

3.1. Жамоатчилик фикрини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти..... 31

3.2. Жамоатчилик фикри статистикаси кўрсаткичлари..... 32

3.3. Танланма кузатув (сўров) ларни ташкил қилиш..... 33

3.4. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг статистик усуллари... 37

Қисқача хулосалар..... 39

Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 39

Асосий адабиётлар..... 39

**IV БОБ. ЖАМИЯТ ТАРКИБИ, ШАХС, ОИЛА ВА МЕХНАТ ЖАМОАСИ СТАТИСТИКАСИ..... 40**

4.1. Жамият таркиби, шахс, оила ва меҳнат жамоаси статистикаси..... 40

4.2. Шахнинг ривожланишига ижтимоий шароитлар кўрсатувчи таъсирнинг статистик тадқиқоти..... 40

4.3. Оила таркибини унинг катталиги, болалар сони, маълумот даражаси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича статистик ўрганиш..... 43

4.4. Меҳнат жамоасининг давлатни бошқаришдаги ва халқ хўжалигидаги иштироки статистикаси кўрсаткичлари..... 46

4.5. Статистик маълумотларни таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари ва меҳнат жамоаси ҳақидаги ахборот манбалари... 47

Қисқача хулосалар..... 48

Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 48

Асосий адабиётлар..... 48

**V БОБ. АҲОЛИНИНГ АҲЛОҚ-ОДОБИ, БЎШ ВАҚТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ СТАТИСТИКАСИ..... 49**

5.1. Аҳоли ахлоқ-одобини ҳолатини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти..... 49

5.2. Ижтимоий оғиш ва қонунбузарликлар кўрсаткичлари.... 49

5.3. Бўш вақтни ўтказишни статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти..... 51

5.4. Суткалик вақт фонди ва ишдан ташқари вақт статистикаси..... 52

5.5. Аҳолининг бўш вақти ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари..... 55

Қисқача хулосалар.....	58
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	58
Асосий адабиётлар.....	58

## **VI БОБ. МЕҲНАТ ХАРАКТЕРИ ВА ИЖТИМОИЙ ШАРОИТЛАРИ СТАТИСТИКАСИ..... 59**

6.1.Меҳнат характери ва ижтимоий шароитларини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти.....	59
6.2.Аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлиги ва меҳнатнинг жамиятдаги тақсимоти кўрсаткичлари.....	60
6.3.Меҳнат шароитлари ва муҳофазаси статистикаси кўрсаткичлари.....	62
Қисқача хулосалар.....	65
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	65
Асосий адабиётлар.....	65

## **VII БОБ. АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ СТАТИСТИКАСИ..... 66**

7.1.Аҳоли даромадларини статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти.....	66
7.2.Аҳолининг реал даромадлари, номинал ва реал иш ҳақи даражаси, таркиби ва динамикаси статистикаси кўрсаткичлари....	66
7.3.Ижтимоий таъминот ва суғурталаш статистикасининг асосий кўрсаткичлари.....	68
Қисқача хулосалар.....	72
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	72
Асосий адабиётлар.....	72

## **VIII БОБ. АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ..... 73**

8.1.Аҳолининг турмуш тарзи ва даражаси статистик тадқиқот объекти сифатида.....	73
8.2.Ишчи, хизматчи ва дехқон оилалари бюджети статистикаси кўрсаткичлари.....	79
8.3.Жамоатчилик истеъмол фондлари статистикаси кўрсаткичлари.....	81
Қисқача хулосалар.....	84
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	84
Асосий адабиётлар.....	84

<b>IX БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАМДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>85</b>
9.1. Аҳолига кўрсатилувчи тиббий хизмат, дам олиш ва жисмоний тарбияни статистик ўрганишнинг вазифалари ва ижтимоий аҳамияти.....	85
9.2. Саломатлик ва соғлиқни сақлаш статистикаси кўрсаткичлари.....	86
9.3. Дам олиш ва туризм, жисмоний тарбия ва спорт статистикаси кўрсаткичлари.....	89
Қисқача хулосалар.....	91
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	91
Асосий адабиётлар.....	91

<b>X БОБ. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>92</b>
10.1. Халқ таълими статистикаси.....	92
10.2. Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва коллежлар статистикаси кўрсаткичлари.....	93
10.3. Маданият ва санъат ҳамда оммавий ахборот воситаларини статистик ўрганишнинг ижтимоий аҳамияти.....	95
10.4. Маданий-маърифий муассасалар статистикаси.....	95
10.5. Санъат статистикаси кўрсаткичлари.....	99
Қисқача хулосалар.....	102
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	102
Асосий адабиётлар.....	102

<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>103</b>
--------------------------------	------------

## CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
<b>PART-I. SUBJECT, METHODOLOGY AND TASKS OF THE COURSE OF “SOCIAL STATISTICS”.....</b>	<b>6</b>
1.1. Subject of “Social statistics”.....	6
1.2. Methodology of “Social statistics”.....	7
1.3. Tasks of “Social statistics”.....	8
1.4. Modernization of “Social statistics”.....	10
1.5. Essence and characteristic of statistical observations of “Social statistics”.....	12
1.6. Groups of “Social statistics”.....	15
1.7. Indicators system of “Social statistics”.....	18
Brief conclusions.....	19
Questions for discussion and control.....	19
Main literature .....	19
<b>PART-II. POLITICAL AND ECONOMIC SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....</b>	<b>20</b>
2.1. Tasks and social essence of political and economic system of the Republic of Uzbekistan.....	20
2.2. Indicators of organizations’ property, private property of people and property structure.....	20
2.3. Statistical indicators of economic development.....	22
2.4. Statistical indicators of environment protection.....	24
2.5. Statistics of society’s political study .....	26
2.6. Indicators of population participation statistics in regulation of government and election system .....	26
2.7. Statistical indicators of parties, organization, and youths organizations.....	27
2.8. Statistical indicators of legal regulating organization.....	28
2.9. Statistical indicators of society’s structure.....	28
Brief conclusions.....	30
Questions for discussion and control.....	30
Main literature .....	30
<b>PART-III. STATISTICS OF POPULATION OPINIONS.....</b>	<b>31</b>
3.1. Tasks and social essence of statistical study of population	

opinions.....	31
3.2. Indicators of statistics of population opinions.....	32
3.3. Organizations of seldom questionnaire research.....	33
3.4. Statistical methods of studying population opinions.....	37
Brief conclusions.....	39
Questions for discussion and control.....	39
Main literature.....	39

#### **PART-IV. STATISTICS OF SOCIETY'S STRUCTURE, HUMAN, FAMILY AND LABOR ORGANIZATIONS..... 40**

4.1. Statistics of society's structure, human, family and labor organizations.....	40
4.2. Statistical study of family conditions effecting to human development.....	40
4.3. Statistical study of family structure according to its size, number of children, education level and other signs.....	43
4.4. Statistical indicators of labor organizations in regulation of government and participation of national household.....	46
4.5. Main trends of analyzing statistical information and information sources of labor organizations.....	47
Brief conclusions.....	48
Questions for discussion and control.....	48
Main literature.....	48

#### **PART-V. STATISTICS OF POPULATION BEHAVIOUR, SPARE TIME AND ITS UTILIZATION..... 49**

5.1. Tasks and social essence of the statistical study of population behavior.....	49
5.2. Indicators of social movement and illegal behavior.....	49
5.3. Tasks and social essence of statistical study of spare time.....	51
5.4. Statistics of daytime fund and after work time.....	52
5.5. Indicators of spare time of population and its utilization.....	55
Brief conclusions.....	58
Questions for discussion and control.....	58
Main literature.....	58

#### **PART-VI. STATISTICS OF LABOR CHARACTERISTICS AND SOCIAL CONDITIONS..... 59**

6.1. Tasks and social essence of statistical study of labor characteristics	
---	--

and social conditions.....	59
6.2.Indicators of population occupancy with social labor.....	60
6.3.Indicators of labor conditions and protection statistics.....	62
Brief conclusions.....	65
Questions for discussion and control.....	65
Main literature .....	65

## **PART-VII.STATISTICS OF POPULATION INCOME AND SOCIAL PROVISION..... 66**

7.1.Tasks and social essence of statistical study of population income.....	66
7.2.Statistical indicators of real incomes, nominal and their structure, stage and dynamics.....	66
7.3.Main indicators of social provision and insurance statistics....	68
Brief conclusions.....	72
Questions for discussion and control.....	72
Main literature .....	72

## **PART-VIII.STATISTICS OF LEVEL AND LIVING CINDITIONS OF POPULATION..... 73**

8.1. Level and living conditions and of population as a research object of statistics.....	73
8.2.Statistical indicators of budget of workers' and peasants' families.....	79
8.3.Statistical indicators of consumption budgets of organizations....	81
Brief conclusions.....	84
Questions for discussion and control.....	84
Main literature .....	84

## **PART-IX.STATISTICS OF HEALTH CARE AND PHYSICAL EDUCATION AND SPORT..... 85**

9.1.Tasks and social essence of statistical study of health care, resting and physical education.....	85
9.2.Statistical indicators of health and health care.....	86
9.3.Statistical indicators of resting, tourism, physical education and sport.....	89
Brief conclusions.....	91
Questions for discussion and control.....	91
Main literature .....	91

PART-X.STATISTICS OF NATIONAL EDUCATION, CULTURE, ART AND INFORMATION TECHNOLOGY.....	92
10.1.Statistics of national education.....	92
10.2.Statistical indicators of pre school education, general education of schools and colleges.....	93
10.3.Social essence of statistical study of culture and information technologies.....	95
10.4.Statistics of cultural and educational organizations.....	95
10.5.Statistical indicators of art.....	99
Brief conclusions.....	102
Questions for discussion and control.....	102
Main literature .....	102
 LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	 103



**БАХТИЁР БОБОХОНОВИЧ УСМОНОВ**

## **ИЖТИМОЙ СТАТИСТИКА**

**Ўқув қўлланма**

**Нашр учун маъсул:**

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси**

**Адабиёт жамғармаси директори**

**Қурбонмурод Жумаев**

**Мусаввир:**

**Акбарали Мамасолiev:**

**Муҳаррир – Д.Икрамова**

**Техник муҳаррир – Ш.Тожиев;**

**Мусаҳҳиҳ – Ж.Йўлдошев;**

**Компьютерда саҳифаловчи – Д.Инамов**

**Интернетдаги расмий сайти: [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)**

**Электрон почта манзили: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)**

**Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.**

**Қозғоз формати 60x84  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма усулида босилди.**

**Нашр босма тобоғи 7. Нусхаси 500.**

**Буюртма № 169**

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.**

**700000, Тошкент, Ж.Неру, 1.**

**«Тагаққуот ПСН» фирмаси матбаа бўлимида чоп этилди.**

**Тошкент шаҳри, Белгана мавзеси, 18-6.**

*УСМОНОВ Бахтиёр Бобохонович — «Статистика» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. У 4 та ўқув қўлланма, 5 та методик қўлланма ва 30 тадан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.*

*Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси турмуш даражасини статистик ўрганиш».*

